


Г.Т. МАХМУДОВА, С.М. АРИФХАНОВА

ЗАРДУШТИЙЛИК ФАЛСАФАСИ



87.3(5)-873

М. 37

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ФАЛСАФИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЎҚУВ-ИЛМИЙ КОМПЛЕКСИ

Г.Т. Махмудова
С.М. Арифханова

ЗАРДУШТИЙЛИК ФАЛСАФАСИ

Илмий-методик қўлланма

«Noshir» nashriyoti
Тошкент–2014

УЎК: 1 (091) 295.48

КБК: 87.3(5)

M37

Маъсул мухаррир:

М. Абдуллаева – *фалсафа фанлари доктори, профессор.*

Такризчилар:

А. Шарипов – *фалсафа фанлари номзоди;*

Т. Карим – *фалсафа фанлари номзоди, доцент.*

Маҳмудова, Г.Т.

M37 Зардуштийлик фалсафаси: илмий-методик қўлланма./ Г.Т. Маҳмудова, С.М. Арифханова; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, М. Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий ун-ти, Фалсафий тадқиқотлар ўқув-илмий комплекси. – Т.: «Noshir» нашриёти, 2014. – 148 б.

ISBN: 978-9943-4200-9-0

Инсоният эволюцияси табиат ходисаларини англаш, ўз ҳаётий тажрибаларини жамлаш салоҳияти орқали диний ва фалсафий онг тараққиётининг шаклланиш босқичларини босиб ўтган. Мазкур илмий-методик қўлланма Авестода ўз аксини топган ахлоқий, эстетик, ижтимоий ва маънавий қадриятлар фалсафасига бағишланган. Зардуштийлик гоёларини нафақат Марказий Осиё фалсафий тафаккур тарихидаги ўрни, балки унинг жаҳон маънавий қадриятларига замин бўлган таълимот эканлиги нуктаи назардан ўрганиш долзарб вазибалардан биридир. Шу боис мазкур қўлланмада таҳлил этилган Авестонинг ахлоқий, эстетик моҳияти, аждадларимизнинг турмуш тарзи, диний-фалсафий, ижтимоий-маънавий, ахлоқий-эстетик қарашлари ҳақидаги билимларга эга бўлиш имкониятини янада кенгайтиради.

Мазкур илмий-методик қўлланма авестошунослик соҳасида тадқиқот олиб боровчи илмий ҳодимлар ва кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

УЎК: 1 (091) 295.48

КБК:

Илмий-методик қўлланма ИДТ-1 А1-ФА-0-10172-рақамли «Авесто»даги ижтимоий-фалсафий ва маънавий гоёларнинг Шарқ фалсафий тафаккур тарихидаги ўрни ва аҳамияти» мавзусидаги амалий-техник грант лойиҳаси доирасида тайёрлашиб, ЎЗМУ Фалсафий тадқиқотлар ўқув-илмий комплекси Мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилишида муҳокама қилиниб, (2014 йил, 23 июнь 2014-сонли қарор билан), нашрга тавсия этилди.

© Г.Т. Маҳмудова ва бошқ., 2014

©«Noshir» нашриёти, 2014

ISBN: 978-9943-4200-9-0

ЗАРДУШТИЙЛИКНИ ТАДҚИК ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

Марказий Осиё худудида олиб борилаётган археологик изланишлар миқёсининг кенгайиб бориши натижасида Авесто ҳақидаги маълумотларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Археолог ва этнографлар бу жойларда бир замонлар содир бўлган тарихий ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беришмоқда. Эндиликда эса қўлга киритилган маълумотларни жамлаган ҳолда чуқур таҳлил қилиш эҳтиёжи туғилди. Шунингдек, Авестонинг фалсафий, тарихий-филологик таҳлилига мўлжалланган, методик жиҳатдан янги ва кўп ахборот берувчи ёндашувларни ишлаб чиқиш долзарб муаммога айланди.

Авестони ўрганиш ва уни маданий-тарихий талқин этиш билан боғлиқ мураккаб ва мунозарали муаммолар авестошуносликда анчадан бери мавжуд. Буларни ҳал қилмасдан туриб, кадимги Шарқ халқлари моддий ва маънавий маданиятини, уларнинг диний қарашлари, эътиқодлари, олам ва жамият тузилиши борасидаги тасаввурларини замонавий илмий талаб даражасида тушуниш қийин. Шу билан бирга, охириги йилларда Авесто ва зардуштийлик билан боғлиқ барча илмий маълумотларни умулаштирувчи тадқиқотлар пайдо бўлмоқда. Бундай тадқиқотларда Авестода акс этган диний таълимотга фалсафий жиҳатдан ёндашишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда¹.

Авестода илгари сурилган фалсафий ғоялар Қадимги Юнон фалсафасига кагга таъсир кўрсатгани маълум. Лекин зар-

¹ Махмудова Г.Т. Философская сущность Авесты. – Т.: изд-во журнала «Санъат», 2010; Вольф М.Н. онтологические аспекты иранских влияний на раннюю греческую философию. – Диссертация на соискание ученой степени канд. филос. наук. – Новосибирск. 2003. <http://www.nsu.ru/classics/Wolf/Kand-diss.htm#ch3>

душтийлик диний таълимоти фан сифатида шаклланмаган бўлса-да, охириги йилларда фалсафий фан объекти сифатида тан олинмоқда.

Авесто, кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, кўп қатламли манба, тарихий жараённинг барча босқичлари унда ўз изини қолдирган. Шу билан бирга, Авесто шундай манбаки, у бир вақтнинг ўзида ҳам диний таълимот, ҳам Авестони талқини сифатидаги («Зенд Авесто») фалсафий тизимдир. Авестода ривоят ва асотирларга асосланган мифологик дунёқараш ҳамда рационаллашган диний онг ўз аксини топган. Шунинг учун Авестони ўрганишда мифология, диний таълимот, илоҳиёт ва диний фалсафани фарқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Дин ижтимоий онг шаклларида биридир. Қадимги даврлардан бошлаб, то ҳозирги даврга қадар дин жамиятда муайян ўрин эгаллаб келган ва ўз таъсирини ҳам жамиятга, ҳам алоҳида инсонларга ўтказиб келган. Шу билан бирга, инсониятнинг маданий-тарихий ривожланиши жараёнида диннинг ўзи ҳам ривожланиб, мукаммаллашиб, мураккаблашиб борган. Содда диний топанишлар мураккаб диний таълимотларга айланган. Диний таълимотни одамларнинг кундалик ҳаётига татбиқ этиш, тарғиб қилиш ва сақлаш, давлатлар сиёсатига мувофиқлаштириш жараёнида уни муайян тарзда талқин қилувчи ва бир бутунлигини сақлаб келувчи илоҳиёт илми вужудга келади. Илоҳиёт диний дунёқарашга асосланган ҳолда диний тушунча (категория)лар аппаратини, диний таълимотни талқин қилиш усуллар тизимини ишлаб чиқади ва ҳ.к. Яъни илоҳиётда муайян даражада рационалликдан, рационал фикр юритиш воситаларидан фойдаланилади. Энди диний таълимот фақатгина имон-иътиқодга эмас, балки ақлий, рационал асосларга ҳам таяна бошлайди. Ўз навбатида, илоҳиётга асосланган ҳолда бутун борлиқ, жамият ва инсон моҳиятини тушунтирувчи диний фалсафа вужудга келади.

Диннинг келиб чиқиши ва моҳияти тўғрисида турли назария ва фаразлар мавжуд. Улар ичида диний онг ривожланиши жараёнида рационаллик ва иррационаллик мутаносиблигини ёритувчи қарашлар мавжуд. XIX аср социологи Макс Вебернинг диннинг келиб чиқиши ва жамият ривожига таъсири ҳақидаги қарашлари шулар жумласидандир. М. Вебер: «Дин асосини маъхум маъно-мазмун ташкил этади», – дейди. Унинг фикрича, бу муаммо одамлар «оламнинг ва инсон ҳаётининг иррационаллиги»ни бошдан кечирishi жараёнида келиб чиқади. М. Вебер динни ижтимоий ҳаракатга маъно-мазмун бағишловчи йўл. усул сифатида тавсифлайди: дин маданий ҳодиса сифатида нарса ва ҳодисаларга муайян ва тегишли маънолар бериб, уларни қўллаб-қувватлаб туради, бу билан оламни тушунтириш ва кундалик ахлоққа «рационаллик»ни киритади².

М. Вебернинг қарашларига кўра, дин ўзида турли маъноларни жамлайди, бунинг асосида инсоннинг олам билан боғлиқ кечинмалари оламни англаш (дунёқараш)га айланиб боради, натижада дин нарса ва ҳодисаларга муайян маъно-мазмунлар беради. Инсон онгида олам руҳлар, жинлар, худолар, гайритабiiй кучлар ҳаракат қилувчи саҳнага айланиб боради. Воқеликнинг турли таркибий қисмлари бир-бирига чирмашиб, тизимлашган коинотга айланади. Диний онгда эмпирик тажриба маълумотлари рационал усул воситасида олам ҳақидаги тасаввурга бирикади ва бу тасаввур содир бўлаётган ҳодисаларнинг маъноли ёки маъносиз эканлигини баҳолаб беради.

Инсон ҳаётида узок келажакка мўлжалланган ва бошқа хусусий мақсадларни умумлаштирувчи мақсадлар ўзига хос аҳамиятга эга. Бу мақсад инсон ёруғ дунёда бошидан кечирган бахтсизликлар, мусибатлар ва кулфатлар эвазига нариги дунёда бахтга эришиши тўғрисидаги асосий диний-ахлоқий ғоя туфайли туғилади. Оламнинг диний талқини – дунёни ўзлаштириш, одамни қуршаб турган табиий ва ижтимоий муҳит-

² Основы религиоведения./ Ю.Ф. Борунков, И.Н. Яблоков, М.П. Новиков, и др.; Под ред. И.Н. Яблокова. – М.: Высш. шк., 1994. – С. 20.

даги барча маъно-мазмунларни ўзлаштириш воситасидир. Диний таълимот инсонлар кундалик ҳаётининг диний маъноларга тўлиб боришини таъминлайди. Дин одамларга иерархия тарзида қурилган ахлоқий нормалар тизимини беради. Унга кўра, баъзи хатти-ҳаракатларга рухсат берилади, баъзилари эса ман этилади, оқибатда дин инсоннинг оламга нисбатан ахлоқий позициясини белгилаб беради. Шундай қилиб, диндорлик (тақводорлик) оламни ўзлаштиришга қаратилган ва муайян турдаги ижтимоий ҳаракатга ундовчи кучдир. Дин ўзининг мухлисларида инсонни қуршаб турган воқеликни рационаллаштириш қобилиятини тарбиялайди.

Шундай қилиб, М. Вебернинг дин устида олиб борган тадқиқотларида энг мухими «диний таълимот ва диндорлар амалиёти орқали яратилган психологик рағбатлантирувчи омилларни очиб бериш эди. Чунки улар инсонлар хулқ-атвориغا йўналиш бериб, шу йўналишдан чиқмасликларини назорат қилган»³. М. Вебер томонидан кашф этилган диний рағбатлантирувчи омиллар Фарбий Европада капитализмнинг ривожланишига таъсири нуқтан назаридан таҳлил қилинган. Ўйлаймизки, бундай таҳлилдан зардуштийликнинг қадимги жамият ҳамда инсон маънавияти ва маданияти ривожланишига таъсирини ўрганишда фойдаланиш самарали натижалар бериши мумкин.

Маълумки, диний онг кундалик-амалий ва концептуал даражаларга эга. Кундалик-амалий диний онг образлар, тасаввурлар, стереотиплар, хаёллар, кайфиятлар, хис-туйғулар, интилишлар, орзу-умидлар, ироданинг йўналиши, одатлар ва анъаналарда намоён бўлиб, инсонлар борлиги шарт-шароитларининг бевосита аксидир. Бундай онг бир бутун, тизимлаштирилган нарса эмас, балки фрагментар, айрим бўлақлардан иборат кўринишда намоён бўлади, яъни тўла бўлмаган, чала тасаввурлар, қарашлар ёки бундай тасаввур ва қарашларнинг

³ Weber Max. *Jesammelte Aufsätze zur Religionssoziologie*. – Tubingen, 1920. Bd. 1. – P. 86.

алоҳида гуруҳларидан таркиб топган бўлади. Диний онгнинг кундалик-амалий даражасида рационал, эмоционал, иродавий элементлар мавжуд, лекин устувор ролни ҳис-туйғу ва кайфиятлар ўйнайди, онг мазмуни кўرғазмали-образли шакллар билан қопланган бўлади. Кундалик-амалий диний онгда нисбатан мустаҳкам, консерватив ва, шунингдек, ҳаракатчан, динамик компонентлар мавжуд. Буларга, биринчи навбатда, анъаналар, урф-одатлар, стереотиплар кирса, иккинчидан, кайфиятларни киритиш мумкин. Таъкидлаш керакки, диний онгнинг ушбу даражасида тасаввурлар, фикрлар, ҳис-туйғулар, хаёллар образларини кейинги авлодга анаънавий усулда ўтказиш кўпроқ иплатилади.

Концентуал даражадаги диний онг, яъни концептуаллашган онг – бу махсус ишлаб чиқилган, тизимлаштирилган тушунчалар, ғоялар, тамойиллар, мулоҳазалар, далиллар, концепциялар мажмуасидир. Унинг таркибига: 1) мутахассислар томонидан мақсадга мувофиқ ишлаб чиқиладиган Худо (худолар), олам, табиат, жамият, инсон ҳақидаги тартибга солинган таълимот (диний таълимот, илоҳиёт, теология, эътиқод рамзлари ва ҳ.к.); 2) иқтисод, сиёсат, ҳуқуқ, ахлоқ, санъатни диний дунёқараш тамойилларига асосланган ҳолда талқин этиш, яъни диний-иқтисодий, диний-сиёсий, диний-ҳуқуқий, диний-ахлоқий, диний-эстетик ва бошқа концепциялар (илоҳиёт, сиёсий илоҳиёт, динга асосланган ҳуқуқ (масалан, шариат, фиқҳ, Ману қонунлари ва ҳ.к.), илоҳиётга асосланган ахлоқ (шариатга асосланган ёки насронийликдаги ахлоқ)); 3) диний фалсафа (масалан, Ғарбда – неотомизм, насронийликка асосланган экзистенциализм, Шарқда – зардуштийлик таълимоти, ислом фалсафаси) киради.

Диний онгнинг бирлаштирувчи компоненти – диний таълимот, илоҳиёт ёки теологиядир (юнонча *theos* – «худо», *logos* – «таълимот»). Илоҳиёт катор соҳалардан иборат бўлиб, уларда диний таълимотнинг турли жиҳатлари баён этилади ва асослаб берилади. Илоҳиётнинг ўзи муқаддас китоблар матнларига

асосланади, шу билан бирга, уларни талқин қилиш қоидаларини ишлаб чиқади⁴.

Дин моҳияти ҳақида илмий тасаввур ҳосил қилиш учун «диний маданият» тушунчаси мазмунига ҳам тўхталиб ўтиш зарур. Диний маданият мураккаб тузилмадир, диннинг барча жиҳатлари ижтимоий-маданий соҳада ўз ифодасини топади. Диний маданият диний фаолиятда ифодаланади ва унинг диний моҳият ва маъноларга эга бўлган натижалари маданий кадриятларда намоён бўлади. Улар янги авлодлар томонидан ўзлаштириб борилади.

Маданий кадриятлар диний дунёқараш доирасида ташкил топади, уларнинг мазмун-моҳияти диний онг томонидан белгиланади. Бу кадриятларда тегишли образлар, тасаввурлар, тушунчалар, ривоятлар мавжуд. Улар инсонлар онгини илоҳий мавжудотлар, хусусиятлар, алоқалар, ўзгаришларга йўналтиради, инсонларнинг турли-туман эҳтиёжларини қондиради. Оғзаки нутқ орқали ривоятлар, муқаддас китоблар, диний маросимларга оид матнлар мазмуни, ибодат воситалари, санъат асарлари баён этилади. Турли диний тизимларда инсонлараро муносабатларни қуриш, ижтимоий ташкилотларни тузиш, турли алоқаларни ўрнатиш, инсонлар хулқ-атворини бошқариш бўйича тажриба ортириб борилган. Диний маданиятнинг ташкилий томони ибодатлар билан боғлиқ фаолиятларда амалга ошади. Буларга илоҳиёт билан боғлиқ назарий тадқиқотларни амалга ошириш ва таълим бериш, шунингдек, иқтисодий, тижорат билан боғлиқ, ҳомийлик фаолияти киради.

Дин таъсирида диний фалсафа, ахлоқ, санъат ва ҳоказолар шаклланади. Диний фалсафа диний дунёқараш асосларидан келиб чиққан ҳолда илоҳиёт тушунчалари аппарати ва илоҳиёт тилидан фойдаланади, онтологик, гносеологик, мантикий, социологик, антропологик ва бошқа муаммоларни ҳал қилади. Диний ахлоқ – бу дин томонидан ривожлантириладиган ва аниқ (зардуштийлик, ислом, насронийлик ва ҳ.к.) мазмунга эга

⁴ Основы религиоведения./ Ю.Ф. Борунков, И.Н. Яблоков, М.Н. Новиков, и др.: Под ред. И.Н. Яблокова. – М.: Высш. шк., 1994. – С. 53.

бўлган ахлоқий тасаввурлар, нормалар, тушунчалар, кадриятлар тизимидир. Диний санъат диний тимсолларни акс этувчи бадий кадриятларни яратиш, идрок қилиш ва уларни одамларга узатиш соҳасидир.

Диний маданиятнинг икки томони мавжуд. Биринчиси орқали диний эътикод тўғридан-тўғри ва бевосита ифодаланади: муқаддас китоблар, илоҳиёт, худога сизиниш жараёнининг турли томонлари белгилаб берилиши ва ҳ.к. Иккинчисини фалсафий, ахлоқий, санъатга доир ҳодисаларнинг маданий-тарихий жараёнда диний ва маънавий фаолиятга жалб қилиниши ташкил этади. Турли динларда диний маданият ҳам турлича намоён бўлади: зардуштийлик, насронийлик, синтоизм, ислом ва бошқа динлар маданиятлари. Диний маданият тарихий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда дунёвий маданиятга ёки унинг баъзи соҳаларига у ёки бу даражада таъсир кўрсатади.

Ижтимоий фанлар доирасида «диний фалсафа» тушунчаси кенг ишлатилади. Диний фалсафа – бу бир-бири билан рақобатда бўлган оқим ва йўналишлар мажмуидир. Фалсафий йўналишлар барча жаҳон динлари ва улар туркумига кирувчи зардуштийликда ҳам мавжуд. Диний фалсафа онтологик, гносеологик, космологик, ижтимоий ва бошқа муаммоларнинг ўзига хос ечимини беради. Диний фалсафанинг асосини инсоннинг Худога ва Худонинг инсонга бўлган муносабатлари тўғрисидаги таълимот ташкил этади. Диний фалсафанинг назарий асоси илоҳиёт (теология)дир. Илоҳиётнинг ҳолатлари ва ҳулосалари у ёки бу даражада муқаддас китобларнинг ақидалари ва асосий ғоялари билан, шунингдек, диний таълимотнинг ўзи билан мувофиқлашган бўлади. Шундай бўлса-да, диний фалсафа ва илоҳиётни тегилаштириб бўлмайди. Чунки улар ўзларининг таркиби, тушунчалар аппарати, мулоҳаза юритиш ҳамда далил келтириш усуллари, йўллари ва ҳ.к.лари билан бир-биридан фарқ қилади⁵.

⁵ Основы религиоведения. / Ю.Ф. Борунков, И.Н. Яблоков, М.П. Новиков, и др. – М.: Высш. шк., 1994. – С. 177.

Дин ва фалсафа моҳиятан ижтимоий онгнинг алоҳида шакллари эканлиги уларни таққослаганда яққол кўзга ташланади. Чунки диннинг асосини имон, ҳис-ғуйғу, яъни иррационал ходисалар ҳосил қилса, фалсафа асосини эса рационал тафаккур, мантиқ ва мантиқий хусусиятлар, яъни хилма-хил рационал фикр юритиш усуллари ташкил этади. Художўй киши Худо, илоҳий кучлар мавжудлигига ҳеч қандай ақлий асослар, исботларсиз ишонади. Чунки у уларнинг мавжудлигига имон келтирган, яъни худога ишониш ақл ишлатишни, мулоҳаза юритишни талаб қилмайди деган содда хулосага келиши мумкин. Лекин мазкур ходисани чуқур ва батафсил ўрганиб чиққан тадқиқотчиларнинг хулосалари ўзгача.

Шу ўринда франциялик файласуф-позитивист, социолог ва психолог Л. Леви-Брюль (1857–1939)нинг дин ҳақидаги баъзи фикрларини келтириш жоиз деб ўйлаймиз. Олим динни жамоавий (коллектив) психология нуқтаи назардан талқин қилади. Унинг фикрига кўра, жамиятнинг турли ижтимоий-тарихий кўринишларида фикр юритиш шакллари ҳам ҳар хил бўлган. Л. Леви-Брюль ибтидоий давр тафаккури билан маданий (цивилизациялашган) жамият тафаккурларини фарқлайди. Ибтидоий тафаккурнинг ўзига хослиги унинг асосини «жамоавий тасаввурлар» ташкил этганлигида намоён бўлади. Ибтидоий тафаккур мистикавий ва сирлидир. Ибтидоий одам объект ҳақидаги тасаввурларини ҳақиқий деб ҳисоблайди, шунинг учун ундан умидвор бўлади ёки ундан хавфсирайди, ҳайикади, чунки объектнинг ҳаракатини ёки унга бир нарса таъсир қилаётганини илғайди. Бу ҳаракат (таъсир, куч, сирли қувват) ни ҳақиқий деб тан олади.

Ибтидоий тафаккур мистикавий бўлиши билан бирга мантиксиздир, яъни у ҳали зиддиятлар, қарма-қаршиликларни сезмайди, илғамайди, тажрибага асосланмайди. Ибтидоий тафаккур мантиқий муносабатларни ўрнатиш ўрнига партиципация (дахлдорлик) қонунига бўйсунди. У мантикка тесқари эмас ҳамда мантиксиз ҳам эмас. Лекин қарама-қаршиликлар-

га эътиборсизлик, лоқайдлик билан қарайди, шу билан бирга, қарма-қаршиликлардан ўзини четга олиб қочмайди. Пратиципация (дахлдорлик) шундан иборатки, тафаккур ҳамма ёқда кўчириш, яқинлашиш, юқтириш йўли билан масофага узатиш ҳамда ҳаром қилиш, бўйсундириш йўли билан хусусиятлар узатилишининг турли шаклларини кўради. Дахлдорлик бошқа жиҳатдан ҳам намоён бўлади. Ибтидоий тафаккур томонидан амалга ошириладиган дахлдорлик бир-бирига дахлдор бўлган мавжудотлар ўртасидаги алоқани таъминлайди. «Дахлдорликнинг моҳияти, – деб ёзади Л. Леви-Брюль, – шундан иборатки, унда мавжуд бўлган ҳар қандай иккилик йўқолади, зиддият силлиқланади ҳамда, қарама-қаршилик тамойилига қарамасдан, субъект бир вақтда ҳам субъектнинг ўзи, ҳам унга дахлдор бўлган мавжудот бўлиб қолади»⁶.

Демак, ибтидоий тафаккурда мантиқдан аввалги фикр юритиш тури ва мантиқ, иррационаллик ва рационаллик, қарма-қаршилик қонуни ва партиципация (дахлдорлик) қонуни бир вақтда мавжуд бўлади. Ибтидоий жамоанинг мантиқдан аввалги тафаккури ривожланиш жараёнида мантиқий тафаккур билан алмашиб боради. Шунинг ҳам айтиб ўтиш жоизки, инсонлар онгида ибтидоий одамларга хос бўлган фикр юритиш тарзи бутунлай йўқ бўлиб кетмайди. «Бизнинг ақлий фаолиятимиз бир вақтнинг ўзида ҳам рационал, ҳам иррационалдир. Жамиятимизда мантиқдан аввалги ва мантиқий тафаккурлар элементлари бир вақтда мавжуд»⁷.

Л.Леви-Брюль жамоавий тасаввурлар таркибига урф-одатлар, тил ва, шу билан бирга, эътиқодни ҳам киритади. Жамоавий тасаввурлар, қуйидаги хислатларига кўра диний институтлар асосини ташкил этади: улар императив, қатъий буйруқ тарзидаги характерга эга; авлоддан-авлодга узатилади; алоҳида шахсларга зўрлаб ўтказилиши мумкин ва ўз объектларига нисбатан ҳурмат, кўрқув, сажда қилиш туйғуларини уйғотади;

⁶ *Леви-Брюль Л.* Первобытное мышление. – М., 1930. – С. 318–319.

⁷ *Ўша манба.* – М., 1930. – С. 320.

алоҳида шахсга боғлиқ бўлмайди; улар тафаккур, интеллектуал ишлов бериш маҳсулоти эмас, бу тасаввурларда образлар ҳис-туйғулардан ажратилмаган, эмоционал элементлар билан кўшилган бўлади.

Маданийлашган (цивилизациялашган) жамиятларда тафаккур этикод объектини рационал-мантикий тарзда таҳлил қилишга қодир. Шу билан бирга, мазкур объект жамоавий тасаввурлар кўринишида ҳам намоён бўлади: ҳозирги замонда ҳам инсонлар ибодат давомида ўзини йўқотиб қўйиш (экстаз) ҳолатига кирганда, субъект ва объект қўшилиб кетади. Л. Леви-Брюль мисол тарикасида шундай дейди: «Масалан, «Худо» тушунчасининг мантикий тафаккурда кўрилиши ва тадқиқ этилиши ҳамда унинг жамоавий тасаввурларда берилиши бир объектни кўриб чиқиш учун етарли бўлади. Фикр юритувчи субъект Худони рационал билиш жараёнида у билан бирлашгандай бўлади ва шу билан бир вақтда ўзини ундан ажратади. Мантикий интизомга, тартибга бўйсуниб зарурияти, қарама-қаршилиқларда намоён бўлувчи, инсон ва Худо орасидаги патриципацияларга (дахлдорликка) қарши туради. Шундай қилиб, Худони билиш ҳеч қандай билим бермайди. Ҳақиқатан ҳам, ўзини ўз Худоси билан боғланган деб ҳис қилувчи диндорнинг мазкур рационал билишга қандай эҳтиёжи бор? Ўз моҳиятини илоҳий моҳиятга дахлдорлигини англаши диндорга шундай ишонч ҳиссини берадики, унга нисбатан мантикий ишончлик қандайдир туссиз, хира ва бефарқ бир нарса бўлиб қолади»⁸. Л. Леви-Брюль қуйидагича фикр билдиради: мантикий тафаккур ҳеч қачон мантиқдан аввалги тафаккурнинг универсал давомчиси бўлолмайди; дахлдорликни қизғин ифодаловчи ва ҳис этувчи жамоавий тасаввурлар ҳар доим сақланиб қолади, бу тасаввурларда мантикий қарама-қаршилиқни ҳам, жисмоний ноиложликни ҳам аниқлаб бўлмайди⁹.

Л. Леви-Брюльнинг хулосалари инглиз этнографи Б. Малиновскийнинг хулосалари билан ҳамоҳанг. Б. Малиновский

⁸ *Леви-Брюль Л.* Первобытное мышление. – М., 1930. – С. 319.

⁹ *Ўша манба.* – С. 318.

динни маданиятнинг умумий ҳодисаси сифатида тушунади ва унинг сеҳргарлик (магия) ҳамда фан билан мутаносиблигини таҳлил қилади. Фан мавжудлик, воқеликни рационал ўзлаштиришдир. Инсоният маданияти ривожланишининг барча босқичларида оламга нисбатан рационал муносабат мавжуд бўлган. Ов қилиш учун меҳнат қуролиларини ясаш, ҳамкорликда фаолият кўрсатиш учун уюшмалар, жамоалар ташкил қилиш, қишлоқ хўжалик ишларини ташкил этиш каби ҳаракатлар билимлар асосида амалга оширилган. Билим ва техника билан қуролланган фан инсоннинг ўзини қуршаб турган оламга «ақлий мурожаатини» ифодалайди, у инсоннинг кундалик ҳаётини белгилаб, аниқлаб беради.

Фан билан бир қаторда маънавий, «сакрал» соҳа мавжуд бўлиб, уни дин ва сеҳргарлик ташкил қилади. Сеҳргарлик (магия)ка «сеҳрли» ҳаракатлар, таомиллар воситасида муваффақиятга эришиш имкониятига ишониш деб таъриф бериш мумкин. Инсон ўз фаолияти жараёнида мақсадга эришиш учун рационал усул ва йўллар етарли бўлмаган ҳолатларда сеҳргарликдан фойдаланади. Бундай вазиятда инсон психикаси қаттиқ ҳаяжон, жазава (аффект) ҳолатига тушиб қолади. Б. Малиновскийнинг таъкидлашича, бундай ҳодиса ҳам қолоқ (ибтидоий), ҳам цивилизациялашган жамиятларда учрайди. Мақсадга эришишга йўналган рационал ҳаракат бефойда бўлиб қолган вазиятда, инсон «сеҳрлаш» билан боғлиқ ҳаракатларга мурожаат қилади. Бундай ҳаракат натижасида эмоционал аҳволнинг танглиги пасаяди, рухий мувозанат тикланади. Бундай ҳаракатлар ташқи мақсадга эришишига олиб келмаса-да, лекин ички рухий мувозанатни тиклашда яхши натижалар беради. Сеҳргарликда ҳар бир ҳаракатнинг мақсади аниқ белгиланган ва чекланган, диний таомил ва маросимлар ўзгача ташкил этилган бўлади.

Кундалик ҳаётда содир бўладиган муваффақиятсизликларнинг динга алоқаси йўқ, чунки дин инсон борлигининг фундаментал муаммоларини ҳал қилиш билан банд. «Ўзининг

догматик маданиятига кўра, дин ҳар доим ўзини инсоннинг коинотдаги ўрнини белгиловчи, унинг келиб чиқишини тунтурирувчи ва муайян мақсад сари йўналтирувчи диний таълимот тизими сифатида тавсия қилиб келган. Оддий индивиднинг динга амалий (прагматик) эҳтиёжи бор, чунки у ўлим, бахтсизлик ва тақдирнинг эсанкиратиби, бўғиб кўядиган хавфини олдиндан ҳис қилишга бардош бериши, енгизи керак»¹⁰.

Дин инсон ҳаётида ҳеч қачон ортиқча бўлиб қолмайди, чунки юқорида қайд этилган муаммоларнинг ечими йўқ. Б. Малиновскийнинг фикрига кўра, фақ, сеҳргарлик ва дин маданиятининг турли ходисалари (феномен) бўлишига карамасдан, бир-бирини тўлдириб туради, маданиятнинг умумий вазифаларини бажаришда турлича, лекин бир-бирини тўлдирувчи фаолият кўрсатади.

Юқорида кўриб чиқилган динни ўрганишдаги илмий ёндашувлар зардуштийлик таълимотини тадқиқ этишда ҳисобга олиниши, шунингдек, ушбу жараёнда ҳозирги фанда мавжуд бўлган замонавий ёндашувлардан фойдаланиш катта аҳамият касб этади, зардуштийлик таълимотини ҳар томонлама ўрганишга ёрдам беради ва унга турли «ракурс»лардан назар ташлаб, аниқланмаган, очилмаган, яширин маъно-мазмунларини кашф этишга хизмат қилади.

Назорат саволлари:

- 1. Авестони илмий ўрганишининг аҳамияти нималардан иборат?*
- 2. Дин ва диний фалсафа (илоҳиёт)ни фарқлаб беринг.*
- 3. М. Вебернинг диннинг келиб чиқиши тўғрисидаги қарашларини таъриб беринг.*
- 4. Диний онгнинг даражалари бўлиши кундалик-амалий ва концептуал онгларнинг фарқи тўғрисида сўзлаб беринг.*
- 5. Диний онгнинг бошқа таркибий қисмлари (илоҳиёт, диний маданият, диний фалсафа)ни айтинг.*
- 6. Л. Леви-Брюльнинг дин ҳақидаги қарашларини таъриб беринг.*

¹⁰ Malinowski B. Eine wissenschaftliche Theorie der Kultur und andere Aufsätze. ТВ – 1975. – P. 191.

7. *Б. Малиновский дин ҳамда диннинг сеҳргарлик (магия) ва фан билан мутаносиблиги тўғрисидаги фикрлари ҳақида сўзлаб беринг.*

Мустақил иш (реферат) мавзулари:

1. *Дин ва диний фалсафа.*
2. *Мифология ва дин.*
3. *Диний онгнинг даражалари ва таркибий қисмлари.*
4. *Дин ва фан мутаносиблиги.*
5. *М. Вебернинг дин билан боғлиқ қарашлари.*
6. *Ибтидоий одамларга хос фикр юритиш тарзи.*
7. *Мантиқдан аввалги ва мантиқий тафаккурлар мутаносиблиги.*

ЗАРДУШТИЙЛИК – ДИНИЙ ТИЗИМ СИФАТИДА

(Политеизмдан монотеизмга)

Маълумки, диншуносликда динларни муайян тарзда таснифлаш қабул қилинган: ибтидоий жамият динлари, миллий динлар, жаҳон динлари. Шу билан бирга, динлар политеистик (кўпхудолик) ва монотеистик (яккахудолик) турларга бўлинади. Зардуштийлик динига бу таснифларнинг барчаси тўғри келади. Чунки унда ҳам ибтидоий динларга, ҳам жаҳон динларига хос бўлган хусусиятлар бор. Шунинг учун олимлар бу динни политеизм ёки монотеизмга тегишли эканлиги масаласида ягона бир фикрга келмаганлар. Бу масалани ҳал этишда зардуштийликнинг жуда қадимги даврларда пайдо бўлганлиги ва шаклланганлиги, кўп асрлар давомида турли маданиятлар таъсирида ривожланганлиги ва камол топганлигини ҳисобга олиш муҳим.

Авестони ўрганишда унинг диний-мифологик ва фалсафий томонларини фарқлаш зарур. Авесто зардуштийлик дини ривожланиш жараёнининг барча босқичларини ўзида акс эттиради. Унда, аниқроғи, Яштларда, ибтидоий диний топинишлар: тотемизм, анимизм, фетишизм ва сеҳргарлик аломатлари,

шунингдек, қадимги халқларнинг кўпхудолилик (политеизм) билан боғлиқ эътиқодлари ва хот (ясна)ларда Зардушт томонидан кашф этилган яккахудолик (монотеизм) таълимоти ўз ифодасини топган.

Бу борада баъзи олимлар томонидан билдирилган фикрлар зардуштийлик монотеистик дин эканлигига шубҳа қолдирмайди. Масалан, Л.А. Лелековнинг фикрича, зардуштийлик келиб чиқиши бўйича «жуда қадимги мафкура ҳодисасидир (реликт), шаклан инсоният тарихидаги бир неча кодификация қилинган динлардан биридир. Зардуштийлик жаҳон полиэтник деб аталувчи динлар турига (буддавийлик, насронийлик ва ислом) кирмаса-да, лекин ўзининг типологик ўхшашлиги ҳамда унинг бу динларга кўрсатган таъсири узоқ вақт давом этганлиги ва чуқур бўлганлиги сабабли улар билан бир қаторда кўрилади»¹¹.

Г.Т. Махмудованинг фикрича, зардуштийлик политеистик эътиқодлардан монотеизмга ўтиш даврига хос бўлган дин бўлиб, политеистик худолар пантеонида ҳам у дунёни, ҳам бу дунёни яратувчи ягона илохнинг олдинга чиқишини ифодалайди, шу билан бирга, тотемизм, анимизм, шаманизм ва сеҳргарлик каби диннинг ибтидоий шаклларини ўзида мужассамлаштиради¹².

Баъзи олимларнинг хулосаларига кўра, аслида, зардуштийлик Қадимги Марказий Осиё ва Эронда тафаккур ривожланишининг бир неча йўналишларидан бири бўлган ва кенг тарқалмаган. Зардуштийликнинг афзаллиги ва уни кенг ўрганилишининг сабаби унга тегишли бўлган қадимги матнларнинг (Авесто) сақланиб қолганлигидадир. Бошқа йўналишларга кўра, археологик маълумотларнинг реконструкцияси ва кейинги даврларда ёзилган матнларни талқин қилиш асосида-

¹¹ Лелеков Л.А. Локальные и синкретические культуры. – М.: Наука, 1991.

¹² Махмудова Г.Т. Философская сущность Авесты. – Т.: Изд-во журнала «Санъат», 2010. – С. 200.

гина чуқур ўрганилиши мумкин, яъни уларни тадқиқ қилиш мураккаброк.

Мазкур ҳудудларда қадимда япаган ҳинд-арий қабилалар диний онгида ҳар хил худодлар бошчилик қилган, турли худодлар пантеонига эга бўлган бош худо Яма, Йима, Митра, Мазда ва бошқалар бўлган. Баъзи олимларнинг фикрича, бундай гувоҳлик Авестонинг ўзида ҳам мавжуд. Масалан, Л.А. Лелековнинг фикрига кўра, Яснанинг 12-Ҳотида зардуштийлик динининг «Ахуравий, зардуштий дини»¹³ деб аталиши ушбу хот муаллифи мазкур ҳудудда бошқа унча самарали бўлмаган диний таълимотлар бўлганлигига ишора қилади. Ҳудудда эътиқодлар кўплигини барча ташқи манбалар (Оссурия, Қадямги Юпон), айниқса, кейингилари, тасдиқлайди¹⁴.

«Эрамыздан олдинги II мингйилликда қабилалар бирлашиб, давлатчилик шакллана бошлаган бир пайтда ўлкамызда турли диний эътиқодлар ва маросимлар ўзаро қоришиб, вақт ўтиши билан муқим тус ола бошлаган. Кеч бронза даври учта асосий эътиқод анъаналарининг ўзаро таъсири билан ажралиб туради: хаома қуйиш билан боғлиқ митраистлик, олов эътиқоди ҳукмрон бўлган авесточа ҳамда Суғддан шимол ва шарқ томонда яшовчи чорвадор қабилаларда ведалар мавзулари аранган.

Ўлкамызда юзага келган зардуштийлик ҳам ана шу йўсинда ҳукмрон динга айланади. Бирок Александр Македонский юришларидан сўнг яна курама диний муҳит ўрнашади»¹⁵.

Археологик маълумотларга кўра, ушбу қадимги қабилаларнинг (эр. авв. III–II мингйилликлар оралиғида) Бактрия ва Марғиёнада топилган уч турдаги эҳромлари мавжуд бўлган ва, амак, уч хилдаги ибодат таомили мавжуд бўлган: оловни ва

¹³ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик.// Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 57-б.

¹⁴ Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М., 1992. – С. 82.

¹⁵ Кароматов Х. Ўзбекистондаги ўзгий эътиқодлар тарихи. – Т.: ЖИДУ, 2008. – 10-11-бетлар.

1001/1

турли шаклларда худо йўлига атаб ичкилик ичишни қадрлаш. Шу билан бир қаторда, ушбу ибодат таомиллари, шу жумладан, нариги дунё худоси Йимага ибодат қилиш билан бир вақтда қўлланган эҳромлар ҳам бўлган¹⁶. Баъзи олимларнинг фаразига кўра, ушбу эҳромлар илк ҳинд-эрон этник қатламига тегишли бўлиб, Афғонистондаги нуристонлик «кофирлар» уларнинг кейинги авлодларидир. Милоддан аввалги II минг-йилликда мазкур қатламни форс тилларида сўзлашувчи қабилалар «тўлкини» босади, улар катта ибодатхоналар, эҳромлар қурмаганлар¹⁷.

Шундай қилиб, зардуштийликни ҳар томонлама ўрганиш жуда кенг қамровли ёндашувни, турли фанлар (тарих, диншу-послик, археология, этнография, фалсафа ва б.)нинг бу йўналишдаги тадқиқотлари ютуқларидан фойдаланишни талаб этади. Чунки зардуштийликнинг монотеистик дин бўлиб шаклланишида мазкур ҳудудда тарқалган турли-туман ибтидоий ва ривожланган диний топинишлар, сигинишлар, эътиқодлар, қарашлар, шунингдек, тарихий-сиёсий, тарихий-маданий жараёнлар ва омиллар ўзига хос таъсир кўрсатган. «Зардуштийлик қадимги мафкураининг қолдиғи (реликт) бўлиб, бу дин унинг мухлислари томонидан маздаясна («даэна мазда-ясна» – Маздаши улуғловчилар дини) – маздапарастлик деб номланган ва тарихий жараён давомида у ўз мазмуни, мафкуравий йўналиши ва ижтимоий асосини бир неча марта ўзгартирган»¹⁸.

«Қадимдан маҳаллий илдиз отган эътиқодлар янги вужудга келаётган эътиқодлар билан ўзаро таъсирга кириб, янги ҳаёт касб этган. Айни бир макон ва замонда турли-туман эътиқодларнинг қурамасидан ўзига хос кўп қиррали диний тасаввур-

¹⁶ Саррианиди А.В. Протозороастрийский храм в Маргиане и проблема возникновения зороастризма // Вестник древней истории. – 1989. – № 1. – С. 166.

¹⁷ Пьянков И.В. Тоголок–21 и пути его исторической интерпретации // Вестник древней истории. – 1989. – № 1. – С. 179–181.

¹⁸ Вольф М.Н. Онтологические аспекты иранских влияний на раннюю греческую философию. – Диссертация на соискание ученой степени канд. филос. наук. – Новосибирск, 2003. – С. 29. -<http://www.nsu.ru/classics/Wolf/Kand-diss.htm#ch3>

лар вужудга келиб, салтанатлар чегаралари узра кўча бошлайди. ҳар бир эътиқоднинг диний ходимлари раият учун ўзаро курашади. Ва, ниҳоят, мазкур кўп хилликдан яхлит тизим сифатида Яккахудолик динлари қад кўтаради ва бунда асосий диққат-эътибор инсон ва унинг охиратда кутқарилишига қаратилади. Ўзига хос «халоскор» тўғрисидаги диний ғоялар пайдо бўлади.

Тарихчи Герардо Ньюлининг фикрича, бу даврда «сотериология (*сотеp* – «халоскор», «кутқарувчи») ва эсхатология (борлиқ ва инсоннинг охир-оқибат тақдири ҳақидаги) таълимотлари диний тафаккурнинг устувор шаклига айланиб, қадимий эътиқодлар эса нариги дунё роҳати ва азобига ургу берувчи эътиқод таъсирида аста-секин ўзгариб борган. Ибтидоий диний эътиқодларда маънавий-ахлоқий моҳият заиф бўлиб, юқори поғона – яккахудолик эътиқодларига ўтилиши билан инсоннинг ахлоқий нормалари биринчи ўринга кўтарилади. Ўзидан олдинги бутпарастлик ва кўпхудолик эътиқодларидан фарқли равишда, яккахудолик эътиқодларида диққат-эътибор кўпроқ инсонга, унинг ахлоқига қаратилади. Юлдузларга сифиниш йўналишида астрология (нужум илми) тобора кучаяди ҳамда унда Вақт ва Тақдирни бошқарувчи универсал тартиб тушунчаси кучаяди.

Шу билан бирга, ҳар бир даврнинг ўзига хос халқ эътиқоди мавжудлиги ва ана шу эътиқод намоён бўлган илоҳлари ва рамзлари айнан шу давр учун хослиги ҳам исбот талаб этмайди. Эътиқод рамзлари ўзгариб борганини ибодатхоналар деворларига устама-уст туширилган тасвирлардан билиш мумкин. Дарҳақиқат, халқ санъати намуналари замонлар қаъридан вақт узра қатламма-қатлам намоён бўлиши олимлар томонидан қайд этилган ҳодиса бўлгани каби, эътиқод билан боғлиқ маросимлар ва ибодат жойлари ҳам шу жараёни бошдан кечиради»¹⁹.

¹⁹ Кароматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. – Т.: ЖИДУ, 2008. – 14–15-бетлар.

Ушбу ҳудудларда турли диний йўналишлардан маздаизм (маздапарастлик), эгизак руҳларга сиғиниш, зардуштийлик, Аҳамонийлар сулоласи дини, зурванизм каби эътиқодлар тарқалган:

1. Маздапарастлик Аҳамонийлар давридан илгари ва Авесто таъсиридан мустақил равишда, мустақил йўналиш сифатида Ғарбий Эронда IX–VIII асрларда тарқалган. Зардуштийликдан фарқли ўлароқ, маздаизмда Аҳура ва девларга ибодат қилиш, сома (хаома, хом)га ўхшаш психотроп (асабга таъсир қилувчи) ичимликларни қўллаш ва бунинг асосида башорат амалиётини амалга ошириш кенг тарқалган.

2. Худди шу даврда эгизак олий худоларга сиғиниш ҳам тарқалган бўлиб, у Зардушт таълимоти асосларидан бири бўлиб хизмат қилган бўлиши мумкин, чунки Зардушт икки эгизак руҳлар ҳақида тингловчиларга батафсил шарҳ бериб ўтирмасдан, яхши маълум бўлган нарса ҳақида гапиргандай сўзлайди.

Эгизак руҳлар ҳақидаги қадимий афсона, К. Леви-Стросс фикрига кўра, дуал-уруғлар асосида ташкил топган жамиятлар дунёқарашини ҳамда уларнинг дуалистик космогониясини акс этади. Бундай жамиятда ҳар бир эгизак алоҳида фратриянинг асосчиси ҳисобланади²⁰. Зардушт таълимотида бу афсона янги талқин қилинади.

3. Зардуштийлик. Зардуштийликнинг муқаддас китоби Авестонинг пайдо бўлиш ва шарт-шароитлари фанда ханузгача ноаниқ бўлганлиги сабабли зардуштийликни мафкуравий ва диний ҳодиса сифатида талқин қилувчи ягона илмий концепция яратилмаган. Унинг турли талқинлари ичида Ж. Дармстетер, Х.-С. Ньюберг, С.Л. Голстов, В.И. Абаев ва ўзбек олимаси Г.Т. Маҳмудова²¹ларнинг бу масала бўйича қарашларига қўшиламыз. Унга кўра, зардуштийлик – Аҳура

²⁰ *Леви-Стросс К.* Структурная антропология. – М.: Изд-во ЭКСМО-Пресс, 2001.

²¹ *Маҳмудова Г.Т.* Философская сущность Авесты. – Т.: Изд-во журпала «Санъат». 2010. Ушбу монографияда мазкур масала бўйича турли қарашлар келтирилган.

Маздага монотеистик тарзда сизиниш ҳамда Марказий Осиё ва Эрон худудларида қадимги политеистик динлар ўртасидаги синкретик компромисс (ўзаро бир-бирига ён бериш)дан иборат. М.Н. Вольфнинг қуйидаги фикри зардуштийлик монотеистик дин бўлганлигини тасдиқлайди: «... Зардуштийлик, фуқаровий ёки бирон-бир халқ, қабилага (этник) тегишлилиги тамойилига асосланиб, одамларни «ўзимизникилар ва бегоналар»га бўлиш мезонини бекор қилади ва янгича – «эзгулик» ва «ёвузликка» тегишлилик «аксиологик» тамойилини киритади»²².

Шу билан бирга, Л.А. Лелековнинг «Ҳозирги замон фанида Авесто» асарида келтирилган В. Хеннингнинг фикри юқоридаги қарашнинг мазмунини яхши ифодалайди деб ўйлаймиз: «Ушбу худудда тарқалган турли политеистик динларни юқори даражада ривожланган дин сиқиб чиқаришга ҳаракат қилади, «унинг ўзи кенг халқ оммаси уфқидан юқорида турган ва политеизмни бутунлай сиқиб чиқара олмади, кўп вилоятларда политеизм ҳарбий табақа ва оддий халқнинг эскича эътиқодларининг сарқитлари сифатида сақланиб келган. Оммавий диний эътиқодларнинг қохинлар динига қарши доимий кураши қадимги юнонлик кузатувчилар (Геродот, Плутарх ва б.)нинг бизга қолдирган қарама-қарши маълумотларида ўз аксини топган, улар диннинг у ёки бу кўринишлари тўғрисида уларга маълумот берган кишиларнинг ижтимоий мавқеи ва у ёки бу эътиқоднинг вақтинча устун туришига боғлиқ равишда фикр билдирганлар... Зардуштийликнинг бош ғояси инсоннинг индивидуаллиги ва унинг оламда ўрнатилган тартибга нисбатан масъулиятида ифодаланади. Зардуштдан илгари алоҳида шахс ва унинг ҳаёти кам аҳамият касб этган... Индивидуумни эркин хоҳиш билдирувчи киши сифатида англаган ва коинотнинг пировард тақдири инсоннинг қарорлари билан белгиланиши-

²² *Вольф М.Н.* Онтологические аспекты иранских влияний на раннюю греческую философию. – Диссертация на соискание ученой степени канд. филос. наук. – Новосибирск. 2003. – С. 52. -<http://www.nsu.ru/classics/Wolf/Kand-diss.htm#ch3>

ни тушуниб етган Зардушт ўз даврининг диний қарашлари билан алоқани кўркмасдан узиб ташлайди», – деб ёзади муаллиф. В. Хеннингнинг фикрича, зардуштийликнинг типологик ўзига хослигини ҳинд-эрон диний меъёрлари, қадриятларининг тубдан ўрин алмашиши (инверсияси) ташкил қилади. Илгариги қабилавий идеаллар ўрнини эгаллаган индивидуал онгнинг янги эсхатологик (Охиратга томон) йўналиши Зардушт диний ақидаларининг марказида туради ва, ниҳоят, зардуштийлик чорвадор-уруғдошлар дини эмас, балки, ҳақиқатан ҳам, «коҳинлар дини» бўлган, яъни оммавий бўлмаган, балки тор гуруҳ ёки жамоанинг эзотерик (ёпик) оқимининг дунёқараши эди. В. Хеннингнинг хулосалари бевосита Ҳотлардан келиб чиқади. «Кичик Авесто»га хос бўлган содда политеистик қарашлар ва априор талқин қилинган археологик манбалар ташқарида қолиб кетади²³.

Ҳ. Ҳомидийнинг қуйидаги фикри юқорида келтирилган В. Хеннингнинг фикрини қабул қилишидан далолат беради: «Айрим тадқиқотчилар Зардушт асарлари – «Хос шеърлари», яъни зардуштийлик таълимоти, яқка тангри ғоясини тушунадиган коҳинлар, уламоларга мўлжаллаб ёзилган, уларнинг асл моҳиятини оддий халқ англамаган, шунинг учун маҳсус уламолар оташкадаларда қироат ва ижро олдидан мадҳия моҳиятини изоҳлаб берган, шу йўсинда «Авесто шарҳлари» пайдо бўлган, деган хулосага келишган»²⁴.

В. Хеннингнинг ушбу мулоҳазасини М.Н. Вольф ўз тадқиқотларида тасдиқлайди: «... Ҳотларга асосланган зардуштийлик анъанавий «халқчил» ҳинд-эрон динига нисбатан, шубҳасиз, инновацион оқим бўлган...»²⁵. Муаллиф зардуштийликни яхлит, чуқур, новаторлик таълимот деб тавсифлайди.

²³ Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М., 1992. – С. 92.

²⁴ Ҳомидий Ҳ. «Авесто»дан «Шоҳномага». – Т.: Шарқ, 2007. – 52-б.

²⁵ Вольф М.Н. Онтологические аспекты иранских влияний на раннюю греческую философию. – Диссертация на соискание ученой степени канд. филос. наук. – Новосибирск, 2003. – С.–30. -<http://www.nsu.ru/classics/Wolf/Kand-diss.htm#ch3>

Унинг асосий ҳолатлари қуйидагилардан иборат: ягона, доно илоҳни эълон қилиш; борлиқнинг пайдо бўлиши ва унинг ахлоқий бошланғич асослари ҳақидаги масала; ҳақиқий ва тохта билиш ҳақидаги масала; бир-бирини истисно қилувчи диний таълимотлар ўртасидаги муносабат (шаклланаётган зардуштийликнинг анъанавий динга қарши туриши ва ҳаттоки унга нисбатан адовати); борлиқнинг барча даражаларида, шахсдан бошлаб то коинот даражасида эзгулик ёки ёвузлик парафдори бўлишни танлаш; эзгулик ва ёвузлик мезонлари ва унга асосланган мафжуравий ва сиёсий кураш; ва, ниҳоят, оламнинг яратилиши актининг азалдан қўйилган мақсади ва унинг пировард натижасини башорат қилиш. Зардуштт таълимотларининг баён этилиши юқори даражада мавҳум бўлган.

Ҳотларга асосланган зардуштийлик таълимоти шаклланиши, ривожланиши ва тарқалишидан кейинги даврда ўзгартирилади бошланди. М.Н. Вольфнинг фикрига кўра, бу даврда «Ётти хот» (Ясна, 32–45-Ҳотлар)²⁶ деб номланган Авестонинг бўлими ёзилади, «коҳинлар дини» шаклланади, «Кичик Авесто» анъанаси шаклланади. Бу даврдаги зардуштийлик таълимотида кўпхудолиликка қайтиш кузатилади, лекин илоҳлар одамсимон (антропоморф) бўлмаган²⁷.

4. Марказий Осиё ва Эрон худудларида қадимги даврларда тарқалган динлардан яна бири Аҳамонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида тарқалган Ахура Маздага сифинишнинг яна бир кўринишидир. Илмий адабиётда Сосонийлар сулоласи ҳукмронлигидан аввалги Ахура Маздага сифинишнинг кўринишларини маздапарастлик деб номлаш қабул қилинган, «Аҳамонийлар дини» бундан мустасно. «Аҳамонийлар дини» худолари пантеонига Ахура Мазда бошчилик қилса-да, у Зар-

²⁶ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик // Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарк, 2001. – 75–79-бетлар.

²⁷ Вольф М.Н. Онтологические аспекты иранских влияний на раннюю греческую философию. – Диссертация на соискание ученой степени канд. филос. наук. – Новосибирск, 2003. – С. –30. -<http://www.nsu.ru/classics/Wolf/Kand-diss.htm#ch3>

душт таълимотидаги мавҳум Рух эмас, балки одамсимон (антропоморф) илоҳ бўлиб, Аҳамонийлар давлати ҳукмдорлари тахтга ўтириш учун ундан ҳуқуқ олиб, унинг марҳамати билан давлат бошқарувини амалга оширадилар. Илоҳлар пантеонининг ўзи, худди ўша даврдаги форслар салтанати сингари, қатъий равишда марказлашган: илгариги худолар пантеонлари ва янги, забт этилган халқлар пантеонлари илоҳлари Аҳура Мазадага бўйсундилар. Шундай қилиб, Аҳамонийлар дини моҳиятан зардуштийликдан илгариги диний анъаналар ва зардуштийлик таълимотининг «сиёсий» синкретизацияси сифатида ифодаланади²⁸. Бу даврда Зардушт исми Аҳамонийлар сулоласининг тошга ўйилган ёзувларида ҳам ва ўша давр Қадимги Юнон тарихчилари асарларида ҳам тилга олинмайди. Бунинг сабаби ҳам сиёсий бўлган. Худо ва халқ ўртасидаги воситачи вазифасини коҳин эмас, ҳукмдор амалга оширади²⁹. Шундай қилиб, изчил зардуштийлик ўзгалар учун ёпик бўлган ўқимишли коҳинлар гуруҳининг дини бўлиб қолади.

5. Марказий Осиё ва Эрон ҳудудларида қадимги даврда Зардуштийлик билан бир вақтда илмий адабиётда зурвонийлик деб ном олган яна бир диний оқим тарқалган. Унинг бош худоси Зурвон.

М.Н. Вольфнинг маълумотига кўра, баъзи археологик маълумотлар зурвонийлик эр. авв. V асрдан ҳам илгари пайдо бўлганлигини тасдиқласа, насроний арман ва суриялик муаллифларнинг асарларида учрайдиган тўлик бўлмаган (фрагментар) маълумотлар милоддан кейинги даврга тегишлидир.

Ушбу муаллифнинг фикрига кўра, зурвонийлик – шартли равишда Эрон фалсафасига тегишли бўлган зурвонийлик материализми (араб манбаларида «дахрийлар») ва монийлик таълимотига асос бўлиб хизмат қилган. Бунга кўра, зурвоний-

²⁸ Дандмаев М.А. Иран при первых Ахеменидах (VI в. до н.э.). – М.: «Наука». Изд-во вост. лит., 1963. – С. 257.

²⁹ Рак И.В. Мифы древнего и раннесредневекового Ирана. СПб.-М.: «Журнал «Нева» – «Летний Сад», 1998. – С. 44–49.

ликнинг раvнақ топиши анча кейинги даврларга, яъни Сосонийлар сулоласи ҳукмронлиги даври, эрамизнинг III асрига тўғри келади.

Зурвонийликни белгиловчи жиҳатларга қуйидагилар киради: 1) Аҳура Мазда ва Ахриманларнинг вақт худоси Зурвондан келиб чиқиши; 2) Зурвоннинг эгизакларга нисбатан бир хил, ҳолисона муносабатда эканлиги; 3) эгизакларнинг куч-қудрат ва билимдонликда тенглиги; 4) Ахриман ақл ва куч-қудратга эгаллиги сабабли унга бир неча минг йил оламнинг ҳукмдори бўлишига ижозат берилганлиги; 5) вақт ва тақдир ҳукмининг қатъийлиги; 6) инсоннинг эзгулик ёки ёвузлик томонини танлаш воситасида ўз тақдирини ҳал қилишининг беҳудалиги³⁰. Булардан кўришиб турибдики, зурвонийлик зардуштийлик таълимотига бутунлай қарама-қарши туради.

Шундай қилиб, зурвонийлик таълимоти асосида ҳам архаик, қадимги халқлар ўртасида тарқалган эгизаклар ҳақидаги афсона ётади. Бу афсонага кўра, худо томонидан яратилган эгизак ака-укалар қориндаёқ бир-бирига душман бўлади. Улардан бири барча яхши ва фойдали нарсалар билан, иккинчиси барча турдаги ёвузлик ва ёмон нарсалар билан боғлиқ бўлади. Ака-укалар ўртасида низо чиққандан сўнг, ёвузлик тимсоли бўлгани осмонга чиқиб кетади. Зурвонийликда бу афсона қуйидагича берилган: Зурвон ўғил – Яратувчи-худо туғишга қарор қилади ва буни амалга ошириш мақсадида тақдирга қурбонлик қилади. Ўғил туғилавермагандан кейин, қурбонликдан фойда бўлмади деб шубҳа қилади. Бу шубҳасидан унинг ичида Аҳура Мазда билан бирга Ахриман вужудга келади. Зурвон олам устидан ҳукмронликни биринчи туғилган болага, мўлжали бўйича Аҳура Маздага беришни қарор қилади. Аксига олиб, «Тақдирга тан бермасдан», биринчи бўлиб Ахриман туғилади. Зурвон сўзининг устидан чиқиб, Ахриманга тўққиз минг йил

³⁰ Зороастрийские тексты. Суждения Духа Разума (Дадестан-и мено-и храд). Сотворение основы (Бундахишн) и другие тексты. – М.: Издательская фирма «Восточная литература» РАН, 1997. – С.13.

олам устидан ҳукмронлик қилишни марҳамат қилади, ундан сўнг у йўқ бўлиб кетиб, ўрнига Аҳура Мазда келади. Лекин зурвонийлик таълимотига кўра, Зурвон ўтмишда ҳам, ҳозирда ва келажакда ҳам абадий бош илоҳа бўлиб қолади³¹.

б) Марказий Осиё ва Эрон худудларида тарқалган динлар таркибида Митра-Меҳр худосига ибодат қилиш кенг тарқалган. Митра-Меҳр – ваъда (қасам), аҳд худоси бўлиб, ҳинд «Веда»ларида унга гўтри келадиган худолар учрайди. Зардушт таълимотида Митра-Меҳрга сифиниш, бошқа худоларга сифиниш сингари, рад қилинган. Эллинистик даврда Қадимги Юнонда ҳам Митра худосига сифиниш тарқалган, лекин таджикотчилар уни бутунлай бошқа илоҳ деб таъкидлайдилар. Авестонинг ўзида ушбу илоҳга Яснанинг 10-Ҳоти ҳамда Авестонинг энг қадимги бўлимларидан ҳисобланган «Меҳр яшт»лар бағишланган.

Асқар Маҳкамнинг «Меҳр яшт»га берган изоҳларида қуйидаги фикр билдирилган: «... Митра – Шарқ халқлари илоҳиётининг маъбуди, эрамиздан икки минг йиллар бурун ҳам аجدодларимиз эътиқодининг мояси – меҳвари бўлган Митра илк даврларда, эҳтимол, алоҳида уруғ-қабилалар ўртасидаги аҳд-шартномаларнинг (яйловлар ва сувли ерлар ўртасида) ҳаққониятини назорат қилувчи илоҳ бўлгандир. Бироқ кейинча, у ҳарб-зарб илоҳи сифатида эҳтиром қилина бошланди.

Жангчи Митра тавфиқли, ўз аҳдига собит кимсалар томонида туриб, қавлига хиёнат қилган ёлгончи ва субутсиз кимсаларга қарши аёвсиз кураш олиб борди. Шунингдек, Митра одамлар ўртасида ҳакам илоҳ (марҳумлар руҳи устидан ҳам) ва Офтоб сайёраси илоҳи сифатида Қуёшни самовий сафариде кузатувчидир. Айрим Шарқ халқлари эътиқодида Митрага топиниш айна Қуёшнинг ўзига сифиниш тусини олди ва Меҳр, Мира (Митра сўзининг қадимий шакллари) сўзлари «қуёш» маъносини англата бошлади.

³¹ Рак И.В. Мифы древнего и раннесредневекового Ирана. СПб-М.: «Журнал «Нева» – «Летний Сад», 1998. – С. 117–118.

Митрага сиғиниш Шарқ халқлари эътиқоди доирасидан чиқиб, олис жуғрофий минтакаларга ёйилди. Жумладан, Рим регионларининг сирли эътиқоди – митраизмга асос солди. Митраизм, ўз навбатида, бутун Оврупога тарқалди ва илк насронийлик билан рақобатга кирди»³².

Авестошунослар ўз тадқиқотларида Авестони қадимги ҳинд муқаддас китоблари – Ведалар билан таққослайдилар, уларнинг ўхшашлиги ва фарқлари асосида тарихий ҳақиқатни танишга ҳаракат қиладилар. Л.А. Лелеков бундай таққослаш асосида Ригведада нариги дунё хақида тушунча йўқлиги, унда инсонлар ҳаётидаги энг олий неъмат – «юз йил» тўқ, фаровон ҳаёт кечиришдан иборат деган фикр кўп марта қайтарилишини таъкидлайди. «Ригведа куйчилари, – деб ёзади муаллиф, – синфий кураш мавжудлигини олдиндан пайқашмаган ҳам, лекин унинг акс садоси Зардушт томонидан ўтказилган тақводор камбағал ва тақводор бўлмаган бой ўртасидаги қарама-қаршиликда яққол кўзга ташлапади».

– Эй Мазда!

Сипандмийнудан юз бурган дурвандлар озор топадилар, азият чекадилар. Аммо Ашаҳ – Ҳақиқат пайрави бўлган ашаванларга бу насиб қилмагайдир. Ашаван ҳар қанча бедаво бўлмасин, ҳар қанча забун бўлмасин, уни дўст деб билмоқ лозим, дурванд ҳар қанча қудрат соҳиби бўлса-да, уни ёвуз ва бадхоҳ деб билмоқ жоиз³³.

(Ясна 47, 4-Ҳот)

Ушбу Ҳотни куйидагича шарҳлаш мумкин: Тақводор инсонлар Ахура Мазда Муқаддас Рухига содиқ бўладилар, Ёлгончилар ундан нафратланадилар ва четланадилар, бу эса уларни нобуд қилади. Тақводорлар дунёси дўстлик ва ўзаро

³² Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик.// Аскар Махкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 346-б.

³³ Ўша манба. – 25-б.

ёрдамга асосланган, такводор камбағал кишига ҳар доим дўст ва ёрдамчи бўлади. Ёлғончи эса фақат унга бир нарса беришга кодир бўлган бойни яхши кўради, гарчи у қаҳрли ва бойликларидан ёвуз мақсадларда фойдаланувчи бўлса ҳам.

Шундай қилиб, Ригведа ва Гоҳлар ўртасида кўп асрлик ўтиш даври ётади. Унинг давомида ибтидоий тузум ва унга хос бўлган жамоавий ижтимоий онг ҳамда содда моддий қадриятлардан илк давлатларга хос ички сиёсий низоларга ўтиш жараёни ва бу низоларда мағлубиятга учраган кишилар нариги дунёда тантана қилишларига умид боғлаши вужудга келади. Жамиятда ибтидоий жамиятга хос бўлган одамлар ўртасидаги тенглик йўқолиб боради, синфий жамият шаклланиб боради, ижтимоий муносабатлар, одамлар дунёқараши ўзгариб, мураккаблашиб боради.

Бу жараён диннинг, диний қарашларнинг ривожланиши, эволюцияси нуқтаи назардан кўрилганда, биринчи босқичда, хинд Ведаларида баён этилганидек, жамият устидан илоҳийлаштирилган табиат кучлари, иккинчи босқичда илоҳийлаштирилган ижтимоий кучлар ҳукм суриши кузатилади. Учинчи босқичда эса турли худоларнинг табиий ва ижтимоий хусусиятлари ягона кудратли худога ўтказилади. Бу жараён политеизмдан монотеизмга ўтишни ифодалайди. Монтеизм шу тарзда вужудга келади.

Ригведа ва Гоҳ (Ҳот)лар юқорида келтирилган босқичлар нуқтаи назардан кўрилганда, Ригведа ушбу жараённинг биринчи босқичида, Гоҳ (Ҳот)лар эса учинчи босқичда пайдо бўлганлиги аён бўлади. Зардуштийликда нариги дунёнинг мавжудлиги ва ягона худонинг афзаллиги тўғрисидаги ғоялар долзарб бўлган, шунинг учун зардуштийлик (Зардушт таълимоти) монотеизм тамойилига асосланади. Бундай фикрлар Аҳунавайти (Аҳунавад) Гоҳлари ва Уштавайти (Уштавад) Гоҳларининг 44- ва 46-бандларида, шунингдек, Яснанинг 50-, 51-Ҳотларида кўплаб учрайди. Ушбу Ҳотларда барча монотеистик динларга хос бўлган эсхатология – охиратга тайёрла-

ниш, ўлимдан кейинги қисматни яхшилаш, саодатли бўлиш ҳуқуқларини синчковлик билан расмий рўйхатга олиш катъий талаби қўйилганлиги ифодаланган.

– Эй! Мазда Ахура!

Ашаҳ –Ҳақиқат ва Эзгу Ниятга ҳаққу рост сазовор бўлганинг равшан назар фарзонларнинг мақсудига восил айла. Ҳақиқатда билурманки, эзгу мақсадли, дил қаъридан чиққан олқишлар сизлар томондан инобатсиз қолмагай!

(Ясна, 28-Ҳот, 10)

Бу ниятлар билан Ашаҳ – Ҳақиқат ва Эзгу Ниятнинг паноҳи бўлурман.

Эй Мазда Ахура!

Сен мени ўз оламингдан огоҳ эт! Сен менга ўз тилинг билан олам ибтидоси ҳақида сўзлаб бер! У нима эди ва қандай бунёд бўлди?³⁴

(Ясна, 28-Ҳот, 11)

– Эй Мазда!

Мен Сендан ана шуларни илтижо қиламан: айтгил, тириклик нечук ўтгандир ва нечук ўтгусидир? Ҳақиқат пайравлари ва муҳбирлари, шунингдек, ёлғон – дуружга тобе бўлганларнинг тириклик дафтарига нималар чекилгусидир?

– Эй Мазда!

Буларнинг бари энг сўнгги ҳисоб-китоб чоғида нечук бўлгай?³⁵

(Ясна, 31-Ҳот, 14)

Л.А. Лелеков зардуштийлик эсхатологияси ва сотериологиясига бағишланган Ж. Паврининг «Нариги дунё ҳақидаги зардуштийлик таълимоти»³⁶ асари мавжудлиги, унда зардуштийлик таълимотидаги эсхатология ва сотериология тўғрисида

³⁴ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик.// Аскар Маҳкам таржимаси. – Т: Шарк. 2001. – 9-б.

³⁵ Ўша манба. – 12-б.

³⁶ Paryu J.D.C. The Zoroastrian doctrine of a future life. N.Y., 1929. (Иккинчи нашр.)

ишонarli даражада, лекин соддалаштиришдан холи бўлмаган равишда гап юритади дейди. Бу асарда Видевдод (19.27)да учрайдиган *dathra* атамаси нариги дунёда қилинадиган яхши ва ёвуз амаллар ҳисоб-китобидаги «қайд» сифатида талкин қилинган. Ж. Паври талқинида Ясна 34.2 ва Яшт 19.32 да нариги дунёдаги Охират кунига ғамлаб қўйиладиган эзгу амаллар захираси тавсифлаб берилган. Ва, ниҳоят, Ясна 48.8 да яхши ва ёвуз амалларнинг тарозида тортиш тўғрисида гап кетади. Ана шу йўсинда, яъни тизимли равишда ва пухталик билан нариги дунёда суд-ҳуқуқ жараёни қайта тикланади.

Л.А. Лелеков бу асарга тавсиф бериб, шундай деб ёзади: «... нариги дунёда амалга ошириладиган тартиб, барча қилинган амалларнинг ёзма равишда рўйхатга олинishi қадимги хинд-европа қабилалари ҳаётида учрамайди ва бу ҳодисалар кўпроқ Яқин Шарққа хос бўлган, демак, уларнинг илдизи ўша ҳудудлардан бошланади. Бунинг устига, ёзма равишда ҳисобга олиш мавзуси ҳозирда анъанавий бўлиб қолган Ҳотлар ёзувга эга бўлмаган жамиятда вужудга келганлиги ҳақидаги тасаввур билан ҳеч қанақасига боғланмайди. Ж. Паври асарининг маълумот бериш нуқтаи назардан аҳамияти жуда катта. 1933 йилда муаллиф юбилейи шарафига Қадимги Эрон дини тарихи бўйича улкан жилд йиғилганлиги тасодиф эмас. У 1965 йилда қайта нашр этилган»³⁷.

– Эй Мазда!

Эзгу Ниятли варжованд эр ўзининг Ашах – Ҳақиқатга пайваста руҳини, буткул андиша ва амалларини танҳо Сенгагина ниёз келтиради.

Шоядқи ибодат ва саловатлар билан Сенинг ҳузурингга ёвуқ кела олса!³⁸

(*Ясна, 34-Ҳот, 2*)

³⁷ Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М., 1992. – С. 32.

³⁸ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик.// Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 16-б.

– Эй Мазда!

Сенинг Олам Шаҳриёрингдан бизга манзур бўлгувчи эзгу кудратинг қайсидир? Менга ва менинг ёронларимга аталган Сенинг ажр-мукофотишг недир?

– Эй Ахура!

Ашаҳ – Ҳақиқат ва Эзгу Пият нурлари остида юмушларимизнинг ҳал бўлмоғи, ишларимизнинг олға босмоғи учун жавонмардлар хузурида аёну ошкор бўлишингни нечоғли орзу қиламан!³⁹

(Ясна, 48-Ҳот, 8)

Зардушт монотеизм гояларини илгари сурганлигининг Авесто матнларида яққол кўзга ташланишини Л.А. Лелеков куйидагича тавсифлайди: «Пайгамбар «Кичик Авестодаги, индизлари қадимги хинд-европа қабилаларига тегишли ва наси-насаб шажарасига эга ижтимоий институтлар номларини янгилайди, уларнинг ҳар қандай бошқа қадимги ва ўрта дەر Эрон манбаларида умуман йўқлиги сабабли сунъийлиги очиқ-ойдин кўзга ташланиб туради. Зардушт политеизм худолари номларини ҳаттоки бунга эҳтиёж бўлган контекстларда ҳам тилга олишдан қочади (масалан, Ясна 30.9 ва 31.4 ларда уларнинг номини келтириш ўрнига, худоларни Ахуравийлар деб атади)»⁴⁰.

– Эй Мазда!

Биз оламу одам тириклигини янгиловчи ва сенинг бўлмиш Ахуравийлар билан бирга янамоқни истаймиз. Сен-да Ашаҳ – Ҳақиқат сиймоси остида бизга мадад айла. Акл-идрокимиз ожизлашиб, эътиқодимиз сушлашган чоғда қўллагин, токи фикр, қалом ва амалда биз иттифок бўлайлик⁴¹.

(Ясна, 30-Ҳот, 9)

³⁹ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик.// Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 26-б.

⁴⁰ Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М., 1992. – С. 28.

⁴¹ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик.// Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 10-б.

– Эй Мазда! Эй Ахуравийлар!

Бизнинг хитобимизга мутаважжих бўлсангиз, у холда умид қиламизки, Ашах – Ҳақиқат, Ормаитий, Эзгу Ният ва қудрат соҳиби Олам Шахриёри бизнинг бўлгуси ва уларнинг шуълалари остида ёлгон – дуруж устидан цусрат қозонгаймиз⁴².

(Ясна, 31-Ҳот, 4)

Л.А. Лелеков ушбу фикрларини тасдиқлаш мақсадида йирик авестошунослар мулоҳазаларига муурожаат этади. А. Мейс, А. Кристенсен, Ж. де Менаш, Э. Бенвенист каби авестошунослар Ҳотларга киритилган лексик ва мафкуравий ўзгаришлар (инновациялар)ни Зардуштнинг ижтимоий позицияси, унинг ўша даврда Эронда ҳукмрон бўлган ҳарбий зодагонларга қарши курашининг оқибати деб ҳисоблайдилар. Шу билан бирга, бу олимлар Зардушт таълимотини Аҳамонийлар сулоласи ва қадимги Эрон жамоаси оммавий тарзда қабул қилмаган, балки зардуштийлар жамоаси барча тарихий даврларда маздаизмнинг ислох қилинмаган чексиз стихиясидаги катта бўлмаган, чекланган анклав (жамоа) бўлиб келган деб ҳисоблайдилар⁴³.

Яштлар зардуштийликдан аввал мавжуд бўлган, қадимги Эрон ҳарбий зодагонлари – *айуа*, яъни арийлар худоларига бағишланган мадҳиялардан иборат эди. Улар Зардуштнинг нафратини келтирар эди, шунинг учун у Яштларда мадҳ этилган қонхўр худоларни тилга олиш, *айуа* атамасидан фойдаланишдан қочишга ҳаракат қиларди ва ҳарбий зодагонларни, кўпинча, «Ёлгон (Дуруж) зоти» деб атайдди.

Авестонинг Катта ва Кичик (Янги) қисмларга бўлиниши шартли равишда ҳамда ҳозирги давр филологик эҳтиёжлардан келиб чиққан холда амалга оширилган бўлиб, қадимий зардуштийлар жамоаси дунёқарашига тўғри келмайди⁴⁴. Шундай

⁴² Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик.// Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 11-б.

⁴³ Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М., 1992. – С. 28.

⁴⁴ Лелеков Л.А. Зороастризм: явления и проблемы //Локальные и синкретические культы. – М.: Наука, 1991. – С. 20.

бўлса-да, Ҳотлар ва Яштлар ўртасида мафкуравий муҳолифат ҳақиқатан мавжуд. Бу муҳолифлик Ҳотлар ва Яшларни тузган кишиларнинг ўзига хос ижтимоий позициялари, муҳолифлик (сектантлик) мафкураси билан шартланади. Бу ҳақида Қадимги Юнонда эр. авв. V–IV асрларда хабардор бўлганлар. Юнонлар Зардушт таълимоти махфий диний жамоа аъзоларига, «форсларнинг сараси»га қаратилганлигини билганлар. Бу ҳол бевоёнига Ҳотларнинг ўзида ҳам ишора сифатида (Ясна 29.11), ҳам аниқ фикрлар билан (Ясна 48.3 ва 10) тасдиқланади⁴⁵:

– Эй Мазда!

Сен, ҳақиқатда, бутун мавжудотга Ашах – Ҳақиқатнинг манфаати ва дуружнинг зиёнкорлиги хусусида сабоқ бергансан, тарбия қилгансан.

Бас, мен Эзгу Ният билан қовушмоқни ва барчани дурвандларга кўшилишларидан асрамоқни орзу қиламан.

(Ясна, 49-Ҳот, 3)

– Эй Мазда!

Кимда-ким ушбу фармонга риоя қилмаса, дўзах аҳлидир, дўзах оламининг фарзанди – дўзахзода, дуружзодадир. У жаҳонни тубанликка томон элтади.

Мен Ашах – Ҳақиқатни ўзимнинг ва издошларимнинг ҳузурига чорлайман. Яхшиликнинг муқофотига мушарраф бўлишни истайман⁴⁶.

(Ясна, 51-Ҳот, 10)

Қадимги коҳинлар таркибидаги ўзига хос, катта бўлмаган гуруҳ Авестонинг мафкуравий йўналишини ва уни ифода этиш воситаларини олдиндан белгилаб қўйди ҳамда бу гуруҳ ўзгача фикрловчи, қадимги, зардуштийликдан илгари мавжуд бўлган дин вакиллари (кавай (кави) ва қоропон (карапан)лар)

⁴⁵ Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М., 1992. – С. 28.

⁴⁶ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик.// Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 27-б.

ни лаънатлагани Ҳотларда ўз ифодасини топади. Бунинг учун Зардушт илгари ишлатилмаган, янги ва мураккаб маъноларга эга бўлган атамалардан фойдаланишга ҳаракат қилади. Бу ҳол, Л.А. Лелековнинг фикрига кўра, Ҳотларда «(илгари) кулюк эшитмаган» сўзлар, «энг олий таълимот» деган ибораларда ўз ифодасини топади⁴⁷.

– Эй хушёрлар!

Сизларни ҳали бирор бор эшитмаганингиз ҳодисалардан огоҳ қиламан.

Бегумон, бу сўзлар дуруж – ёлгоннинг таълимини олганлар, Ашаҳ – Ҳақиқат оламини расво қилмоқчи бўлганларга хуш келмайди, аммо улар Маздага дил боғлаганларга ғоятда ёқади⁴⁸.

(Ясни, 31-Ҳот, 1)

Бас, доно одамлар учун энг мақбул тарбия яхшиликларнинг отаси бўлган Ахурани Ашаҳ – Ҳақиқат сиймосида ўрганмоқдир, танимоқдир.

– Эй Мазда!

Тафаккур аҳли, донолар, сенинг розларинг сиррини ўрганувчи шогирдлар хирад ва Эзгу Ният партавида сенинг ошигинг, муҳлисинг ва муҳибинг бўлгуси⁴⁹.

(Ясни, 48-Ҳот, 3)

Зардушт таълимоти камчиликни ташкил этган танланганларга мўлжалланган – «(сирли ҳикматларни) билгучиларга», «син аъло одамларга», «донолар», «ҳамкасбларга», яъни маънавий жиҳатдан энг сара кишиларга қаратилган. Бу иборалар орқали, Л.А. Лелековнинг фикрича, гайрихиссий (ғайриоддий) билишга иншора қилинган. Яшгларда (4.10 ва 14.46) талаб «тилганидек, зардуштгыйлик доирасида ҳозирги вақтда ҳам қа-

⁴⁷ Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М., 1992. – С. 34.

⁴⁸ Авесто. Тарихий-адабий ёлгорлик // Аскар Маҳкам таржимаси. – Ё: Шарқ, 2001. – Б. II.

⁴⁹ Ўша маъна. – 26-б.

биладошлар ва ажнабийлардан эътиқод сирини ҳимоя қилиш талаби амалга оширилади⁵⁰:

Бул отни, бул дуони, Зардушт,
Бегонага айтмасин ҳеч ким, —
Майли, айтсин ота ўғлига,
Оға айтсин ўз жигарига,
Муридига айтсин муршиди,
Қудратлидир бу калималар.
Қудратлидир ва мустаҳкамдир,
Қудратлидир, хуш сўзлашлидир,
Қудратлидир, зафарпешадир,
Қудратлидир ва нажотбахшидир, —
Бошин омон сақлагайдир у
Ва ортига қайгара туйқус
Қўшган зарбани.
Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...⁵¹

(Ясна, 14-Ҳот, 46)

XIX асрнинг охиридан бошлаб авестошуносликда Зардушт таълимотининг ёзма ҳужжатлари фақат Ҳотлар экаплиги, Яштлар ва Видевдод (Вандидод)ни эса сохталаштирилган матнлар деб ҳисоблаш қабул қилинган. Бундай қаран нотўғри бўлган, лекин, шу билан бирга, Видевдод (Вандидод) ва Яштлар, ҳақиқатан, бутунлай бошқа диний эътиқод меъёрларига қаратилган. Улар Ҳотлардаги кўрсатмалар билан жуда чуқур зиддиятларга боради, бу зиддиятлар, кўпинча, стихияли, атайлаб қилинмаган тарзда келиб чиққан. Шу билан бирга, авестошуносларнинг фикрича, дуализмни илгари сурувчи Видевдоднинг биринчи ва учинчи бобларида бу зиддиятлар англаниш ҳолда, ҳаттоки монотеизм мойилига қарши чиқиш мақсадида

⁵⁰ Делеков Л.А. Авеста в современной науке. — М., 1992. — С. 29.

⁵¹ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик // Асқар Маҳкам таржимаси. — Т.: Шарк, 2001. — 206-б.

гавдаланади. Мазкур ҳолат Видевдод томонидан Зардушт таълимотининг энг сўнгги қиёфасига эга бўлган Рага (Рай) шахрининг айбланишидан маълум бўлади⁵².

Мен – Ахура Мазда – яратган ўн иккинчи сарзамин ва гўзал юрт уч баходир ҳукмрон бўлган Райдир.

Шундан сўнг бутун борлиги ажал билан йўгрилган Ахриман келди-да, хусуматдан сует эътиқодлилиқ гуноҳини яратди⁵³.

(Видевдод I.16)

«Видевдод тузувчилари зардуштийлик руҳонийлари тахти бўлган Рай шахрида яшовчи одамлар эътиқодини гуноҳли шубҳа, қандайдир диний виждонсизлик деб тушундилар. Қатъий дуалистлар Райда вужудга келган монотеизм таълимоти обрўсига доғ туширмоқчи бўлдилар. Ўзлари эса оламни вужудга келтирган низо таркибидаги кучлар жойланишини тубдан ўзгартириб юбордилар. Агар Ҳотлар ва Ясна 19 да «икки азалий рух» Мазданинг оқибати, лекин унинг ўзи ўзгармас бенуксон оламида мавжуд, бу руҳларнинг устида ва уларнинг курашидан ташқарида деб эълон қилинган бўлса, Видевдод бўйича эса Мазда... бир даража куйига туширилган ҳамда ўткинчи ва, демак, унга лойиқ бўлмаган эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашда икки руҳдан бири билан тортишишга мажбур...»⁵⁴.

Зардуштийликда инсоният тарихида илк бор инсон шахс сифатида кўрилади. Оламнинг ривожланиши инсон иродаси, унинг эзгулик ёки ёвузлик тарафдори бўлишига, танловига бевосита боғланган. «Ҳотлар ва шахсан пайғамбар Зардушт гоёвий дастуридаги энг муҳим асос – бу етарли даражада назарий бўлган субъектив Мен (Его) фалсафий концепцияси. Унга ҳаттоки Қадимги Юнон фалсафасида таққослаб бўладиган наза-

⁵² Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М., 1992. – С. 29

⁵³ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик // Аскар Маҳкам тәржимиси - Ё: Шарк, 2001. – 108-б.

⁵⁴ Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М., 1992. – С. 29

рия йўқдир. Жаҳон драмасининг натижаси субъектив Менинг афзал кўрган нарсалари, танлови ва қарорларига боғлиқдир. Худодларнинг ёвузлик легионларига қарши курашидаги муваффақияти оддий инсонлар ахлоқий танловининг сабаби эмас, балки оқибати деб эълон қилинган. Зардуштийлик изчиллик билан ташқи ходисаларни индивидуал психика фаолиятининг натижаси сифатида тасвирловчи инсоний жамият тарихидаги ягона дин бўлган ва расмий равишда шундай бўлиб қолмоқда. ... Зардушт таълимотида шахсга мисли кўрилмаган кўламдаги алоҳида ҳуқуқлар берилган: унинг шахсий ахлоқий танлови жуда юқорида, худодлар ўртасидаги низолардан ловуллаган осмонда амалга ошади...»⁵⁵.

Ҳақиқатда энг эзгу таълим ростлик илми ва диноғоҳликдир.
– Эй Ахура Мазда!

Жамийки менга озор истовчилар ва кўнглимга даҳшат солаётганлар устидан ҳукм юритасан. Мен-да дурваидлар шарридан Сенинг дўстларингни асрагайдирман⁵⁶.

(Ясна, 32-Ҷот, 16)

Назорат саволлари:

1. Динишнослик нуқтаи назаридан зардуштийлик динининг тузилиши ҳақида сўзлаб беринг.
2. Қадимги Марказий Осиё ва Эрон ҳудудларида ҳинд-арий қабилалари ўртасида зардуштийликдан ташқари яна қандай динлар тарқалган; зардуштийликнинг ушбу динлардан асосий фарқи нимада?
3. Ригведа ва Гоҳларда акс эттирилган жамиятлар ўртасидаги фарқ ҳақида сўзлаб беринг.
4. Зардуштининг ижтимоий позицияси ва у илғари сурган монотеистик гоялар нималардан иборат?
5. Зардуштийликда инсон муаммоси моҳиятини очиб беринг.

⁵⁵ Делеков Л.А. Авеста в современной науке. – М., 1992. – С. 29.

⁵⁶ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик.// Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарк, 2001. – 14-б.

Мустақил иш (реферат) мавзулари:

1. Ибтидоий тотинишларнинг Авестода акс этганлиги масаласи.
2. Зардуштийлик – политеистик дин сифатида.
3. Зардуштийлик – монотеистик дин сифатида.
4. Зардуштининг ислохотчилик фаолияти.
5. Авесто – диншунослик объекти сифатида.
6. Исломдан олдин Ўрта Осиё ҳудудида тарқалган динлар.
7. Зардуштийлик – давлат дини сифатида.
8. Зардуштийлик динида инсон муаммосининг ҳал этилиши.

ЗАРДУШТИЙЛИҚДА БОРЛИҚ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТ (Космогония ва онтология)

Авестошунослар Авестони турлича талқин этишларига қарамадан, ушбу муқаддас китоб диний моҳият касб этиши билан бирга, фалсафий, сиёсий, ахлоқий, адабий моҳиятга эгаллигини яқдиллик билан тан оладилар.

Авестода акс этган диний дунёқараш асосида, диний тупунча ва атамалар орқали фалсафий: онтологик, гносеологик, мантиқий, антропологик ва жамиятшуносликка оид муаммолар акс этган. Зардушт ўз тасаввурларини юқори даражада мавҳум тарзда баён этган.

Эронликлар эътиқодининг диний ривоят ва афсоналарга караганда умумий, мавҳум бўлганлигини ҳамда концептуал жиҳатдан қадимги юнонликлар динига эмас, балки Эмпедокл таълимотига ўхшашлигини кейинги даврларда Геродот ўз асарларида қайд қилади. Бундай ўхшашликлар асосида баъзи олимлар Ҳотларга асосланган зардуштийликда, яъни Зардушт таълимотида, Марказий Осиё ва Эронда фалсафа шакллантилиши масаласини қўйиш мумкин деган фикрларни билдирадилар. Бу фикрга биз тўлалигича қўшилаемиз ва, таъкидлашимиз мумкинки, Зардушт таълимоти (Ҳотлар)да илгари сурилган

гоялар ўз даври учун жуда илгор ва мавҳум гоялар бўлиб, уни кенг халқ оммаси тушуниб етмаган бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун Авестода аке этган политеистик гояларнинг Зардуштдан кейинги даврда тикланиши ва Зардушт таълимотига киритилганлигини табиий ҳол деб тавсифлаш мумкин.

Марказий Осиё халқларининг исломдан олдинги диний, фалсафий ва ахлоқий қарашларини ўрганишда ёзма ёдгорликлар: асосий манба сифатида зардуштийлик динининг муқаддас китоби Авесто ҳамда ташқи манба сифатида Геродот, Страбон каби Қадимги Юнон тарихчиларининг асарлари ҳамда Эллин даври файласуфлари Анаксимандр, Гераклит, Пифагор қарашлари катта аҳамият касб этади.

Баъзи тадқиқотчилар гарчи зардуштийликдаги ва, айниқса, унинг Ҳотларга асосланган таълимотидаги баъзи тасаввурлар Қадимги Ҳиндистон ва Юнондагидек фалсафа фанининг шаклланишига олиб келмаган бўлса-да, уларни фалсафага жуда яқин турган, моҳиятан фалсафий бўлган ёки натурфилософия деб баҳолайдилар⁵⁷. Демак, ушбу дин пайдо бўлган заминда мувофиқ шароитлар бўлганда фалсафа фани шаклланган бўлар эди.

М. Элиаденинг маълумотига кўра, эронликлар томонидан қатор диний концепциялар кашф этилган, қайта англанган ва тизимлаштирилган. Улардан энг асосийлари: бир неча дуалистик тизим (космологик, ахлоқий, диний дуализмлар) ишлаб чиқилганлиги; халоскор тўғрисидаги ривоят; пировард натижада Эзгуликнинг ғалаба қозониши ва барча инсонларнинг халос бўлишини эълон қилувчи оптимистик руҳдаги эсхато-

⁵⁷ *Удам Х.К.* Иранская философия / Иран. X. Просвещение. 2. Общественные науки. Философия // Большая Советская Энциклопедия. 11. ред. А.М. Прохоров. – Т. 10. – 3-изд. – М.: Изд-во «Советская энциклопедия», 1972. – С. 417–418; *Вольф М.И.* Онтологические аспекты иранских влияний на раннюю греческую философию. – Диссертация на соискание ученой степени канд. филос. наук. – Новосибирск, 2003. – <http://www.nsu.ru/classics/Wolf/Kand-diss.htm#ch3>; *Irani D. Kaikhosrov. The Philosophy of the Ancient Iranian Tradition // Journal of the K.R. Cama Oriental Inst.* – 1986. – № 2. – P. 23–48.

логия; жисмонан қайта туғилиш ҳақидаги таълимот; баъзи гностик мифлар; ва, ноҳоят, ҳам италиялик неоплатониклар, ҳам Парацельс ёки Жон Ди томонидан Уйғониш даврида ривожлантирилган маг (муғ)лар мифологияси⁵⁸.

В.П. Горан Қадимги Юнонда мифологик дунёқарашнинг фалсафий дунёқарашга ўтиши куйидаги уч хусусиятнинг ўзгариши сифатида қайд этилади деб ҳисоблайди: 1) супранатурализм – демифологизация (яъни табиатни унинг ўзидан келиб чиқиб тушунтириш, талқин қилиш); 2) генетизм – бундай талқинни амалга оширишда субстанционал ёндашув; 3) оламнинг вертикал тузилган деган тасаввурдан унинг шар (сфера) симон тузилганлиги тўғрисидаги тасаввурга ўтиш⁵⁹.

Ушбу хусусиятларни зардуштийлик таълимотида ҳам кузатиш мумкин. Авестода бир турдаги дунёқарашдан бошқасига ўтиш аке этади. Худолар одамсимон (антропоморф) қиёфасини йўқотиб, мавҳум унсурлар, табиатдан юқорида турувчи ва оламдаги тартибни назорат қилувчи мавҳум илоҳлар сифатида гавдаланади. Генетизм эгизак руҳлар тўғрисидаги ҳамда Ахура Мазда томонидан Амеша Спенталарнинг (Амшосипанд, Амиша Спийнта) яратилиши тўғрисидаги афсоналарда сақланиб қолган. Шу билан бирга, Ҳотларда оламнинг ягона субстанционал асоси мавжудлиги қайд этилган. У – ягона ва мавҳум (антропоморф бўлмаган) худо – Ахура Маздага сифининг кўрилишида ифодаланади. Илк зардуштийликда оламнинг тузилиши вертикал тарзда тасвирланган, яъни Ахура Мазда – осмонда, Ахриман эса – ер остида яшайди. Кейинчалик коинот тузилишининг тухум(шар)симон модели устунлик қила бошлайди (Ясна, 30.5-Ҳот; Яшт, 13.3), яъни ер тухумнинг сариғига ўхшаш, шарсимон деб тасаввур қилинади, унинг тева-

⁵⁸ *Элиаде М.* История веры и религиозных идей. Т.I: От каменного века до элевсинских мистерий. – М.: Критерий. 2002. – Глава XIII: Заратустра и религии иранцев.

⁵⁹ *Горан В.П.* О социально-исторической обусловленности генезиса греческой философии // Гуманитарные науки в Сибири. – 1996. – № 1. – С. 95–101.

рини осмон тухум пўчоғига ўхшаб ўраб туради, яъни фазода турли йўналишларда ҳаракат қилиш мумкин. Ер атрофидаги фазода юлдузлар, Ой ва Куйёш жойлашган ва бу фазо, Ахура Мазданинг тимсоли бўлган қаттиқ жисм (маъдан)дан ясалган тумбаз билан чекланган.

Ўша икки оламда ёлгон – дуружни ихтиёр этганлар энг ёмон амалларга берилдилар ва абадий осмонни қоплаган солиҳ оламлар учун бунёд этилган Ашах – Ҳақиқатга юз бурганлар ўзларининг эзгу амаллари ва озодликка муҳаббатлари туфайли Ахура Маздани хушнуд этдилар⁶⁰.

(Ясна, 30-Ҳот, 5)

Шунингдек, реаллик икки даражага эга: нарсалар ва табиат олами (гетиг) ҳамда маънавий (ақл – меног, мийну) олам. Борлиқни иккига бўлиш диний онгга хос хусусият бўлиб, бунда қуйидаги қаршилик вужудга келади: мавжудликнинг маънавий бошланғич асоси (худо ёки худолар) сезгилар орқали ҳис этиладиган моддий оламга қарши туради. «Оммавий кўринишдаги диний онгда, яъни авом халқ онгида худолар олами мавжуд ва одамлар ундан умидвор бўлиб яшайдилар. Лекин илоҳиёт, диний таълимот доирасида бу қаршилик ёки мутаносиблик устида алоҳида мулоҳазалар юритилган бўлиб, натижада янги мулоҳазалар тизими (фалсафий қурилма) пайдо бўлади»⁶¹. Зардуштийлик таълимотида ҳам ана шундай фалсафий қурилма мавжуд. Масалан, Зардушт Ахура Маздадан икки олам саодатини сўрайди, демак, икки олам Ахура Маздага тегишли ва икки олам бир-бирига қарши қўйилмайди. Ахура Мазда моддий дунёни мийну (меног – маънавий олам, рухлар олами)

⁶⁰ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик // Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарк, 2001. – 10-б.

⁶¹ Шаймухамбетова Г.Б. О методологических аспектах темы соотношения философии и религии на Востоке // Методологические проблемы изучения истории философии зарубежного Востока. – М., 1987. – С. 23.

дан яратади. Яъни моддий олам аввалига эзгулик тимсолидир, унга ёвузлик аралашгандан сўнг гетиг («астуманд» – суякли, моддий) олам (Ясна, 60-Ҳот) шаклланади.

Маънавий олам – мийну маъносини Асқар Маҳкам Авестога берган изоҳларида куйидагича ифодалайди: мийну – «... ўзга олам ёхуд моддий олам яратилишидан бурунги олам. Мийну ё майню моддий олам тугаб, кўлган лаҳзада яна бино бўлади. Бизнинг тушунчамиздаги биҳишт ёхуд фирдавс мийнунинг мазмунига мос келади. Манбаларда келишича, ҳар бир жонли, жонсиз нарса ҳали моддий оламга келмасдан бурун мийну оламида мавжуд бўлган. ... Мийну ёлғиз инсонларгагина хос ҳодиса эмас, балки жониворлар, гиёҳлар, ҳатто жонсиз жисмлар ва ҳоказолар мийну оламида ўз мийнуларига эга бўлганлар»⁶².

«Мийну» ва «гетиг» тушунчаларидан ташқари, Ҳотларда «тириклик» ва «нотириклик» тушунчалари ҳам мавжуд. «Нотириклик» фақат моддий дунёга тегишли бўлиб, маънавий оламга нисбатан ишлатилмайди. «Тириклик» ва «нотириклик» тушунчалари фалсафий «борлик» ва «йўқлик» категорияларига яқин туради:

– Эй Ахура Мазда!

Эзгу ният билан Сента юз бураман. Диногоҳларга кушойиш ва шодмонлик бахш этгувчи, Ашаҳ – Ҳақиқатга тааллуқли ҳар икки олам – фано ва бақо саодатини насиб-рўзи айла⁶³.

(Ясна, 28-Ҳот, 2)

Бу икки олам бир-бирига ётлашганидан сўнг, илк бор «тириклик» ва «нотириклик» бунёд айладилар. Бу ҳол олам сўнгигача давом этаверади. Эзгу ҳаёт Ашаҳ – Ҳақиқат пайравларига ва энг қабиҳ тириклик дуруж – ёлғон тарафдорларига насиб қилади⁶⁴.

(Ясна, 30-Ҳот, 4)

⁶² Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик.// Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарк, 2001. – Изоҳлар. – 309-б.

⁶³ Ўша манба. – 8-б.

⁶⁴ Ўша манба. – 10-б.

– Завт ва Роспий:

Бас, ҳақиқатда, астуманд (моддий) ва мийну оламида ҳам энг улуг яхшилиқлар ўша кишига насиб қиладиким, у бизни эзгулик, тўғрилиқ йўли – Ахуранинг жойгоҳи бўлмиш Ашаҳ – Ҳақиқат дунёси сари элтади.

– Эй Мазда!

Сенга кўнгил боғлаганлар оғоҳлик ва поклик билан сенга пайваст бўладилар⁶⁵.

(Ясна, 60-Ҳот, 1)

Шундай қилиб, борлиқ иккига бўлинган. Инсоннинг борлиқда тутган ўрни ана шу икки оламга нисбатан белгиланади. Инсон уларга нисбатан ораликдаги ўринни эгаллайди. Чунки, бир томондан, у маънавиятга тегишли бўлган ақл, донишмандлик ва иродага эга, улар инсон жисмига фраваш (руҳ, жон) орқали кириб боради. Демак, инсон жисмонийлик ва маънавийликни ўзида мужассам этади.

Моддий ва маънавий оламлар ўзига хос тузилишга эга. Моддий олам маънавий оламнинг проекцияси (тасвири)дир. Маънавий олам уч поғона (даража)дан иборат бўлиб, унинг асосини Ахура Мазданинг илоҳий ақли ташкил этади. Кейинги поғоналарни Ашаҳ – Ваҳийшта (Ашаҳ – «...ростлик, ҳақ, ҳақиқат, ҳакам, олам тартиби, яратилишнинг абадий қонуни, мукамал назм ва тартиб, муқаррар маздой қоида каби маъноларни мужассам этган, ...олов руҳи»⁶⁶), Воҳумана (Баҳман – эзгу шият, фикр донолик, шу билан бирга, жамийки самарбахш ҳайвонларни муҳофаза этади⁶⁷) ва Гўшварван (Ахура Мазданинг нури ҳамда мавжудот руҳи, олам руҳи⁶⁸) ташкил этади. Улар Ахура Мазда томонидан яратилган ва унинг хусусиятларини ифодалайди, шунга кўра, маънавий («оқил») олам парчаланмасдан, бир бутунлигини саклаб туради; шунингдек,

⁶⁵ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик // Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарк, 2001. – 88-б.

⁶⁶ Ўша манба. – 303-б.

⁶⁷ Ўша жойда.

⁶⁸ Ўша жойда.

бу илоҳлар Ахура Мазда ва инсон ўртасида воситачилик қиладилар:

– Эй Мазда! Эй улвий оламнинг уруғи – асоси – бунёди! Ибтидода ёзиқ кўлларим билан Сенга намоз келтирурман. Истагим – беҳрузлик ва шодмонлик.

Зора, Ашаҳ – Ҳақиқат аъмоли, буткул донишмандлик ва Эзгу Ният билан Гушварван – олам руҳини хушнуд айласам!⁶⁹

(Ясна, 28-Ҳот, 1)

Моддий (астуманд) олам ҳам ўзига яраша тузилишга эга, унинг асосини табиий унсурлар: маъдан, ер, сув ва ўсимликлар ташкил этади. Бу унсурларга тегишли Ахуралар (эзгулик илоҳлари) тўғри келади. Маънавий оламдаги Ахура Маздага жисмоний оламда Хшатра Варя (яъни кавайлар – арий ҳукмдорлари ҳукми) тўғри келади. Кейинги уч асосни Спента Армайити (фидойилик, тақводорлик рамзи), «моддий оламда заминни кўриқлагувчи, уни пок тутгувчи ва барака ато этувчи илоҳадир... жамийки мавжудотларни парвариш қилади»⁷⁰, у Ашаҳ – Арта илоҳи билан биргаликда коинотни бирлаштириб туради ва унинг тўғри ҳаракат қилишини бошқаради. Шунингдек, Хурдод («комиллик», «тўғрилиқ» маъноларга эга) ва Амурдод («умрбоқийлик», «абодият») илоҳалари жисмоний оламда инсонлар ва жониворлар соғлиғи муҳофазасида туриб, абадийлик ҳақида эслатиб турадилар, бунинг оқибати ва кўрсаткичи – чорванинг семиз ва ювош бўлишидир. Шундай қилиб, моддий оламнинг тузилиши ва ҳаракат қилиши маънавий олам тузилишига мувофиқдир.

– Олам Шаҳриёри, Эзгу Ният ва Ашаҳ – Ҳақиқат яхшиликларни ихтиёр этганларнинг қошига келдилар, уларга кудратли ҳаёт бахш айладилар.

⁶⁹ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик.// Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарк. 2001. – 8-б.

⁷⁰ Ўш а м а н б а. – 304-б.

Ҳақиқатда, Сенга тобе бўлганлар ва сенга насиб қилганлар темир синовлардан сўнг бахтга қовушадилар⁷¹.

(Ясна, 30-Ҳот, 7)

– Эй Маза Ахура!

Сендан ўтинаман, Ҳақиқат билан жавоб бер:

Сенинг паноҳингда менинг орзу ва аъмолим нечук рўёбга чиқади? Сенга қачон қовушаман? Қачон сўзларим амалга ошади? Қачон илоҳий калом – мансаралар билан энг яхши пешво бўлган Ҳақиқат нурлари остида одамларни ростлик ва абадият сари элтаман?

– Эй Мазда Ахура!

Сендан ўтинаман, Ҳақиқат билан жавоб бер:

Қандай қилиб, Ҳақиқат нурлари остида Сенинг розилигингни топаман?

Қандай қилиб ўнлик қудрат менга раҳбар ва йўлимни чароғон этувчи бўлади, токи улар билан ростлик ва абадиятга ноил бўлиб, ҳар иккисини ҳам инсонларга бахш айлайин⁷².

(Ясна, 44-Ҳот, 17)

Моддий дунёда борлиқнинг яна икки шакли – фазо ва вақт мавжуд. Масалан, Яснанинг 72-Ҳотида ва Ҳурмузд яштда Вайа (Войа) – ҳаво илоҳаси, Ром (Ромона) – яйловлар (яъни бутун ер юзи) илоҳаси (булар биргаликда фазони ифода этса) ҳамда чексиз ва узок, қайтарилмайдиган, ўтмишдан келажакка йўналган вақт ҳақида гап кетади:

... Олқиш ва дуолар, қудрат ва тавонолик орзу қиламан раюманд ва фарриҳманд Ахура Маздага, Амшосипандларга, кенг яйловли Мехрга, яхши яйловлар бағишлагувчи Ромга, учқур тулпорли, раюманд Куёшга ва забардаст Андравайга!...⁷³

(Ясна, 72-Ҳот, 9)

⁷¹ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик.// Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 10-б.

⁷² Ўша манба. – 21-б.

⁷³ Ўша манба. – 103-б.

... Ҳақиқат олий шарофатдир...»
Мадад бергил, Мазда! (Уч марта)
Эзгулик истовчи ҳимматлиларни
Ва худодод Вартрагнани
Зафар мақомига қилгил мушарраф.
Ромонанинг хуш яйловларин,
Ҳар нарсага қодир Войани
Муқаддас Рух – борлигинг ила
Ҳокимлигин мустаҳкам айла
Ва ҳудудсиз замон ато қил,
Ато қилгил энг узоқ замон.
«Ҳақиқат олий шарофатдир
Мушарраф бўлгай шарофатга ул
Ким Ҳақиқати шарофатдир олий⁷⁴.

(Хурмузд яшт, 33)

М.Н. Вольф фикрича, зардуштийликдаги «космологик ва онтологик тасаввурлар Қадимги Юнон файласуфлари қарашларига муайян даражада мутаносибдир. Зардуштийликда фазо ва вақт чексиз деб тушунилади. Фазо икки қисмга бўлинади: чексиз ёруғлик, Эзгулик доираси ва чексиз қоронгилик. Ёвузлик доираси. Ахура Мазда олами – ақл орқали англандиган доира, Ангро Майну олами – сезгилар орқали. Хурмазд чексиз вақтдан уч даврдан иборат бўлган чекланган вақт бўлагини яратади. Биринчи давр давомида олам намоён бўлмаган, идеал вариантда мавжуд бўлади, уни Афлотуннинг гоёлар дунёси билан таққослаш мумкин. Бунга моддий оламда юзага келишини кутиб турган «фравашлар», яъни тақводорлар руҳлари, тушунчаси туташган бўлади. Иккинчи давр давомида моддий олам яратилади, яратилиш давомида унга ёвузлик аралашади. Эзгулик ва ёвузлик аралашган доира, яъни ҳаёт

⁷⁴ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик.// Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 169–170-бетлар.

доираси яратилади. Учинчи давр – ер қаъридан чиққан олов ёрдамида оламни ёмонликдан тозалаш даври»⁷⁵.

Шундай қилиб, зардуштийликда вақт чизиқли ва чексиз деб тушунилади, унинг ичида муайян давр чегараланган, у тугагандан сўнг жисмоний олам ҳалок бўлади.

«Чексиз вақт» тушунчаси асотир ва ривоятларга асосланган тафаккурда, мифологияда пайдо бўлиши мумкин эмас, чунки бундай тафаккур циклли, қайтарилувчи вақт тушунчасидан фойдаланган. Бу тушунчада вақт қайтарилувчи йил, ой, кун, йил фасллари давомийлиги билан чекланган, яъни бундай вақт доим охирига етиб, тугаб, қайта бошланадиган вақтдир. «Чексиз вақт» тушунчаси фақат монотеистик, аниқроғи, эсхатологик тасаввурлар шаклланаётган даврда пайдо бўлади. Бу тасаввурларга кўра, девлар (ёвузлик тимсоли) кириб ташланади, тақводорлар гуноҳкорлар устидан ғалаба қозонади, олам қиёфаси бутунлай ўзгаради. М. Элиаденинг сўзлари билан айтганда, оламнинг «трансфигурация»си содир бўлади⁷⁶. Зардушт бу ходиса қачон содир бўлади деган савол билан Ахура Маздага муурожаат қилади:

– Эй Ахура!

Ўзинг билган нарсалардан мени огоҳ эт.

Ҳақиқатда, менинг андишам, менинг ақлим ва зеҳним капмакаш ва курашлардан бурун ашаваннинг дурванд устидан ғалаба қилишига ишониш учун кудрат топа билдим?

– Эй Мазда!

Ҳақиқатда, бу голиблик тирикликнинг яхшилик билан интиҳо топиши демакдир⁷⁷.

(*Ясна, 48-Ҳот, 2*)

⁷⁵ Вольф М.Н. Онтологические аспекты иранских влияний на раннюю греческую философию. – Диссертация на соискание ученой степени канд. филос. наук. – Новосибирск, 2003. – С. 36. -<http://www.nsu.ru/classics/Wolf/Kand-diss.htm#ch3>

⁷⁶ Элиаде М. История веры и религиозных идей. Т. I: От каменного века до элевсинских мистерий. – М.: Критерион, 2002. – Глава XIII: Заратустра и религии иранцев.

⁷⁷ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик // Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарк, 2001. – 25–26-бетлар.

Зардушт оламнинг айнан шундай ўзгаришини кутади:

– Эй Мазда! Эй Ашаҳ!, Эй Эзгу Ният!

Ҳақиқатда, мен Сизларга бутун борлигим билан талпинаман. Бас, бу дунё ҳаётининг барча баланду пастликлари ва эврилишлариди менга раҳнамо бўлинг; мен дилимнинг қаър-қаърларидан чиққан ва саловатлар билан ҳузурингизга шошилай⁷⁸.

(Ясна, 34-Ҳот, 6)

Ахура Маздадан бу дунёни тузатиш, ўзгартириш воситасини ошкор қилишни сўрайди:

– Эй Ахура!

Сендан ўтинаман, Ҳақиқат билан жавоб бер:

Сенинг эътиқодингни ўрганувчиларни ўз паноҳида асрагувчи бахтиёр ким?

– Эй Мазда!

Тирикликка дармон бахш этувчи малҳамни менга ошкора айлагил. Изн бергил, илоҳий калом ва Эзгу Ният Сенинг иродангни мувофиқ истаган кимсага юз кўрсатсин⁷⁹.

(Ясна, 44-Ҳот, 16)

«Охиратда эзгулик ва ёвузлик тарафдорлари ажрини кўрадимиз, такводорлар устунликка эга бўладимиз», – деб сўрайди Зардушт:

– Эй Мазда!

Сен ёниқ олов – Озаринг ва қизгин темирнинг воситасида ҳар икки гуруҳни ҳам имтиҳон қиласан ва жазо – мукофотингни лойиқ кўрасан. Ушбу фармонингдан тирикликда нишона қолдирасан: «Ранж ва зиён дурванд – девники, шодмонлик ва самара ашаван – Ҳақиқат аҳлиникидир⁸⁰.

(Ясна, 51-Ҳот, 9)

⁷⁸ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик // Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарк, 2001. – 16-б.

⁷⁹ Ўша манба. – 21-б.

⁸⁰ Ўша манба. – 30-б.

Зардушт таълимоти шакллана бошланган (тахминан эр. авв. VII асрдан бошлаб), ривожланган даврларда ҳамда зардуштийлик кўпхудоликка қайтган «Кичик Авесто» даврида «чизикли вақт» тушунчасидан фойдаланилган. Бу тушунча инсоният тарихининг тугатилиши, яъни Охират тўғрисидаги эсхатологик тасаввурдан бевосита келиб чиқади. Бундай вақт борликнинг бир нуқтасидан бир чизик бўйича ўзидан ўзи ёзилиб бораверади. Демак, бундай вақт фазовий тавсифларга ҳам эга, вақт фазо ва борлик билан бевосита боғлиқ.

М.Н. Вольфнинг тадқиқотларига кўра, зардуштийларнинг вақт тасаввури Қадимги Юнонда классик фалсафанинг шаклланишига таъсир кўрсатган. Бундай таъсир Анаксимандр ва Гераклит каби Қадимги Юноннинг илк файласуфлари қарашларида яққол кўзга ташланади⁸¹. Масалан, Анаксимандрнинг мавхум «апейрон» тушунчаси бир-бири билан бевосита боғлиқ, чексиз ва абадий борлиқ-фазо-вақтни ифодалайди. Унда барча нарса ва ходисалар пайдо бўлади. Бундай «жой» ҳақида Яснанинг 72-Ҳотида гап кетади:

... Унга фуруг ва фарр; тандурустлик ва тан пойдорлиги; тан фирўзлиги ва осойишталик; узоқ тириклик ва ашаванларнинг энг олий хилқати ҳамда ҳар нечук енгиллик бағишлагувчи ёруглик...⁸²

(Ясна, 72-Ҳот, 10)

Юқорида келтирилган мулоҳазалардан ҳозирги замон фалсафасида мавжуд борлиқ ҳақидаги тасаввурлар Авестода акс этган зардуштийлик таълимотидан бошланади деган хулосага келиш мумкин.

⁸¹ Вольф М.Н. Онтологические аспекты иранских влияний на раннюю греческую философию. – Диссертация на соискание ученой степени канд. филос. наук. – Новосибирск, 2003. – С. 49. -<http://www.nsu.ru/classics/Wolf/Kand-diss.htm#ch3>

⁸² Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик.// Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарк, 2001. – 104-б.

Л.А. Лелеков Зардушт таълимотининг ўта мавҳумлиги ҳақида сўз юритиб, шундай дейди: «Мавҳум, схоластик зардуштийликнинг ажратиб турувчи ва бошқа ҳинд-европа қабилалари ўртасида учрамайдиган хусусияти телеологиядир, яъни пировард натижаси башорат қилинган коинот яратилиши актининг азалдан муайян мақсадга мувофиқ амалга ошиб бориши, муайян дастурга эгалигидир. Зардуштийликда моддий дунё илоҳий онгда мавжуд бўлган номоддий, Афлотунникига ўхшаш архетиплар асосида яратилган.

Бу ўткинчи дунё эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш сахнаси хизматини бажаришга мўлжалланган, акс ҳолда, бу кураш абадий давом этади. Ҳеч қайси бошқа динда оламнинг яратилиши ҳамда илоҳнинг ўзи ёки воситачи – яратувчи ҳудодлар ёрдамида ўзига лойиқ бўлмаган ҳунармандчилик меҳнатига киришиши сабаблари тўғрисидаги масала қўйилмаган эди (Таврот бундан мустасно). Лекин унинг ваз-сабаблари (мотивлари) содда ва алоҳида инсон психикаси билан боғланмаган. Гностицизмнинг вужудга келишидан аввал Қадимги Юнон файласуфлари таълимотларида коинот яратилиши актини олдиндан режалаштириш фикри кимга керак бўлган экап деган савол туғилмаган ҳам. Худди шундай оламнинг яратилиши сабаблари ҳақидаги савол Қадимги Ҳиндистон файласуфларини ҳам ўйлантирмаган, чунки улар оламнинг яралишини худодлар пикоҳининг биологик оқибати сифатида тушунганлар. Худди шу сабабдан юнонлар ҳам, қадимги ҳиндлар ҳам ирода эркинлиги масаласини ишлашмаган, Зардушт эса бу муаммони ҳал этишга бутун вужуди билан берилган эди»⁸³.

Зардуштийлик таълимотида онтологик муаммоларни ҳал қилиш инсон муаммоси (фалсафий антропология) билан чамбарчас боғлиқ. Зардуштийликда инсоният тарихида илк бор инсон шахс сифатида кўрилади. Оламнинг ривожланиши инсон иродаси, унинг эзгулик ёки ёвузлик тарафдори бўлишига,

⁸³ Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М., 1992. – С. 29.

ташловига бевосита боғланган. «Ҳотлар ва шахсан пайгамбар Зардушт ғоявий дастуридаги энг муҳим асос – бу етарли даражада назарий бўлган субъектив Мен (Его) фалсафий концепциясидир, – дейди Л.А. Лелеков, – унга ҳаттоки Қадимги Юнон фалсафасида таққослаб бўладиган назария йўқдир. Жаҳон драмасининг натижаси субъектив Мен афзал кўрган нарсаларни, танлови ва қарорларига боғлиқдир. Худоларнинг ёвузлик легионларига қарши курашидаги муваффақияти оддий инсонлар ахлоқий танловининг сабаби эмас, аксинча, оқибати деб эълон қилинган. Зардуштийлик изчиллик билан ташқи ҳодисаларни индивидуал психика фаолиятининг натижаси сифатида тасвирловчи инсоният тарихидаги ягона дин бўлган ва расмий равишда шундай бўлиб қолмоқда... Зардушт таълимотида шахсга мисли кўрилмаган кўламдаги алоҳида ҳуқуқлар берилган: унинг шахсий ахлоқий танлови жуда юқорида, худолар ўртасидаги низолардан ловуллаган осмонда амалга ошади...»⁸⁴.

Ҳақиқатда энг эзгу таълим ростлик илми ва диноғохликдир.
– Эй Ахура Мазда!

Жамийки менга озор истовчилар ва кўнглимга даҳшат солаётганлар устидан ҳукм юритасан. Мен-да дурвандлар шарридан Сенинг дўстларингни асрагайдирман⁸⁵.

(Ясна, 32-Ҳот, 16)

Ҳеч қандай куч инсоннинг эзгулик ва ёвузлик орасида қилган танловидан келиб чиқадиган оқибатни бартараф этолмайди:

Шундай қилиб, амал ва сўзда Ашаҳ – Ҳақиқатдан бўйин товлаган, рост динли, эътиқодли кимсаларни йўлдан чалғитган

⁸⁴ Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М., 1992. – С. 29.

⁸⁵ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик // Аскар Маҳжам таржимаси. – Т.: Шарк, 2001. – 14-б.

дурванд – девнинг руҳ-равони «ҳакамлик кўприги» (пули сирот) да ошкора бўлгуси»⁸⁶.

(Ясна. 51-Ҳот, 13)

Мафкура ва дастур сифатидаги зардуштийликнинг моҳияти муқаддас оловлар ёқиш ва ўликларни тоғу тошлар ёки даҳма-ларга олиб чиқиш, қисқаси, диний маросимларни адо этишда эмас, балки инсон олдига қўйилган эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабаси каби ҳаққоний иш тарафдори бўлиш ва бу билан ушбу тантанани яқинлаштириш ахлоқий талабидан иборатдир. Бунга мувофиқ равишда ҳар бир инсоннинг шахсий тақдири ўзининг хоҳиш-истаги, иродаси орқали ҳал бўлади. Бу ишга политеизм худоларининг аралашшига ҳожати йўқ, акс ҳолда, инсондаги ахлоқий тамойилларга бўлган эҳтиёж йўққа чиқади. Айнан шунинг учун Зардушт Митра, Вайа каби худолар исми-ни тилга олишдан қочарди.

Авом халқ жамоавий онгига бундай таълимотлар тўғри келмасди. Барча тарихий даврларда ибтидоий жамоа топинишлари инсоннинг кучсиз руҳига нисбатан ташқи илоҳий кучларнинг аралашшига умидворликдан келиб чиққан. Шунинг учун Зардуштдан кейинги даврда зардуштийликда халоскор – са-ошьянт сиймоси пайдо бўлади ва диндорлар бўйнидан ёвузлик билан кураш олиб боришдек оғир масъулиятни олиб ташлай-ди, Зардушт эса илоҳийлаштирилади. Худи шундай эволюция кейинчалик буддавийликда ва насронийликда содир бўлади. Ушбу жиҳатдан уч жаҳон дини типологияси бир-бирига тўғри келади. Бу ҳол жамият ривожланишининг ижтимоий-сиёсий жараёнларининг яқинлиги билан шартланган. «Ҳотларда ил-гари сурилган фикрлар Платон ғоялари ва Будда медитацияла-рига яқин, айтиш жоизки, унисидан ҳам, бунисидан ҳам юқори даражада тизимли бўлгани билан фарқ қилади. Ригведада ин-дивиднинг ахлоқий масъулияти, эсхатология, ирода эркинли-

⁸⁶ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик.// Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарк. 2001. – 30-б.

ги, эзгулик ва ёвузликнинг коинот миқёсидаги кураши ҳақида бирор гап йўқ»⁸⁷.

«Хорижий авестошуносларнинг умумий ишончига кўра, яратувчи олдида ўз масъулиятини сезувчи ва худо амри билан айбланувчи, назарий фикр юритувчи диний онгининг эркинликка чиқиши (эмансипацияси)ни Зардушт таълимотининг энг фундаментал хусусияти деб эътироф этиш лозим»⁸⁸.

Авестошунослар зардуштийлик таълимотига нисбатан «дуализм» тушунчасини кенг ишлатадилар. Дуализм Марказий Осиё ва Эронда тарқалган турли диний оқимларга хос бўлиб, унинг асосий ҳолатлари Ҳотларда акс этган, яъни икки бошланғич асос бўлмиш Эзгу рух ва Ёвуз рух мавжудлиги эътироф этилади. Келиб чиқиш ва шаклланиш жараёнлари, борлиқнинг ўзи, унинг йўқликка айланиши турли оқимларда турлича тушунилган бўлса-да, ёвуз бошланғич асос ҳақидаги тасаввур барчасида мавжуд. Айнан ёвуз бошланғич асоснинг мавжудлиги борлиқнинг иккига бўлиниши, моддий оламнинг яратилиши, унда содир бўлаётган ўзгаришлар, унинг йўқликка ўтиб боришига туртки бўлади.

Охирги йилларда напир этилган адабиётларда Авестода тасвирланган дуализм ГАРБий Европада ашънавий тушуниланган дуализмдан тубдан фарқ қилиши таъкидланади. Масалан, М.Н. Вольфнинг фикрига кўра, Авестодаги *gētīg* ва *mēnōg* (моддий ва маънавий дунё) тушунчалари «эзгулик-ёвузлик» тушунчалари билан биргаликда кўрилганда «кўш» онтологик дуализм келиб чиқади. «Эрон дуализмида «эзгулик-ёвузлик» даражаси «номоддий-моддий» ёки «хиссий олам-маънавий олам» даражасига тўғри келмайди. Эзгулик ва ёвузлик субстанционал (ахлоқий эмас) бошланғич асослар сифатида азалдан *mēnōg* (хиссий бўлмаган, маънавий) даражасида бир-бирига қарши туради. Дуализмнинг бошқа шакли – *mēnōg* ва *gētīg*ларнинг вертикал нисбатида уларнинг моддий ва маънавий дунё-

⁸⁷ Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М., 1992. – С. 46.

⁸⁸ Ўша манба. – С. 84.

лар сифатида бир-бирига қарши туриши намоён бўлади, лекин бунда аксиологик кутблар (эзгулик-ёвузлик) юклатилмайди. Бу вазиятда материя Рух (mēpōg)нинг энг олий ва мукамал жиҳати сифатида тушунилади. Моддий воқелик, гарчи ёвузлик томонидан бузилган тақдирда ҳам, маънавий ҳолатни амалга ошириш (реализация) усулларидан бири ва материядан холи бўлган ёвузлик кучларига қарши курашнинг энг яхши воситаси сифатида тушунилади. Ушбу схема, принципиал равишда, моҳиятан дуалистик бўлиб, ғарбий анъанада унга мувофиқлик (тўғри келадиган тушунча ёки таълимот) йўк»⁸⁹.

Маълумки, Қадимги Юнонда ва яхудий-насоний анъаналарида мавжуд бўлган онтологик концепциялар кейинги даврда Ғарбий Европа илмий онтологиясининг асосини ташкил этган. Улар таркибида дуалистик майллар бўлган, лекин, масалаи, онтологик нуқтаи назардан кўрилган насронийлик таълимотида моддий дунё, моддий воқелик, материя – ёвузлик тимсоли сифатида тушунилади. М.Н. Вольфнинг юқорида келтирилган зардуштийликдаги «кўш» онтологик дуализм ҳақидаги фикри Зардушт таълимотининг нафақат мавҳумлиги, балки унинг мураккаблигидан ҳам далолат беради. Ҳозирги замон фалсафасида мураккаб ташкил этилган объектлар, ночизикли тафаккур, мураккаб ташкил этилган тафаккур билан боғлиқ муаммолар Зардушт тафаккури ва таълимотига ҳамоҳанг бўлиб кўришмоқда. М.Н. Вольф бу борада қуйидаги фикрни билдиради: «Ғарбий Европа маданий анъанасига нисбатан зардуштийлик таълимотидаги онтологик ғоялар онтология ривожланишининг альтернатив йўли, шунингдек, зардуштийликдаги онтологик дуализм аҳамиятли даражада эвристик (билим орттирувчи) потенциалга эга; шу сабабли бу йўналишдаги тадқиқотларни давом эттириш долзарб ва истикболлидир»⁹⁰. Республикамиз

⁸⁹ *Вольф М.Н.* Онтологические аспекты иранских влияний на раннюю греческую философию. – Диссертация на соискание ученой степени канд. филос. наук. – Новосибирск, 2003. – С. 30. – <http://www.nsu.ru/classics/Wolf/Kand-diss.htm#ch3>

⁹⁰ *Вольф М.Н.* Онтологические аспекты иранских влияний на раннюю греческую философию. – Диссертация на соискание ученой степени канд. филос. наук. – Новосибирск, 2003. – С. 30. – <http://www.nsu.ru/classics/Wolf/Kand-diss.htm#ch3>

тадқиқотчилари олдида бу ғояларни чуқур ўрганиш, ҳозирги давр фалсафасида мавжуд ғоялар билан таққослаш ва рационал томонларидан фойдаланиш, улар билан жаҳон ҳамжамиятини таништириш каби вазифаларни ҳал этиш кун тартибига кўйилмоқда.

Шундай қилиб, Зардушт таълимотида ўша давр учун инновацион бўлган чуқур фалсафий ғоялар илгари сурилган. Бу ғоялар диний тушунчалар орқали ифодаланган бўлишига қарамадан, кейинги даврларда пайдо бўлган насронийлик дини, монийлик ва гностицизм оқимлари, Қадимги Юнон фалсафасининг шаклланишига муайян даражада таъсир қилган. Шу билан бирга, бу ғоялар ичида шундай ғоялар борки, улар XXI аср фалсафий ва илмий фикри учун инновацион характерга эга.

Низорат саволлари:

- 1. Марказий Осиё ва Эронда моҳиятан фалсафий бўлган ғоя ва концепциялар тизимининг шаклланиши масаласи тўғрисида сўзлаб беринг.*
- 2. Мифологик дунёқарашнинг фалсафий дунёқарашга ўтиши хусусиятлари ва жараёнининг зардуштийлик таълимотида кузатилиши тўғрисида сўзлаб беринг.*
- 3. Зардуштийликда оламнинг вертикал тузилиши қандай тасвирланган?*
- 4. Зардушт таълимотида борлиқнинг иккига бўлиниши, «миёну» ва «гетиг», «тириклик» ва «нотириклик» тушунчалари ҳақида сўзлаб беринг.*
- 5. Зардуштийлик таълимотига кўра инсоннинг борлиқда тутган ўрни қандай?*
- 6. Зардуштийликда моддий ва маънавий оламлар тузилиши қандай?*
- 7. Зардуштийлик таълимотида «фазо» ва «вақт» тушунчалари қандай ифодаланган.*
- 8. Зардуштийлик таълимотига кўра фазо ва вақт тузилиши ҳақида сўзлаб беринг.*
- 9. Борлиқнинг ривожланиши қандай даврларга бўлинган?*

10. Зардушт таълимоти бўйича олам қандай сабабларга кўра яратилган?
11. Зардуштийликдаги халоскор – саошьянт сиймосининг пайдо бўлиши сабаблари нималар билан тушунтирилади?

Мустақил иш (реферат) мавзулари:

1. Зардушт таълимотида борлиқ концепцияси.
2. Зардуштийликда инсон муаммосининг қўйилиши.
3. Зардуштийлик таълимотида фазо ва вақт муаммоси.
4. Марказий Осиё ва Эронда моҳиятан фалсафий бўлган гоя ва концепциялар тизимининг шаклланганлиги масаласи.
5. Мифологик дунёқарашнинг фалсафий дунёқарашга ўтиш хусусиятлари ва жараённинг зардуштийлик таълимотида кузатилиши.
6. Зардушт таълимоти бўйича оламнинг яратилиши сабаблари.

ЗАРДУШТИЙЛИКНИНГ ДИНИЙ-АХЛОҚИЙ ҒОЯЛАРИ

У ёки бу тарихий ҳодисанинг диний-фалсафий, ижтимоий-ахлоқий моҳиятини очиб беришда нафақат у билан боғлиқ бўлган воқеалар, далиллар ва ҳодисалар, балки унинг содир бўлиши, мазмуни ва йўналишининг ўзгаришига кўмаклашган ижтимоий-тарихий замин ҳам катта аҳамият касб этади. Ҳар қандай тарихий ёдгорлик қуйидагиларни акс этади: биринчидан, у юзага келган даврнинг моддий-иктисодий ва ижтимоий асоси; иккинчидан, ушбу ёдгорликни яратган одамларнинг асосий ғоялари ва ахлоқий тамойиллари; учинчидан, гоя ва қарашларни ифода этиш жараёнида этномаданий, ахлоқий, фалсафий мероснинг вужудга келиши.

Авестонинг ижтимоий-тарихий ва ахлоқий-фалсафий борлиги (мавжудлиги)ни аниқлашнинг мураккаблиги шундаки, ушбу ёдгорлик ўз ичига хронологик жиҳатдан бир-биридан узоқ турган гоя ва воқеаларни олиши билан бирга, инсоният маънавиятининг «болалик» даврига хос бўлган хусусиятлар-

ни сақлаб келади. Авестода келтирилган олам манзараси кошкор (мозаичный), зиддиятли, кўп ҳолларда мантиққа тўғри келмаганлиги турли эҳтимоллар, фаразлар ва шарҳлар пайдо бўлишига замин яратди.

Ҳар қандай фалсафий тизимда инсон муаммоси, унинг дунёқараши ва маънавий-ахлоқий дунёси масалалари муайян ўрин эгаллайди. Шунингдек, шахслараро муносабатларни такомиллаштириш масаласини ҳал этишга, жамият ижтимоий-сиёсий тузилишини тапқил этишга ёрдам беради. Авестода биз нафақат инсонлараро муносабатларнинг секин-аста юқори маданиятли (цивилизацияли) даражага ўтиб бориши билан боғлиқ жараёнларни, шунингдек, халқ хотирасида одамлар турмуш тарзининг ўзига хос локомотиви бўлиб хизмат қилган турли тарихий анъаналар, ахлоқий-эстетик тамойилларнинг сақланиб келишини кузатамиз. Буларни Авестонинг сақланиб қолган Гоҳлар, Ясна, Яштлар, Видевдод қисмларида ҳам, янги тузилган Динкард ва Бундахишн қисмларида ҳам аниқ кўриш мумкин.

Авестога кўра, инсон ҳаёти унинг моҳияти, қанчалик эзгулик ғоясига содиқ эканлиги, эзгулик учун кураш олиб бориш ва уни ўз хатти-ҳаракатлари, фаолиятида амалга оширишга тайёр эканлиги билан боғлиқдир. Президентимиз Ислоом Каримовнинг таъкидлашича, «Авесто»нинг туб маъно-моҳиятини белгилаб берадиган «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» деган тамойилини оладиган бўлсак, унда ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли бўлган сабоқлар борлигини кўриш мумкин. Ана шундай фикрлар, яъни эзгу ният, сўз ва иш бирлигини жамият ҳаётининг устувор ғояси сифатида талқин этиш бизнинг бугунги маънавий идеалларимиз билан нақадар узвий боғлиқ, нечоғлиқ мустаҳкам ҳаётий асосга эга экани, айниқса, эътиборлидир»⁹¹.

Инсонларнинг ахлоқий хатти-ҳаракатлари уларнинг моҳиятини, ёвуз кучлар устидан ғалаба қозонишга интилувчи Ахура

⁹¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 32-б.

Мазда ният ва мақсадларига қанчалик содиқ эканлигини ифода-
далайди. Фақат юқори ахлоқ, мажбурият ва масъулият ҳисси-
га эга инсон эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалаба қозонишига
ёрдам бериши мумкин. Тубан ахлоқли инсон эса кучсиздир ва
осонлик билан Анхра Майнью тузоғига илинади.

– Эй хушёрлар!

Қулоқларингиз билан пухта эшитингиз энг эзгу каломларни ва
ёруғ ният билан – хоҳ эр, хоҳ аёл – ҳар бирингиз назар таплагиниз,
то буюк ходиса рўй бермасдан ва одимларимиз сўнгги манзилга
етмасдан икки йўлдан бирини ўзингиз ихтиёр этингиз-да, бу ка-
ломларни ўзгаларга ҳам етказингиз!⁹²

(Ясна, 30-Ҳот, 2)

Бундай ҳикмат эгаси Заратуштрадир. У барча Аҳура Маз-
дага қулоқ солган, сўзлари хатти-ҳаракатларига зид бўлмаган
кишиларни мадҳ қилади.

Тарихий, археологик ва этнографик тадқиқотлар аجدодла-
римиз ахлоқий онги, хулқ-атвор меъёрлари дастлаб ҳикматлар,
тақводорларча ҳаёт кечирини ва шахслараро муносабатларнинг
амалий қоидалари мажмуаси сифатида намоён бўлган. Ушбу
қоидаларга қурилган ўзаро муносабатлар ҳамфикрлик, ҳам-
жиҳатлик, одамларнинг бир-бирига эътиқодли бўлиш муҳи-
тини яратган ҳамда ахлоқий меъёрлар ва қоидаларнинг ижти-
моий аҳамиятини мустаҳкамлаган. Мазкур умумий эътиқодли
ўзаро муносабатларга ёлғон, зўравонлик, ҳасад, ўғирлик каби
ахлоқий иллатлар ёт бўлган.

Атроф муҳитга мослашиш, тирик қолиш, озиқ-овқат излаб
топиш, меҳнат қуроллари яшаш, биргалликда меҳнат қилиш ва
табиий офатларга қарши курашнинг афзаллиги ва ҳоказолар
салбий иллатларнинг пайдо бўлиши ва мавжуд бўлишини ис-
тисно қилган. Дастлаб ахлоқий меъёрларга риоя қилиш барча
ва ҳар бир киши учун шарт бўлган. Инсон ва жамият ўртаси-

⁹² Авесто.// Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарк, 2001. – 10-б.

даги ўзаро муносабатлар, шахслараро муносабатлар мураккаб-лашгани сари, биринчидан, ахлоқ инсоннинг маънавий-диний ва ижтимоий борлиги сифатида шаклланади ва ривожланади; иккинчидан, ахлоқий тамойиллар моҳияти ва чегаралари кенгайиб боради. У ёки бу қабилалар ва халқлар ҳаётида ўрнашган ахлоқий иқлим уларнинг маданий-тарихий ривожланиши натижаси бўлган. Ушбу иқлимнинг баъзи хусусиятлари ҳозирги замон халқлари ахлоқий кодексининг ажралмас қисмини ташкил қилади.

Ибтидоий жамоада мифологик, диний-фалсафий, ахлоқий ва эстетик, ижтимоий ишлаб чиқаришга оид, ҳуқуқий ва бошқа тасаввурлар одамлар онгида қоришган, бир-биридан ажралмаган ҳолда мавжуд бўлган. Кейинчалик, маълум бўлишича, бу тасаввурлар ижтимоий оннинг мустақил шаклига айланади, лекин уларнинг бир-бирига бўлган таъсири сақланиб қолади. Улар асосида муайян тарихий даврда яшаган ҳамда жамият ривожланишининг муайян даражасида турган у ёки бу халқнинг дунёқараши шаклланади, синтези амалга ошади.

Ҳозирги замон одамларининг диний, фалсафий, ахлоқий ва эстетик тасаввурларининг диалектик бирлиги ижтимоий он шаклиларининг қонуниятга асосланган ўзаро таъсирининг акси бўлиб, инсоннинг маънавий камол топишидан далолат беради.

Олижаноб ахлоқий фазилатлар, жисмоний куч, тубан ахлоқий қилмишлар, шунингдек, жисмоний ва маънавий мажруҳликка қарши туриш ибтидоий одамлар ахлоқининг асосий негизини ташкил этган.

Ахлоқий меъёрлар ва тамойиллар кўп асрлар давомида шаклланади. Ижтимоий-тарихий тажрибанинг кенгайиши, ортиши ва ногаҳон ақлий салоҳиятнинг вужудга келиши оқибатида, инсон онининг ривожланиши давомида секин-аста ахлоқий кўрсатмаларнинг бир мажмуага бирлашиши ва тизимлаштирилишига асос бўлган.

Авестода қайд этилган ахлоқий ғоялар ибтидоий жамоа тузумида мавжуд бўлган энг қадимги ахлоқий тасаввурларнинг

коришмаси бўлиб, кейинги даврларда ижтимоий-тарихий шарт-шароитларга мувофиқ равишда ўзгарган, бойиган ва ривожланган.

Ижтимоий-тарихий ўзгаришлар фалокатлар ва ҳалокатлар натижасида одамлар диний-фалсафий ва ахлоқий онгида нафақат диффузион ўзгаришлар содир бўлган, балки янги интеграцион (бирлаштирувчи) жараёнлар ҳам кечган. Ушбу маънода, Авесто инсон ҳаётининг турли даврлари ва босқичларини ҳамда унинг маънавий улғайишини акс эттирувчи ўзига хос энциклопедиядир. Шунинг учун Авестода ҳаёт асогир, ривоят ва афсоналар орқали акс этирилган (мифологизация қилинган), улар (мифология) эса, ўз навбатида, ҳаётийлик хусусиятига эга. Масалан, Авестода ҳозирги давр дунёқараши ва тафаккурига тушунарли бўлган фикр, сўз ва амалнинг бирлиги тўғрисидаги гоё мифологик образлар орқали ифодаланган:

– Кимда-ким Сипандмийну сиймосида энг хуш рафторга эгадир ва тили Эзгу Ният билан бийрондир, ўшанинг илки Ормантий – Комил Ақл билан ҳаракат қилади ва биргина андишага дилдан икром:

Мазда Ашаҳ – Ҳақиқатнинг отасидир.⁹³

(Ясна, 47-Ҳот, 2)

Шу билан бирга, зардуштийлик ахлоқида мифологик қатлам секин-аста иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлиб, оптимистик руҳ бағишлайдиган, онг ва ахлоқ шахмат ўйинида инсон асосий сипоҳ деган фикрни мустаҳкамлайдиган ахлоқий меъёрлар устун келади.

Зардуштийлик этикаси дуалистик характерга эга. Лекин илоҳ Ахура Мазда табиий белгилардан холи. У – рухдир – эзгулик, ҳақиқат ва олижанобликни ўзида мужассам этувчи, эзгу, муқаддас рухдир. Шунинг учун «Мазда» сўзи этимологик жиҳатдан «донишмандлик» маъносига эга. Унинг азалий

⁹³ Авесто.// Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарк, 2001. – 25-б.

душмани – Анхра Майнью ҳам худди шундай руҳдир, лекин у ёвузлик, ёлгон ва турли иллатлар руҳдир.

Асосий бир-бирига қарши турувчи кучлар, кейин келадиган иккинчи даражали илоҳлар ҳам дуалистик ахлоқий хусусиятларга эга. «Иккинчи даражали илоҳлар ҳам ўзида, асосан, ахлоқий фазилатларни мужассам этади: олти «абადий, мангу авлиёлардан Воху-Мана ўзида эзгу ақлни мужассам этади, Аша-Вахишта – олий муқаддаслик, олижаноблик, ҳақиқат ва саодатни, Гарвахат – фаровонлик ва саломатликни ва ҳ.к. Диний образларнинг бундай бўрттириб кўрсатилган ахлоқий жиҳати маздаясна динининг уни бошқа миллий динлардан ажратиб турувчи яна бир белгисидир»⁹⁴.

Аҳура Мазда томонидан яратилган инсоннинг ахлоқий қиёфаси Анхра Майньюга қарши курашда инсон қайси йўлни танлашига боғлиқ. Ушбу танловга боғлиқ равишда у ўзида ё яратувчи, ёки бузғунчи кучни мужассам этади.

Зардуштийлик ахлоқининг асосий негизи – Муқаддас руҳ аҳдларини тақволи бажариш ва бунинг оқибатида ҳаётда осойишталик, хузур-ҳаловатга эришиш, оила қуриш, фарзандли бўлиш, молларни кўпайтиришдир.

Агар қадимги Авесто (Ясна)да чорвадорлар меҳнати улуғланган бўлса, Видевдодда деҳқон меҳнатини мадҳ этувчи янгилик киритилган:

– Эй оламни яратган Зот! Эй Ҳақиқат!

Заминни ҳаммадан кўра кўпроқ бахтиёр қилган тўртинчи шахс ким?

Аҳура Мазда жавоб берди:

– Эй Сипийтмон Зардушт!

У ҳаммадан кўп буғдой, гиёҳ ва мевали дарахтлар эккан зотдир! У қуруқ ерларга сув чиқарган ва сувли ерларни шудгор қилган зотдир.

(Вандидод, учинчи фарғард, 23)

⁹⁴ Токарев С.А. Религия в истории народов мира. – М.: Полигиздат, 1976. – С. 346.

– Узоқ замон экилмаган ва омоч тегмаган замин бахтсиздир. У омочни орзу қилади. Бундай замин балоғат палласига кирган соҳибжамол киздир. Бу қиз фарзанд кўриш ва яхши ёстикдошга интиқдир.

(Вандидод, учинчи фарғард, 24)

– Эй Сипийтмон Зардушт!

Кимда-ким заминни чап ва ўнг қўл билан, ўнг қўл ва чап қўл билан шудгор қилса, замин унга фаровонлик бахш этади. У гўзал ва покиза қизга ўхшайди. Бу қиз эр хонадонига кириб бориб, ўз тўшагида ҳалол ёстикдошига фарзандлар тугиб беради. Замин ҳам мўл-кўл меваларини инъом этади.

(Вандидод, учинчи фарғард, 25)

– Эй мард! Эй мени чап ва ўнг қўл билан, ўнг ва чап қўл билан шудгор қилган зот!

Одамлар ҳамиша бу ерга келадилар ва нон сўрайдилар. Мен бу ерда ҳосилга кираман, сен учун ҳар турли хўрак ва мўл-кўл бугдой етиштираман»⁹⁵

(Вандидод, учинчи фарғард, 26, 27)

Юқорида келтирилган сатрлардан кўриниб турганидек, жонлантирилган Ахура Мазданинг образи орқали ифодаланган зардуштийликнинг ахлоқий этикага оид мезонлари, мифологик қобигига қарамасдан, ҳаётийдир. Инсон ижтимоий мавжудот сифатида англанади, меҳнат маънавий жиҳатдан яхшиланган ҳамда жамият, оила ва мамлакатни боқиш ва таъминлашга йўналтирилган.

– Маздаясна этикодининг маъноси нимада?

Ахура Мазда жавоб беради:

– Бугдой эқмоқ ва яна бугдой эқмоқ.

⁹⁵ Авесто.// Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарк, 2001. – 114–115-бетлар.

Кимда-ким буғдой экса, у Ашах (Ҳақиқат)ни экади. У Мазда динини яна ва яна кўқартиради. У Мазда динини юзлаб ҳамду сано, назру ниёз ва ўн минглаб қурбонликлар билан қувватлан-тиргандек қудратли қилади⁹⁶.

(Вандидод, учинчи фарғард, 30, 31)

Ахура Мазданинг ушбу аҳди зардуштийлик дини ғоялари инсон онгининг ҳаётий нурлар билан озикланганлиги, инсон онги эса тафаккурнинг мифологик даражасига мувофиқ бўлган ғоя ва фикрлар билан ўралганлигидан далолат беради.

Ушбу стихияли ахлоқий-фалсафий тафаккурда инсон моҳияти жамият шарафи учун қилинадиган тақволи меҳнатнинг патижаси сифатида тушунилади. Зардуштийлик этикасининг олий инсонпарвар жўшқинлиги айнан шу билан тавсифланади. Ўзгу ишлар нафақат тақводорлик кўзгуси, балки инсон онги ва меҳнати билан амалга ошириладиган яратувчи фаолиятнинг намоён бўлишидир. Инсон оламни ҳар доим муайян таъсирлар остида идрок этади, бунда унинг фикрлари, сўзлари ва амаллари ушбу таъсирларга боғлиқ равишда пайдо бўлади ва ўзгаради. Ахура Мазда руҳи таъсири остида эзгу амалларда ифодаланадиган эзгу фикрлар, эзгу сўзлар вужудга келади; Анхра Майнью таъсири остида фикрлар, сўзлар ёвузлик билан қўшилиб, ёмон, нохуш ва ножўя қилмиш-қидирмиш ҳаракатларда намоён бўлади.

«Эзгу фикр» тушунчаси инсоннинг ички соф ва шаффофияти, хайрихоҳлиги билан боғлиқ чуқур маънога эга. Булар, зардуштийлар фикрига кўра, одамлар, табиат ва жамиятга қаратилган диққат-эътиборида ҳамда нафақат оила, балки қабила, жамият фаровонлигини орттириш, барча одамларнинг бир-бири билан тинч ва тотув, ҳамжиҳатликда ҳаёт кечиришида ифодаланади. Инсон ўз фикр-хаёлларида ёмон, беадаб хоҳиш-истаклар, тийиб бўлмайдиган жаҳл ва ғазабга бормас-

⁹⁶ Авесто.// Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 115-бет.

лиги, оила ва қабила олдидаги мажбуриятларини эсда тутиши, адолатга интилиши керак. Шунингдек, ўртамиёна ва оғир, вазмин бўлиш, ўз онги (хаёли)дан такаббурлик, ҳасадни чиқариб ташлаш, шафқатсиз бўлмаслик ва қонунга хилоф ишлар қилмаслиги каби фазилатлар «эзгу фикр» моҳиятини ифодалайди.

«Эзгу сўз» тамойили яқинларини ҳамда қабила, жамиятнинг барча аъзоларини ҳақорат қилмаслик, нафсониятига тегмаслик, ваъда ва шартномаларни амалга оширишда виждонли ва инсофли бўлиш, бошқа одамлар ҳақида уларга қаттиқ тегадиган, айил ботадиган гаплар, фикрлар тарқатмаслик қабиларда ифодаланади.

Маданий-тарихий ривожланиш давомида қуйидаги ахлоқий тамойиллар қонунийлаштирилган ва тарқатилган: 1) ўғирлик қилмаслик; 2) ўзгалар мулкига кўз олайтирмаслик, тажовуз қилмаслик; 3) ўзгалар шаъни, қадр-қимматини камситувчи, нафсониятига тегадиган қилмишлар, жиноятлар содир этмаслик.

Ушбу диний-ахлоқий меъёрлар ва тамойиллар зардуштийликда ижтимоий-фалсафий ва ҳуқуқий мазмунга эга бўлди. Ушбу ахлоқий тамойиллардаги ўзгалар мулкини эгаллашга ҳеч қимнинг ҳақи йўқлиги тўғрисидаги кўрсатма мазкур тамойилга риоя қилаётган одамлар, қабилалар ва халқлар уруғдошликка асосланган тузумнинг емирилиши, мулкий тенгсизликнинг шаклланиши ва мустаҳкамланиши даврида яшаганликларидан далолат беради. Шундай қилиб, зардуштийлик динидаги ахлоқий меъёрлар аста-секин жамият ҳаётининг ижтимоий соҳасига ўтиб боради.

«Ясна»да зардуштийлик ахлоқий тамойилларининг ижтимоий-фалсафий мазмунини аниқ кузатиш мумкин. Зардуштийликка кўра, икки дастлабки (бирламчи) руҳлар оламга ҳаётни – Ахура Мазда, вайроналик (бузгунчилик)ни – Анхра Майнью олиб келади. Ахура Мазда яратган барча нарсалар ичида чорва биринчи ўринда туради. Инсоннинг вазифаси уни тинч яйловлар ва ем-хашак билан таъминлашдан иборат.

«Девлар ихлосмандлари, Анхра Майнью рухига сажда килувчилар тинч, ювош чорвадорларнинг энг ёвуз душманларидир. Улар чорва ва Қуёпни ҳақорат қиладилар, яйловларни хароб қиладилар ва Арта одамларига қарши қурол кўтарадилар.

Улар тинч чўпонга зўравонлик қилмасдан яшолмайдилар, гарчи у на чорва, на одамларга ҳеч қандай ёмонлик қилмаса ҳам. Улар ҳам хонадонга ва кишлокка, ҳам худудга, ҳам мамлакатга қашпоқлик ва хароблик олиб келадилар»⁹⁷.

Бу ерда одамларнинг дунёқараши инсон ижтимоий борлиғи билан қанчалик боғлиқ бўлганлиги яққол кўзга ташланиб турибди. Зардуштийлик ахлоқи ҳар қандай вазиятда эзгулик ва яратувчилик билан боғлиқ инсон манфаатларини ифода этган.

– Каранялар – девпарастлар бу дунёнинг адолат ва ростлик асосида барқарор бўлишини истамайдилар. Улар ўз кирдорлари ва таълимотлари билан жаҳонни обод қилгувчиларни тубанлик ва расволик чоҳига томон тортадилар. Бироқ шундай таълимотлар ҳам бордирки, уларни – девпараст қарапларни дуруж номи – дўзах қаърига ташлагай⁹⁸.

(Ясна, 51-Ҳот, 14)

– Эй Мазда!

Одамлар, бу башар аҳли қачон Сенинг таълимотингдан тўқис оғоҳ бўладилар? Қачон бу май палидликларини бартараф айлайсан, токи бадкор каранон одамларни унинг воситасида чалғитмасин ва олам ҳукмдорлари у туфайли сарзаминларни девоналарча бошқармасинлар!⁹⁹

(Ясна, 48-Ҳот, 10)

⁹⁷ Тематические пересказы В.И. Абаева.// Авеста в русских переводах (1861–1996). – СПб, 1998. – С. 144.

⁹⁸ Авесто.// Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 30-б.

⁹⁹ Ўша манба. 2001. – 26-б.

Шоядки, Комил Ақл – Ормантий партави остида солих, нек кирдор ва донишманд ҳукмдорлар бошимизда ҳукмронлик қилса.

Бадкирдор ва золим ҳукмдорлардан Яратгувчининг Ўзи ас-расин!

Пок ва беайб туғилмоқ, ёзиксиз дунёга қадам қўймоқ одамлар тақдири ва тириклигида нечоғли улуг толедир.

Оламнинг ободлиги, жаҳоннинг осойишталиги учун жидду жаҳд қилмоқ, уни асрамоқ ва ёруғликка томон элтмоқ керак¹⁰⁰.

(Ясна, 48-Ҳот, 5)

«Ард-Яшт» тўлалигича Ахура Mazda қизи Аша – Эзгу тақдир ва саодат илоҳий маъбудасига бағишланган. Аша соғлик-саломатлик ва эзгуликни ифодаловчи, буюк, гўзал, шухратли, қудратли, кучли маъбудадир Унинг оёғи қаерга етмасин, одамлар шод-хуррам бўлади, уй-жойлар хуш ис таратади, бола-чақалар, авлодлар улғаяди. Аша меҳр-марҳамати туфайли:

Ва суюмли хотинлари ҳам
Ўлтирадир ётоқда хушрўй,
Тартиб билан терилган сўлим
Ёстиклари-да
Олгинлари порлар уларнинг,
Порлар зебу зийнатлари ҳам.
Билакузук, шода мунчоклар,
Тўрт қиррали сирғалар тақиб
Бир-бири-ла сирлашадирлар:
«Қачон келар хўжайинимиз?
Қачон роҳатланурмиз суюб,
Суюмли тан лаззатларидан?»
... О, қудратли, фаровон Аша,
Келгил, ҳамроҳ бўлгил менга ҳам¹⁰¹.

(Яшт, «Ард-яшт» 10)

¹⁰⁰ Авесто.// Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 26-б

¹⁰¹ Ўша манба. – 209-б

И.М. Стеблин-Каменский «Ард-Яшт»нинг шу жойига шарҳ бериб, тахмин қиладики: «Нариги дунёда кутиб турган жаннат ва унинг парилари (хурлари) тўғрисидаги мусулмонларнинг тасавурлари шу сатрлар таъсирида шаклланган бўлиши мумкин, Куръон билан таққослаганда: «... Улар ўз жуфтлари билан бирга соя-салқин жойлардаги сўриларда ястаниб ўтирурлар. Улар учун у жойда турли-туман мева-чевалар мавжуддир ва уларнинг хоҳиш-истаклари учун барча нарсалар ҳозирдир...» (36-сура, 56–57-оятлар)¹⁰²

Авестонинг ахлоқий мажмуасида инсонга Аҳура Мазда яратган нарсаларнинг ҳимоячиси ва уларга мангулик бахш эувчи вазифаси юклатилган, шу туфайли унинг ўзи бахт-саодатга эришади. Лекин бу бахт-саодат шахсий хузур-ҳаловат сифатида эмас, балки ўзгалар бахт-саодатини таъминловчи шарт-шароитлар учун кураш натижаси сифатида тушунилади:

Мазда бунёд этган
Жумла мавжудотдан
Даф айлайин ташналикни,
Очликни-да, мухтожликни.
Мазда ато қилган
Бори мавжудотни
Халос айлай қариликдан
Ва ўлимдан.
Мазда бунёд этган
Жумла мавжудотдан
Даф этайин куйдиргувчи
Ва минг-миг қаҳратон ичра
Изғиринли шамолларни¹⁰³.

(Яшт, Ард-яшт, 30)

Авестода ахлоқий тамойиллар сўз ва фикр, нутқ ва амалнинг бир-бирига тўғри келиши учун зарур бўлган шартлар

¹⁰² Авеста в русских переводах (1861–1996). – С. 145.

¹⁰³ Авесто./i Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 211-б.

сифатида тушунилади ва инсоннинг тақволи моҳияти намоён бўлишига мувофиқдир. Шунинг учун Аша «пуштсизликка гирифтор эрнинг..., безурриёт жувонларнинг ҳам..., балоғатга етмаган ёшнинг. Эр зотини билиб кўрмаган балоғатга етмаган қизнинг»¹⁰⁴ қурбонлигини қабул қилмайди. (*Яшм*, «*Ард-Яшм*», 54) Ҳаёт унга шундай сабоқ бергани учун у дейди: «Нотаридлар ва туронликлар қувганида учкур отларда ул қудратли буқа туёғин остида жон сақлаганимда, балоғатга етмаган ёшлар, эр кўрмаган навраста қизлар мени толиб берди уларга»¹⁰⁵. (*Яшм*, «*Ард-Яшм*», 55)

Демак, эзгу ишларни амалга ошириш учун инсон ахлоқий бурч нури билан жонланган беғубор юракка эга бўлиши керак. Гуноҳ ва ёвузликлардан на «енгилоёқ, пуштсиз хотин», на «ўйнашидан бола орттириб, йўлдошига элтгувчи бузук, енгил оёқ хотин» ҳам сақлай олмайди, буни фақат олий ахлоққа эга бўлган аёл амалга ошириши мумкин. Чунки фикрлар поклиги, эзгу сўзлар билан ошкор қилинади, эзгу сўзлар эса эзгу амалларни туғдиради. Айнан шунинг учун сулув, нурафшон Аша фароғ нурини таратади, кимнинг остонасига кадам қўйса, у хонадон шону шукуҳ, осойишталик топади¹⁰⁶. (*Яшм*, «*Ард-Яшм*», 6) Эру-хотин, ота-оналар ва фарзандлар, инсон ва жамият ўртасида ҳамдўстлик, ҳамжихатлик бўлганда, бахт-саодат гуллаб яшнайти. У ерда:

Эрларига берадирсан сен
Бадавлат мулк
Ва тўшовли ўрин-жойлар ҳам.
Бойлик-бисот берарсан кўплаб
Келар бўлсанг кимнинг ортидан.
Сен эргашган кимсага, Аша,
Олқиш бўлсин,
Мақтовлар бўлсин.

¹⁰⁴ Авесто.// Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарк. 2001. – 214-б.

¹⁰⁵ Ўша манба. – 214-б.

¹⁰⁶ Ўша манба. – 209-б.

О, қудратли, фаровон Аша;
Келгил, ҳамроҳ бўлгил менга ҳам¹⁰⁷.

(*Яшм*, «*Ард-Яшм*», 7)

Бахт-саодат мавҳум шаклда ифодаланади, у одамлар ўрта-сида олий ахлоқ муҳитини яратишга кўмаклашувчи ахлокий онг тушунчасидир.

Одамлар учун бахт-саодатнинг роли ва аҳамияти эзгу амал-нинг олий ахлоқ билан бирлашишида ифодаланади. Аёллар бахти уй эгаси, севикли ёри билан учрашганда ором олиши, унинг бағрига кирганда қувонч лаҳзаларини ҳис этиши ҳақида хаёл суришида ифодаланади. Айнан шундай оилада, шундай муҳитда хушбичим гавдали, бармоқлари узун, гўзал баданли, кўрганларни мафтун этувчи қизлар бахтли бўлади.

Шундай қилиб Авестода бахт-саодат ҳар бир қишининг ва барчанинг такводор ҳаёти сабаби ва, шу билан бир вақтда, оқибати сифатида тушунилади.

Зардушт дастлаб Авестода мавжуд бўлган ахлоқий кодекс-ни механик равишда зардуштийликка олиб кирмаган. У асо-сий ахлоқий ғояларни ислоҳ қилган, ўзининг диний-фалсафий тамойилига мувофиқ равишда маънавий кадриятларни қай-га баҳолаган. Сусткаш, эзгу фикр, эзгу сўзлар ва эзгу амал-лар ҳақида ташвишланмайдиган, ёвузлик ҳақида ўйлайдиган ҳамда ерга ва ўзгалар қўйнига ёвузлик уруғларини сочувчи инсон Охират кунда шунга мувофиқ жазоланади. Охират ку-нида ҳар ким амаллари, қилмишларига яраша ё тақдирланади, ё жазоланади. Демак, эзгулик ва ёвузлик уруғлари инсон-нинг ўзида жойлашган бўлиб, ҳар ким ўз хатти-ҳаракатлари, амаллари, қилмишлари учун ўзи жавоб беради. Ҳаттоки маст қилувчи ичимлик – шароб истеъмол қилиш ҳам, агар у ин-соннинг ҳаётга бўлган меҳр-муҳаббатини оширса, унинг қай-фиятини кўтариш, инсонларни бир-бирига яқинлаштириш,

¹⁰⁷ Авесто.// Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарк, 2001. – 209-б.

тинчлантириш, қайғу ва зерикишни ёзиб юбориш, ақлий фаолиятини кучайтиришга ёрдам берса, эзгулик хусусиятига эга бўлади. Шаробни эвида истеъмол қилиш дўстлик, аҳилликни мустаҳкамлайди, эзгулик ва меҳрни орттиради, ақлга равшанлик бахш этади.

Бузуқ ахлокли инсон шароб ичгандан сўнг девлардан ҳам ёмон бўлади, ақл ва вазминликни йўкотади. Нафақат қуллари, балки нотаниш одамлар, ўзининг хотини, бола-чақаси, қариндош-уруг, дўсту-биродарларини сўкишга тушади. У жанжал ва мушглашишлар сабабчиси бўлади.

Авестода ахлоқий идеал ҳақиқий ишлар ва одамлар ҳаёти билан боғлиқ. Ахура Мазда учун ердаги инсонлардан энг кадрлиси қуйида келтирилган хусусиятларга эга бўлади:

– такводор инсон (ашаван), ўзи учун уй куради, уйида олов ва сут бор, хотин, болалари бор ва яхши подаси бор. Бундай уйда такводорлик, чорва, ем-хашак мўл-кўл, хотин, фарзандлар, олов ва ҳар хил мол-мулк кўп бўлади. У ерда ғалла, ўтлар, ўсимликлар ва мевалар серобдир; майда ва йирик қорамоллар кўп етиштирилади;

– бу – ерга ўнг ва чап қўли, чап ва ўнг қўли билан ишлов берган одам, ерга фойда келтиради. Бу, ҳақиқатан, севувчи, меҳрли эр юмшоқ ўрин-тўшакларда ўтирган ўз севикли хотинига ўғлонлар ва бошқа яхши нарсалар тортиқ қилгани сингаридир¹⁰⁸.

Мазкур амалларга зид ишларни содир қилаётган одамнинг ахлоқий қиёфаси – ғамгин ва хунукдир. Инсон ерга ишлов бермаса, ҳаёт ва фаровонликни рағбатлантирувчи ер бойликларини кўпайтирмаса, унда у хўрликка маҳкумдир. Ҳақиқатан, у «бировлар эшигида тиланчилик қилиб турувчилар орасида бўлади, ноз-неъматларни унинг олдидан ўшасиз ҳам бойлиги мўл бўлган уйга олиб ўтадилар»¹⁰⁹.

¹⁰⁸ Қ а р а н г: Авеста в русских переводах (1861–1996). – СПб, 1998. – С. 95.

¹⁰⁹ Авеста в русских переводах (1861–1996). – СПб, 1998. – С. 94.

Эзгулик ва бахт-саодат манбаи бўлган меҳнатни улуғлаш Авесто ахлоқий фикрининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган.

Ахура Маздадан: «Эътиқоднинг моддий дунёда намоён бўлиши моҳияти қандай?» – деб сўралганда, у: «Ғалла тиришқоқлик (ғайрат) билан етиштирилганда», – деб жавоб беради. «Ғалла етиштирилганда, девлар терлайди; ғалла шопирилиб, тайёрланганда, девлар кучсизланади; ун тайёрланганда, девлар ўкиради; ундан таом тайёрланганда, девлар ваҳимадан чираниб юборадилар»¹¹⁰.

Демак, дон экиб, ғалла етиштира олмаганлар, ун ва нон тайёрлашни билмаганлар тақволи ишлар, қишлоқ хўжалигини юритиш ва ўғилларни дунёга келтириш каби амаллар билан шугулланишга қодир эмаслар. Фақат тақводор инсоннинг яратувчилик меҳнати охир-оқибатда ахлоқий хурсандлик билан тақдирланади.

Кўриниб турганидек, Авестода меҳнат инсоннинг энг буюк ахлоқий маслағи сифатида англонади, одамлар ахлоқий хатти-ҳаракатларида баҳолашда бош тамойил бўлиб хизмат қилади. Меҳнат нафақат қулай яшаш шароитларини яратади, балки ўзида Ахура Мазда моҳиятини мужассамлаштиради, яъни Эзгуликнинг Анхра Майнью – Ёлғон устидан ғалаба қозонишини билдиради.

Меҳнат ва меҳнатсеварлик дунёвий неъматларнинг асосий манбаи ҳисобланса, Эзгулик ва Ҳақиқат зардуштийлик этикасининг асосий мезонидир. Бу билан зардуштийликнинг оптимистик руҳдаги ғоялари асосида ахлоқий идеал шаклланади ва у диёнат, адолат, тақводорлик, фикр, сўз ва амал поклигини ўзида мужассам этади.

Уйлари-да қулай, кўрклидир,
Ҳайвонлари сонсиз, саноксиз.

¹¹⁰ Қ а р а н г: Авеста в русских переводах (1861–1996). – СПб, 1998. – С. 94.

Гўзалдир у, умрбоқийдир, --
Кимга ёндаш келар бўлсанг сен,
Бегубор Аша.
Сен эргашган кимсага, Аша,
Олкиш бўлсин,
Мақтовлар бўлсин.
О, қудратли, фаровон Аша,
Келгил ҳамроҳ бўлгил менга ҳам¹¹¹.

(Яшит, «Ард-Яшит», 8)

Шундай қилиб, Авесто этикаси инсон ва жамиятни камолотга етказиш, тақводор турмуш тарзи ва ижтимоий тенгликни мадҳ этиш ҳамда бутун ер юзидаги ҳаётни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тартибга солишдан иборат.

Авестода, биринчидан, моддий дунёнинг диний-фалсафий моҳияти, инсоннинг жисмонан камол топиши ва маънавий ўсишининг эволюцияси акс этган; иккинчидан, ахлоқий камол топиш шартлари ва усуллари кўрсатилган.

Маълумки, Авесто даврида барча иқтисодий, маънавий, давлат ва маиший фаолиятлар синкретик равишда ўзаро боғлиқ бўлган ва диний-фалсафий ғоялар билан жонлантирилган. Шунинг учун қадимги инсонлар ҳаётининг эҳтиёжларининг ахлоқий ва эстетик тасаввурлар, умидлар билан қоришиб кетганлиги Я. Гуломовни «Шарқ динлари нафақат ижтимоий онг шакларидир, балки одамларнинг турмуш тарзи ҳам бўлган, чунки бу динлар ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини қамраб олган эди» деган хулоса чиқаришига олиб келди¹¹².

Айнан шунинг учун ахлоқий меъёрлар, тамойиллар, мезонлар инсон ва жамиятнинг деярли ҳар томонини қамрайди. Ахлоқ нафис бўлиши керак. Инсонда эзгу фикрлар, эзгу сўзлар ва эзгу амаллар бирлашгандагина инсон гўзал бўлади.

¹¹¹ Авесто. // Аскар Махкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 209-б.

¹¹² Гуломов Я. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. – Т.: Фан, 1956. – С. 80.

Илмий адабиётларда зардуштийлик ахлоқий таълимотини замонавий тасаввур ва тушунчаларга яқинлаштириб ифода-лайдиган фикр-мулоҳазалар учрайди.

Бутун жаҳон ва Ўзбекистоннинг аксарият олимлари ўз тадқиқотларида зардуштийлик ахлоқининг инсонпарварлик руҳини таъкидлаб, у Инжил ва Куръон сингари тарбиявий аҳамиятга эгаллигини кўрсатиб берганлар. Лекин охириги йилларда Ўзбекистонда чиққан қатор нашрларда Авесто замонавий педагогик таълим ва тарбияга мос келадиган, тизимлаштирилган ахлоқий-тарбиявий қонун сифатида ифодаланган.

Х. Хомидов, И.О. Обидов, М. Усмонов, М. Исҳоқов, О. Мурсурмонова, У. Алеутов, С. Нишонова, Ф. Расулов, С. Ҳасанов, А. Назаров ва бошқаларнинг мақолаларида Авесто этикаси билан боғлиқ кўплаб қизиқарли кузатувлар ва мулоҳазалар мавжуд, улар бугунги кунда ҳам ўзининг тарбиявий аҳамиятини йўқотмаган. Лекин Авестода таълим ва ахлоқий тарбиянинг педагогик тизими яратилган, унда фан ва маърифат куч-қудратига катта эътибор берилган деб таъкидлаш илмийликдан узоқдир.

Авестонинг ахлоқий-фалсафий ғоялари ва ахлоқий тамоийилларини ўрганишда, қадимги илк матнлари йўқолганига қарамасдан, ривоят ва хикоялар, кейинги даврларда Авестога ёзилган шарҳлар ва унинг талқинларига эмас, балки эрта зардуштийлик дунёқарашини ва фалсафасига мос келадиган матнларга таяниш мақсадга мувофиқ бўлади.

Зардуштийлик дини, ахлоқи ва фалсафасининг ҳақиқий манбаси, асосий йўналишлари, шунингдек, руҳини аниқлашда Авестонинг йиғилган қадимги матнлари ва биринчи мингйилликнинг бошида қайта ёзилган қадимги матнлари бизни тўғри йўлга олиб чиқиш ўрнига, чалкаштириб юбориши мумкин. Шунинг учун Н.Д. Махмудованинг «VI асрда паҳлавий тилида ёзилган қўлёзма манбалар Авестонинг тугатилган қисмлари бўлиб, панд-насихатлар ва ахлоқий ғоялар мажмуини ташкил

килади» деган таъкиди ишонарли даражада эмасдир¹¹³. Шунингдек, муаллиф: «Авестода баркамол шахсни тарбиялаш шарт-шароитлари, ёш авлодни тарбиялашда жамоатчилик роли каби кўрсатмалар мавжуд», – деб таъкидлайди. Авесто этикасининг бундай талқин қилиниши Авестодек мураккаб маънавий маданият ёдгорлигининг утопик, ноилмий талқин қилинишига олиб келади.

Охириги йилларда Ўзбекистонда чоп этилаётган газета ва журналларда эълон қилинган аксарият мақолаларга Авесто мазмунини бўрттириб талқин қилиш хосдир. Авесто мазмунидан рационал мағиз чиқариш ўрнига, мазкур нашрлар муаллифлари исталган нарсани борга чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар. М. Исҳоқов тўғри таъкидлаганидек, Ўзбекистон авестошунослигини жаҳоншумул даражага чиқариш учун Авесто мазмунини юзаки, бир томонлама ва содда баён қилиш, ифодалашдан воз кечиш керак¹¹⁴. Бунга эришиш мақсадида М. Исҳоқов Авестони 12 илмий йўналиш бўйича тадқиқ этишни таклиф қилади, улар ичида ҳеч қандай Авестода ишлаб чиқилган таълим тизими ҳақида гап кетмайди.

М. Усмонов «Авесто тарбия ва ахлоқ тўғрисида» номли мақоласида гўёки Авестодан олинган қуйидаги иқтибосни келтиради: «Тарбия, – дейилган Авестода, – ҳаётда энг зарур таянч. Ҳар бир янги авлодни камолотнинг энг юқори даражасига кўтариш учун, аввало, яхши ўқишга, сўнг яхши ёзишга ўргатиш зарур»¹¹⁵.

Агар биз ушбу йўл билан бориб, Авестони юқорида келтирилган тарзда баён қиладиган бўлсак, яқин келажакда янги Авестога – XXI асрда ёзилган Авестога эга бўламиз. Шу би-

¹¹³ Қаранг: Маҳмудова П.Д. «Авесто»да таълимий-ахлоқий қарашлар. Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2005. – 18–19-бетлар.

¹¹⁴ Исҳоқов М. «Авесто» китоби ва таълим тизими.// Маърифат. – 2002 йил 9 январь.

¹¹⁵ Усмонов М. «Авесто» китоби ва таълим тизими // Тонкент оқшоми. – 1999 йил 27 январь.

лан бирга, hozirgi пайтда биз эга бўлган материал ҳам жиддий тадқиқотлар қилиш, ушбу ажойиб, ноёб қадимги даврлар ёдгорлигининг турли-туман қирралари ва ўзига хос хусусиятлари устида мулоҳаза юритиш учун етарли имконият яратади.

Мисол учун, ахлоқийлик гоёси гўзаллик тушунчаси билан муштарак эканлиги масаласини олайлик. Авестода Эзгулик ва Гўзаллик, Ёлғон ва Хунуклик инсон ҳаётида бир-бирига қарама-қарши бўлган бошланғич асослар бирлигини ифода этади. Авестога кўра, барча ахлоққа тўғри келадиган нарса гўзалдир, барча гўзал нарса ва ҳодисалар – ахлоқийдир. Бу бирлик бузилган ва ажралиб кетган жойда, ёлғон, хунуклик, бевафолик ва хиёнат салтанати бошланади. Чунки ахлоқнинг гўзалликда намоён бўладиган пировард мақсади – бу Аҳура Мазда тимолида мужассамланувчи Ҳақиқат, Эзгулик ва Тақводорлик бирлигидир.

Бундай бирлик турли мамлакатлар ва худудларнинг яратилиши тўғрисида баён қилувчи «Видевдод»нинг биринчи фрагардида яққол кўриниб туради. Аҳура Мазда Зардушта хузур-ҳаловатсиз дунёда осойишталик ва кўпдан-кўп хурсандчилик бўлиши учун энг яхши жойлар ва мамлакатлардан биринчиси бўлган Арианем-Вайэжани яратганлигини тушунтиради. Агар И.С. Брагинскийнинг фикрига кўра, Аҳура Мазданинг ушбу тушунтиришида «энг яхши» сўзи «осойишта жаннат»нинг яратилишини ифодаласа, «осойишталик» ва «хурсандчилик» сўзлари бевосита ахлоқий мазмунга эгадир.

Гўзаллик натижасида бир-биридан ажратиб бўлмайдиган хурсандчилик ва осойишталикка эришилади, улар ахлоқий-эстетик идеалнинг ягона йўналишини ифодалайди. Бу ҳол хаттоки Анхра Майньюнинг Аҳура Мазда яратган гўзал нарсаларига қарши яратган «кўп зарар келтирувчи қизғиш рангли илон ва девлар яратган қиш» тасвирида кузатилади.

Анхра Майнью яратган нарсаларидаги хунукликнинг тавсифи бу билан чекланмайди. Анхра Майнью яратган мамлакатда қиш ўн ой давом этади, сув совук, ер совук, ўсимликлар совук,

қиш охирига етганда катта сув тошқини содир бўлади. Хуллас, Анхра Майнью яратган нарсалар хунуклик ва ёвузликнинг ифодасидир.

Агар Ахура Мазда томонидан яратилган биринчи мамлакат одамларга осойишталик ва хурсандчилик бахш этса, бошқа мамлакатлар – сугдийлар яшайдиган Гава ва Бақтрия одамлар учун фойдали ва керакли бой яйловлари, мўл чорва ва қорлари билан гўзалдир. Анхра Майнью бу мамлакатларга қарши мўл-кўлчилик ва хурсандчилик ўрнига «кўп зарарли йиғи ва нолалар» ҳукм сурувчи ҳудудлар яратди.

Икки бир-бирига қарама-қарши бўлган кучлар томонидан яратилган барча нарса ва ҳодисалар ахлоқий-эстетик идеал нуқтаи назаридан хурсандчилик ва тушқунлик, гўзаллик ва хунуклик, юксаклик ва тубанлик сифатида тавсифланади. Бу ғоялар ўзида яратувчилик руҳи ёхуд бузғунчилик руҳини муҷассамлантиради.

Ахура Мазда яратган жойлар ва мамлакатлар тавсифи гўзал, нурафшон, ўтлар, сувлар, сигирлар сероблиги эпитетлари воситасида берилган бўлса, Анхра Майнью яратган мамлакатлар зарарли, жирканч, ҳукмронлари ёвуз жойлар сифатида тавсифланган. Мамлакат ва ҳудудларга берилган бундай тавсифлар зардуштийлар ахлоқий-эстетик идеали таркибига мавҳум ва идеал ижтимоий тузум ва давлат бошқаруви ҳақидаги тасаввурлар ҳам кирган деган фикрни туғдиради. Бу Ахура Мазданинг куйидаги сўзлари билан тасдиқланади: 20 «Мен – Ахура Мазда – бунёд этган ўн олтинчи сарзамин ва гўзал юрт Рангҳа дарёси сарчашмаси атрофидаги бссар халқлар яшовчи макондир. Шундан сўнг бутун борлиги ажал билан йўғрилган Ахриман келди-да, хусуматдан девлар яратувчи зимистонни борлиқ оламга ғолиб қилди». 21 «Жуда кўп гўзал ва роҳатбахш сарзаминлар, юртлар, кишварлар бор. Уларни ҳам мен – Ахура Мазда – бунёд этдим»¹¹⁶.

¹¹⁶ Авесто.// Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 108-б.

Ушбу иқтибосларда гап, шубҳасиз, қандайдир мавҳум мамлакат ҳақида кетмоқда, лекин бу ерда асосий фикр унинг тавсифидан иборат: бу мамлакатлар ажойиб, беназир, серҳашам, шукуҳлидир. Айнан шундай яшаш жойларида одамлар нафақат роҳат-фароғат, балки осойишталик ва кўпдан-кўп шод-хуррамлик топадилар.

Шундай қилиб, Зардушт ахлоқий-эстетик идеалининг дуалистик моҳияти, бир томондан, бу дунёда Ахура Мазда яратган моддий нарса ва ҳодисаларнинг эзгулигини таъкидлашдан, улардан завқ олишдан иборат бўлса, иккинчи томондан эса, ушбу ҳодисаларнинг мазмуни ва аҳамиятини англаш Эзгулик, Ҳақиқат ва Гўзаллик ғоялари ва тамойилларига ҳақиқий содиқлик орқали эришиш мумкин бўлган тақводор руҳнинг боқийлиги билан боғланади. Булар «Видевдод»да мадҳ этилган биринчи давлат ҳукмдори Йима (Жамшид)га бағишланган биринчи бобда ёритилган. Ушбу бобда Зардуштнинг Ахура Мазда билан сўзлашуви келтирилган, унда дунёнинг ҳимоячиси, асровчиси ва мураббийси бўлиши мумкин бўлган ҳукмдор – тақводор инсон ғояси акс эттирилган.

Ахура Мазда саволига Йима: «Дунёдаги барча нарсаларни кўпайтираман, унинг ҳимоячиси, ундаги эзгуликнинг кўриқловчиси, мураббийси бўламан», – деб жавоб беради. Йиманинг берган ваъдаси ахлоқий-эстетик идеални ўзида мужассамлаштирган тақводор инсоннинг худога берган қасами ва мақсади сифатида ифодаланади.

Йима икки салтанат: биринчиси – бу дунё, иккинчиси – нариги дунё, ўликлар оламининг эгасидир. Айнан ушбу икки бир-бирига қарама-қарши бўлган дунёларнинг моҳияти Авесто мифологик қатламининг асосини ташкил қилади.

Ахура Мазда кўрсатмасига кўра, гўзал Йима уч юз йил ҳукмронлик қилади, ер юзини йирик ва майда қорамол, одамлар, итлар, қушлар ва ёниб турган қизил оловлар билан тўлдиради. Бундан сўнг унинг ҳукмронлиги яна олти юз йил, тўққиз юз йил давом этади. Йима ер юзидаги фойдали ҳайвонлар ва

Ўсимликларни янада кўлайтиради, одамларга улар хоҳлаган шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилади.

Орзусига тўлалигича эришини ва одамларга фойда келтириш мақсадида Ахура Мазда Ёймага шундай дейди: «27. ... У ерга ер юзидаги энг улуг, энг олий, энг яхши эркак ва ургочиларнинг уруғларини олиб бор. ... У ерга ер юзидаги энг улуг, энг олий, яхши жониворларнинг хилма-хил уруғларини олиб бор. 28. ... У ерга ер юзидаги энг баланд, энг хушбўй ўсимликларнинг уруғларини олиб бор... У ерга ер юзидаги энг емишли, энг ёқимли ва хушбўй таомларнинг уруғларини олиб бор... Нобуд бўлмасликлари ва йўқ бўлиб кетмасликлари учун уларни жуфт-жуфт қил. 29. Бирок зинҳор у ерга букрилар, пуштсизлар, гўллар, дуясана, дайвак, касвиш, визбориш, сўйлоқ тишли, пес, умуман, Аҳриман ўз доғини қолдирган бирор-бир кимсани кирита кўрма!»¹¹⁷

Ахура Мазда панд-насиҳатлари ва кўрсатмаларини Авестонинг асосий ахлоқий-эстетик ғоялари сифатида баҳолаш мумкин, чунки, биринчидан, улар ер юзида мавжуд бўлган «энг буюк, энг аъло ва энг гўзал» нарса ва ҳодисаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисидаги ғоялардир; иккинчидан, «энг буюк» ва «энг аъло» тушунчалари «энг гўзал» тушунчаси билан муқаррар боғланади. Булар моддий оламга Эзгулик ва Гўзалликнинг, ахлоқийлик ва эстетикликнинг ажралмас бирлигига асосланган муносабатда бўлишдан гувоҳлик беради: учинчидан, зардуштийлик дуализмининг мантиги Эзгулик ва Гўзалликнинг Ёвузлик ва Хунукликка қарама-қарши туришидан далолат беради. Бу Ахура Мазда кўрсатмаларида акс эттирилган – Гўзаллик ва Эзгулик ҳукмрон бўлган жойда «букурлар, ақдан озганлар, заифлар, касаллар ва моховларга» ўрин бўлмаслиги керак; тўртинчидан, бу жисмоний нуқсонлар алоҳида одамлар жисмоний нуқсони сифатида эмас, балки Анхра Майнью ва у яратган мавжудотларнинг хийла-найрангла-

¹¹⁷ Авесто.// Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 111-б.

ри деб тушунилади. Шундай қилиб, барча ахлоқий жихатдан фойдали нарса ва ҳодисаларнинг мустаҳкамланиши орқали хурсандчилик ва осойишталикнинг манбаи бўлган гўзалликнинг куч-қудрати ва жозибадорлиги таъкидланади, намоён бўлади.

Йима ўзи қурган мамлакатга, барча турдаги энг буюк, энг аъло ва энг гўзал қора моллар эркаги ва ургочиларининг уруғларини; барча энг лаззатли ва энг хушбўй таомларни олиб келди. У ерда Анхра Майньюнинг курашида қурол бўлиб хизмат қилувчи на букурлар, на баҳс-мунозаралар, на сурбетлик, на камбағаллик, на алдамчилик, на бадбашаралик йўқ, на заифлар, на ақлдан озганлар, на холдорлар, на бузук, одобсизлар, на касаллар, на қийшиқлар, на тиши чиритганлар, на жасади ташлаб юборилган моховлар, на бошқа нуқсонлилар йўқ. Йима қурган Варада эса одамлар ажойиб ҳаёт кечирадилар.

Булар Авестода акс этган дунёқарашнинг мифологик қатлами бўлишига қарамасдан, унда моддий дунё тўғрисида ғамхўрлик қилиш, Ҳақиқатга хизмат қилиш, Эзгулик ва Гўзалликни мадҳ этиш биринчи ўринда туради. Чунки Зардуштнинг ердagi мақсади қуйидагидан иборат:

Ҳақиқат – буюк неъмат,
Неъмат бўлар, неъмат унга,
Кимнинг Ҳақиқати буюк неъмат¹¹⁸.

Шунинг учун Авесто матнида ҳақиқий, энг олий, энг буюк, энг аъло ва гўзал каби сўзлар биргаликда маънавий гўзалликни ёритади ёки ахлоқий бенуқсонликни ва ахлоқий идеални ифодалайди.

Авестонинг ахлоқий идеали шу даражада воқелик билан боғлиқки, унда нима ҳақида гап кетмасин – ҳақиқат ёки ёлғон, гўзаллик ёки хунуқлик ва, ниҳоят, эътиқод, дин ҳақида гап

¹¹⁸ Авеста в русских переводах. – СПб, 1998. – С. 81.

кетганда ҳам, барча фикрлар ва умидлар бу дунёдаги барча ташвишлар, ер юзида бойлик ва фаровонликни кўпайтириш орқали уни мустаҳкамлаш билан боғланади.

«Видевдод»да баён этилишича, Ахура Мазда Йимага унинг динини ўрганиб, уни химоя қилиши хақида сўраганда, гўзал Йима «... Мен жаҳонда сенинг динингдан огоҳ этгувчи ва динингни элтгувчи бўлиб туғилмадим ва ўрганмадим!»¹¹⁹ – деб жавоб беради (3). «Эй Зардушт! Шунда мен – Ахура Мазда – унга дедим: «Эй Жам! Агар менинг динимдан огоҳ этгувчи ва динимни элтгувчи бўлмасанг, унда менинг жаҳонимга кенглик бахш айла. Менинг жаҳонимни ардоқла, жаҳон аҳлига пешво ва асрагувчи бўл!»¹²⁰ (4).

Оламни кўриклаш ва химоя қилиш такводор инсоннинг энг асосий бурчига айланиши зардуштийлик этикасидаги жуда муҳим гождир. Йиманинг бу дунёнинг химоячиси, кўриқловчиси ва назоратчиси бўлиши ҳамда Анхра Майпьюнинг ёвуз таъсирини тўхтатиши тўғрисидаги қасами Авесто ахлокий-эстетик идеалининг инсонпарварликка йўналганини ифодалайди. Шу билан бирга, Йиманинг «мен Динни ўрганиш ва химоя қилиш учун яратилмаганман, бунга ўрганмаганман» деган сўзларида динга нисбатан хурфикрлик туйғуси акс этади. Назаримизда, бу ходиса ўша даврдаги диний дунёқарашга муайян даражада зид бўлган ирода эркинлиги мавжуд бўлганидан далолат беради.

Ахлоқнинг бундай тушунилишидан келиб чиққан ҳолда, «Видевдод»да одамларга шод-хуррамлик келтирувчи беш вазият ва ҳаракат кўрсатилган:

1. «Бундай жой қўлда покиза ўтин, барсам, ҳована ва янги соғилган сут тутган, ўз амал-этикодида дилда ишончи собит, ўктам овоз, кенг яйловлар ишқи билан масрур ва бу яйловларни қўшиққа солган бир Ашаван оёқ босган заминдир».

2. «Бундай жой бир Ашаван уй тиклаган макондир. Ўша уйда мўбад рўзгор тебратади. Сигирлар галаси ва уй бекаси,

¹¹⁹ Авесто.// Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарк, 2001. – 109-б.

¹²⁰ Ўша мақб. – 109-б.

фарзандлар ва сурувлар яшайди бу уйда. Сигирлар галаси яхши парвариш қилинади. Ашаванлик афзун бўлади. Тевалар хўраги фаровон, яхши итларнинг ризқи сероб. Уй бекаси бахтиёр, фарзандлар шодмон. Ҳамиша олов гуриллаб туради. Тирикликнинг гўзал ҳар бир ҳодисаси яхшиликка қовушади. Бундай жой дунёдаги иккинчи бахтиёр заминдир».

3. «Бундай жой бир Ашаван ҳаммадан кўпроқ буғдой, ёғ ва мевали дарахтлар эккан, одамлар қуруқ ерларга сув чиқарган, сувли ерларни шудгор қилган заминдир».

4. «Бундай жой кўйлар суруви ва тевалар уюри энг кўп парвариш қилинадиган заминдир».

5. «Бундай жой сернасл кўйлар ва тевалар яшайдиган заминдир»¹²¹.

Моддий дунёнинг санаб ўтилган хусусиятлари хурсандчилик, фаровон ва ажойиб ҳаёт манбаидир. Ахлокий-эстетик идеалнинг ушбу манбаларига ўзининг ахлоқсизлиги, хунуклиги сабабли энг гамгин бўлган беш ёвуз ҳодисалар қарши қўйилган:

7. «Бундай жой Аризвар тоғининг кифти бўлиб, унинг саҳнида дўзах моғораларидан чиққан девлар жам бўладилар.

8. «У одамлар ва итларнинг кўплаб мурдорлари (лош, жасад) тупроққа кўмилгувчи жойдир».

9. «У сон-саноксиз дахмалар тикланиб, унинг ичига одамларнинг мурдорлари қалаштириб кўмиладиган жойдир.

10. «У Аҳриман яратган махлуқлар кўплаб ин қурган макондир.

11. «У қуруқ ва губорли кучада ўлдирилган Ашаван ортидан унинг хотин ва фарзандлари оху фиғон чекиб бораётган жойдир»¹²².

Бу қарама-қаршиликдан, яъни яратиш ва бузиш, эзгулик ва ёвузлик, гўзаллик ва хунуклик ўртасидаги қурашдан қутулиш йўли тақводор инсон томонидан қилинадиган эзгу, ахлоқий амал – ерга ишлов беришдир.

¹²¹ Авесто.// Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 112–113-бетлар.

¹²² Ўша манба. – 113-бет

Шундай қилиб, Авесто этикаси Ўрта Осиё ва Эроннинг қадимги халқлари юксак маънавий қадриятидир, унда инсон ахлоқининг қуйида келтирилган қатор асосий тамойиллари қонунийлаштирилган:

- Ватанга садоқатни ифодаловчи она-ерга муҳаббат;
- инсоннинг маънавий-ахлоқий бурчи сифатидаги ер, сув, олов ва ҳавони асраб-авайлаш;
- аёллар ва такводор ҳаётнинг давомчилари бўлган фарзандларга нисбатан ўзига хос муносабат;
- меҳнатни ахлоқ ва гўзаллик манбаи сифатида тасаввур қилиш;
- нафақат моддий дунё, балки маънавий-ахлоқий ҳаётнинг софлигини асраш, уни поклаш амаллари ва расм-русумларини ўрнатиш.

Ахлоқий-эстетик ғоялар Авестода дуалистик шаклда, Эзгуликнинг Ёвузликка, Гўзалликнинг Хунукликка қарши кураши сифатида намоён бўлган. Улар ажралмас бирликда мавжуддир. Юксак ахлоққа таянган ҳолда амалга оширилган хатти-харажатлар натижасида ажойиб ютуқларга эришилади, яхши амаллар ва мақсадлар эса инсоннинг маънавий-ахлоқий моҳиятини ифодалайди.

Зардуштийликнинг дуалистик этикаси инсонпарварлик ва келажакка ишонч билан қараш билан йўғрилган бўлиб, у «покланиш» категориясида яққол акс эттирилган.

Назорат саволлари:

1. *Авесто фалсафий тизимида инсон муаммоси.*
2. *Зардуштийликнинг дуалистик моҳиятини тушунтириб беринг.*
3. *Зардуштийлик ахлоқиюнослигининг ижтимоий хусусияти нимадан иборат?*
4. *Авесто илоҳиётининг яхшилик фравашилар кимлар? Уларнинг вази-фаларини тушунтиринг.*
5. *Зардуштийлик ахлоқиюнослигини таснифлаш мумкинми?*

6. *Авесто фалсафаси: яхши фикр, яхши сўз ва яхши амал қондишини ҳозирги давр нуқтаи назаридан таҳлил этинг.*
7. *Зардуштийликнинг ахлоқий идеали нима?*

Мустақил иш (реферат) мавзулари:

1. *Авестонинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни.*
2. *Авесто маънавий қадриятларининг жаҳоншумул аҳамияти.*
3. *Авесто инсонпарварлигининг ҳозирги замондаги долзарб масалалари.*
4. *Зардуштийлик илоҳиёти ва ахлоқшунослик.*
5. *Авестодаги ахлоқий гояларнинг дуалистик моҳияти.*
6. *Зардуштийлик инсон ахлоқи асосий тамойилларининг умумбашарий аҳамияти.*
7. *Авесто этикасида инсон ва жамиятни камолотга етказиш ҳамда ижтимоий тенглик муаммолари.*

«ПОКЛАНИШ» – ЗАРДУШТИЙЛИКНИНГ АХЛОҚИЙ ИМПЕРАТИВИ СИФАТИДА

Авестонинг ахлоқий дуализмида «покланиш» яхши ишлаб чиқилган категориядир. Покланиш инсон билан боғлиқ бутун моддий оламни камрайди, зардуштийлик ахлоқий тамойили асосини белгилаб беради.

Зардуштийларнинг муқаддас унсурлар – ер, олов ва сувга муносабати барча тадқиқотчилар томонидан етарли даражада ўрганиб чиқилган. Олов илоҳий бошлангич асос сифатида Ахура Мазданинг ажралмас хусусиятини намоён қилади, у бутун дунёга иссиқлик таратади ва ҳаёт бахш этади. Зардуштийликда оловнинг бундай илоҳийлаштирилиши кўпчилик тадқиқотчилар томонидан зардуштийларнинг «оташпараст» деб ҳисобланишига олиб келган. Ваҳоланки, зардуштийларни, худди шундай сабабга кўра, «ерпараст» ва «сувпараст» деб ҳам аташ мумкин. Лекин гап бунда эмас. Гап шундаки, олам олов илоҳи

томонидан яратилмаган, балки олов худо томонидан одамларнинг тақводор ҳаётини қўллаб-қувватлаш учун муқаддас ҳисобланган. Шунинг учун ушбу унсурларнинг софлигини сақлаш, уларни поклаш зардуштийликнинг марказий ахлокий меъёри ҳисобланади.

«Видевдод»да покланишнинг қонуни, қоидалари ва меъёрлари ишлаб чиқилган, уларни қуйида келтирилган тартибда кўрсатиш мумкин. Покланишнинг қонуни ва қоидалари:

I. Моддий дунёни поклаш:

- ер майдонини поклаш;
- сувни поклаш;
- оловни поклаш;
- ҳавони поклаш;
- ҳаром бўлган кийим-кечакни поклаш;
- маййит ётган кўрпа-тўшакни поклаш;
- ҳаром бўлган ўтин ва ғаллани поклаш;
- кўзаларни поклаш;
- маййит олиб ўтилган йўлни поклаш;
- хаома (хавм)ни поклаш ва ҳ.к.

II. Тирик жонни поклаш:

- аёлнинг покланиши;
- бир ўзи мурдага қўл тегизган эркакнинг покланиши;
- икки киши бўлиб мурдага қўл тегизланганларнинг покланиши;
- сизирни поклаш;
- итни поклаш ва ҳ.к.;

III. Поклаш қоидаларини бузганлик учун қўлланиладиган жазолар:

- ерни ҳаром қилганлик учун жазо;
- поклаш давомида сувни ҳаром қилганлик учун жазо;
- ҳаром сувни ичганлик ва тунда шундай сувни ичганлик учун жазо;
- Баршаум маросими бўйича нотўғри қилинган покланиш учун жазо;

- эркакнинг ҳайз кўрган аёл билан алоқаси учун жазо;
- итга номуносиб муомалада бўлганлик учун жазо ва ҳ.к.

Агар одам ёки ит ўлса, ер устини олов, сув, барсман ва ҳ.к.лардан ўттиз қадам олисда харомни йўқ қилиш йўли билан поклаш тавсия этилади. «... Агар ер қаттиқ бўлса, гўрнинг чуқурлиги ярим одим, агар ер юмшоқ бўлса, жасад устидан ярим одим чуқурроқ қилиб қазадилар. Гўр саҳнига кул ё мол тезаги сочилади. Гўр оғзи пишган ғишт, тош ё кесак билан ёпилади»¹²³. (*Саккизинчи фарғард*)

«Видевдод»нинг 8-фрагардининг таржимони В.Ю. Крюкова шундай деб ёзади: «Куруқ модда – кул, гўнг, ғишт, куруқ тупроқ, хас-чўплар маросим жиҳатдан соф ерни харом мурдадан ажратиб турувчи қатлам бўлиб хизмат қилиши керак». Эҳтимол, қадимги даврда дафн маросимининг турли босқичларида жасадни ерга қўйишдан аввал тагига у ёки бу кўринишдаги тўшама солиш кенг тарқалган бўлиши керак; бу ҳол этнографик адабиётда қайд этилган. Масалан, Фарғонада маййитни ювишдан аввал ер полда чуқур қавлашиб, унинг ичига қия қилиб тахта қўйилади. Тахта устига маййитни қўйишдан аввал бўйра ёки беда билан тўшайдилар, баъзан чуқурнинг ўзини ҳам беда билан қоплайдилар. (Қарағ: Б.Х. Кармышева. «Архаическая символика в погребально-поминальной обрядности узбеков Ферганы». Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии. – М., 1986)¹²⁴.

Тошкент вилояти Бўстонлик тумани Хумсон қишлоғида бундай маросим ҳозирги пайтда ҳам мавжуд. Бу одат дафн маросимига тегишли анъана сифатида мавжуд бўлиб, унинг зардуштийликка тегишли маъносини одамлар англамайдилар. Бу қишлоқнинг замонавий уйларида ҳозирги вақтда ҳам бир хонанинг поли жасадни ювиш, у ерда қавланган чуқурчага ҳаром сувни тўкиш мақсадида пол тахта билан қопланмай қолдирилади.

¹²³ Авесто.// Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарк, 2001. – 137-б.

¹²⁴ Авеста в русских переводах. – СПб, 1998. – С. 98.

Мазкур одатнинг ҳали ҳам мавжудлигини одамлар онгида ҳаром сувни кўча ёки ҳовлига тўкиш мумкин эмаслиги, у ернинг қоронғи тубига сингиб кетиши тўғрисидаги фикр сингиб кетганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Видевдодда Покланишнинг бутун бир тизими ишлаб чиқилган бўлиб, унда нима ва ким покланиши, қаерда ва қандай тарзда поклаш лозимлиги, покланишнинг қоидалари батафсил келтирилган, тўғри поклаш эвази ва таомилни бузганлик учун жазо чоралари кўрсатилган. Таъкидлаш керакки, Авестода нарсани тозалаш, жисмоний поклаш – «тоза», «ифлос бўлмаганлик» ҳақидагина эмас, балки барча ҳолларда сакрал маъно касб этадиган, диний маросимларга хос, маънавий-ахлоқий покланиш тўғрисида сўз юритилади.

Жасадларни поклаш тушунчаси ҳам турли босқичлардан ўтиб, ўзгариб борган. Сув муқаддас ҳисобланганлиги сабабли дастлаб сув билан поклаш таъқиқланган. Шунинг учун зардуштийлик тарихида ер ва сувни ҳаром қилишдан саклаш воситаси бўлиб хизмат қилган оссуарийлардан кенг фойдаланилганлиги тасодифий эмасдир.

Маййитларни кўмиш усуллариининг турли-туманлиги одамларнинг нафақат диний, балки ахлоқий онги ҳам ўзгариб борганлигидан далолат беради. Масалан, Видевдодда жасадлардан кутулишнинг турли усуллари ҳақида баён қилинади.

– Эй оламни яратган Зот! Эй Ҳақиқат!

Ниманидир кидириб юрган, ёхуд чопиб бораётган, яёв ё суворий, ёхуд арава ҳайдаб кетаётган маздапарастлар мурдорни оловда пишираётган ёхуд куйдираётган кишиларга дуч келсалар, нима қилмоқлари лозим?

Аҳура Мазда жавоб берди:

– Улар мурдорни оловда куйдираётганларни сўзсиз ўлдиришлари керак. Шундан кейин қозонни тўнтариб, ўчоқни бузиб ташлайдилар¹²⁵.

(Саккизитчи фарғард, 73, 74)

¹²⁵ Авесто.// Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарк, 2001. – 143-б.

Лекин, «Видевдод»да кўрсатилишича, жасадни тоғ чўққисига олиб чиқиш қонунийлаштирилган бўлиб, у ерда ҳар доим итлар ва ўлаксахўр қушлар бўлган. Жасаднинг кўллари, оёқлари ва сочлари кўрғошин, тош ёки лой билан шундай маҳкамлаб қўйилар эдики, унинг суякларини итлар ва қушлар ташиб кетмаслиги ва улар тасодифан сувга тушиб кетмаслиги ёки дарахтлар устига тушмаслиги керак эди. Бундан сўнг жасад (унинг суяклари) махсус жойда сақланган:

Мазданаарастлар тош, тупрок ва бошқа жинслардан махсус астудонлар курадилар. Борди-ю, бундай астудон кура олмасалар, мурдор жисмини яланғоч ҳолда юлдуз, ой ва қуёш нурлари тушиб турадиган ерда гилам устида унга тегишли ёстиқни боши остига қўйиб сақлашлари жоиз¹²⁶.

(Олтинчи фарғард)

Жасадни кўмиш, ундан кутулишнинг турли усуллари зардуштийлик ахлокий таълимотининг кўп асрлар давомида турли йўллар билан шаклланганини кўрсатади.

Секин-аста диний-фалсафий, амалий онгнинг, мафқуранинг ўзгариш жараёнида, шунингдек, маданий-тарихий ривожланиш дарвларида шаклланиб келаётган жамиятлар тузилишига тўғри келган одат ва маросимлар мустаҳкамланади.

Одам ёки ит ўлган заминда бир йил давомида экинларни ҳаром қилмаслик мақсадида ерга ишлов бериш, экин экин таъқиқланган. Бу қоида бузилган ҳолда, айбдор камчи ёки хипчин билан икки юз мартадан саваланади. Агар кимда-ким ерга жасад ёки итнинг ўлигини ташлаб кетган бўлса, у одамга «от камчини билан минг марта, хипчин билан минг марта савалаш» каби жисмоний жазо чораси қўлланган¹²⁷.

Зардуштийлик ахлоқи, маросимларининг бундай қатъий гарзда белгиланишига сабаб Ўрта Осиё халқлари онгида узок

¹²⁶ Авесто.// Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 131-б.

¹²⁷ Авеста. «Закон против дэвов». Видевдат. – СПб, 2008. – С. 128–129.

вақт давомида ер инсон ҳаётининг асровчиси сифатида қадрланганлигидир. Ҳозирги вақтда халқ орасида ўлик ҳайвонлар (масалан, итлар ва эшаклар)га нисбатан бутунлай қарама-қарши муносабат мавжуд. Бўстонлик туманининг Хумсон қишлоғида ўлган ҳайвонларни ўғит сифатида дарахтлар тағига кўмиш одағи қабул қилинган.

Покланиш гоёси, унинг барча кўринишлари мустаҳкамланиши Авестонинг ахлоқий-фалсафий тамойилидан келиб чиққан: ҳаром қилувчи инсон – ахлоқсиз, хунукдир, поклаш эса ахлоқ ва гўзаллик ифодасидир. Ахура Мазда гоёларига содиқ инсон абадий саодатли ҳаётга эришади. Қандай қилмишлар содир этганлигига қарамасдан, эндиликда инсон эзгу амаллар қилиб, Ҳақиқат ва Мазда динига содиқ бўлса, барча гуноҳлари кечиради.

Икки олам унинг руҳини қўлга киритмоқ учун жанг қилмайди ва абадий саодат манзилига оёқ қўйганида юлдузлар, ой ва қуёш унинг дийдорини кўриб шодмон бўладилар. Мен – Ахура Мазда – уни кўриб, шодликдан шундай хитоб қиламан:

Эй, мен халқ қилган зот, сенга саломлар бўлсин! Сен ёзуғ ва хатоликлар заминидан абадий саодат манзилига ташриф буюрмоқдасен!¹²⁸

(Еттишчи фарғард, 52–54)

Майитлар ётган дахмаларда Анхра Майньюга сажда қилувчилар, унинг малайлари, девлар гуруҳлари яшайди; у ерда «юқумли искиртлар, энг ёмон касалликлар, қичима, кўтир, иситма, безгак, эрта қариш уя солган; у ердан бадбўй ҳидлар анқиб туради»:

– Эй Сипийтмон Зардушт!

Ўша дахмаларда девлар хўрак сйдилар ва еган хўраklarини қайт қиладилар.

¹²⁸ Авесто.// Аскар Махкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 135-б.

Улар, сиз одамлар бу моддий оламда пишган гўшт ва хўрак еганларинг каби таом тановул қиладилар.

– Эй инсонлар!

Ўша дахмаларда сизнинг димоғингизга таралган нарса девлар таомининг хидидир.

Токи ўша дахмаларда чирк ва палидликлар мавжуддир, девларнинг шодиёнаси бардавом бўлади¹²⁹.

(Еттинчи фарғард, 57–58)

Бу ерда абадий саодат манзилига кетаётган такводор, соф ахлоқли инсоннинг жони ва руҳининг абадийлиги ифодаланиши билан бирга, ер усти ва ер остида юкумли касалликлар, бадбўй. қўланса хидлар ва х.к.ларни тарқатаётган Ёвуз Руҳнинг қилмишлари қораланмоқда.

Авестода ифодаланган ҳар қандай ҳодиса ва воқеаларга ахлоқий жиҳатдан гўзал ёки ахлоқий жиҳатдан хунук бўлган хусусият ҳосдир. Жисмонан соғ, пок ва ахлоқи соф инсонларни Аҳура Мазда сийлайди, ҳаётини азалий ва абадий дунёда – Жаннатда давом эттириш имконини беради, у ерда моддий дунёга хос бўлган ва мурасага келмайдиган кураш бўлмайди. Моддий дунёда икки куч, икки ният ва икки амалнинг абадий тўкнашуви содир бўлади: биринчиси – бу яратиш ва поклаш Руҳи; иккинчиси – бузгунчи ва ҳаром қилувчи Руҳдир.

Авесто матнларининг турли нусхалари устида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, унинг дастлабки, бирламчи матни қадимги зардуштийларнинг ёзиб олинмаган ахлоқига яқинроқ туради. Зардуштийлик ахлоқи кўп асрлар давомида ёзиб олинмаган қонун сифатида мавжуд бўлиб, жамиятни бошқарган, унинг аъзолари хатти-ҳаракатлари, ахлоқ-одобини тартибга солган бўлиши мумкин.

«Видевдод»да қадимги инсон ҳаётининг барча томонларини қамраб олган Покланиш дастури ишлаб чиқилган. Масалан,

¹²⁹ Авесто.// Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 136-б.

ўлган ит ёки жасадга кирган Насв Деви кўзаларга тегиб кетган бўлса, уларни кумиз билан, сўнг тупроқ ва сув билан поклаш мумкин, «тупроқ, чўп, сопол идишларни поклаш мумкин эмас», агар Насв Деви ўтин ёки емишлик уруғларига теккан бўлса, уларни фақат сув билан поклаш мумкин:

– Эй Ашаван Зардушт!

Хўл ё курук, хонаки ё ёввойи, ўрилган ё ўрилмаган, жамланган ё жамланмаган, боғланган ё боғланмаган тевалар хўраги бўлмиш гиёҳлар ва емишлик уруғларини поклашнинг шартлари шудир. Улар мурдор теграсида муайян ўлчовда ёйиб қўйилади-да, устидан бир марта сув қуйилади. Шу билан улар покланади¹³⁰.

(Еттинчи фарғард, 35)

Ўлган ит ёки одам жасади теккан ўрин-кўрпалар парча-парча қилиб кесилиб, ерга кўмилиши лозим, агар улар ҳаром бўлмаса, кумиз билан ювиш керак; агар одамнинг энгил-боши булганган бўлса, «тана ва энгил-бошини тўрт марта кумиз ва икки марта Мазда яратган сув ёрдамида ювиб, поклаши зарур». Инсон ва унинг кийимини ол, чап қўлинг билан, ўнг қўлинг билан ол, худолар томонидан яратилган осмоннинг энг ёруғ нури тушадиган, юлдузлар чарақлаб турадиган жойга тўкқиз кечага қўй. Тўкқиз кеча ўтгач, оловга эҳсонлар келтир, ўтинлар келтир, оловга фимиам келтир, кийимларни ана шу оловда покла»¹³¹ (23).

Ер, сув, хаома, ўтин ва галла, идишлар ва кийимлар, жасад ётган ўрин-кўрпалар, жасад олиб ўтилган йўллар ва х.к.ларни поклаш мумкин, булар Ахура Маздага бўлган эътиқодни мустаҳкамлаш, инсоннинг бахтли ҳаёти учун қилиниши зарур. Поклаш билан боғлиқ барча тадбирлар моддий ва маънавий дунёда иссиқлик ва ёруғликни тарқатишга йўналтирилган. Мисол тариқасида ўлик чакалоқ тукқан аёлни поклаш ва ушбу

¹³⁰ Авесто.// Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 134-б.

¹³¹ Авеста. «Закон против дэвов». Видевдат. – СПб, 2008. – С. 264.

поклаш давомида сувни харом қилганлик учун кўриладиган жазони келтириш мумкин. «Ўлик чақалоқ туққан аёлга уч кунлик муддат ўтмасдан сув ичириш сувни харом қилиш билан боғлиқ гуноҳ ҳисобланган, шунинг учун унинг жазоси одам ўлган ерга (бир йиллик муддат тугамасдан) сув қуйганлик учун кўриладиган жазо чораси билан баробар (тенг) ҳисобланган»¹³².

Шундай қилиб, Авестода поклашнинг турли усуллари, меъёрлари ва қоидалари, уларни бузганлик учун жазо ва ушбу кўрсатмалар тўғри бажарилгани учун тақдирлаш чоралари ишлаб чиқилган эди.

Ахура Мазда томонидан яратилган барча нарсаларни поклаш учун зардуштийликнинг асосий қонунига, яъни буюк сўз ва амалларнинг эзгу фикр-хаёлларга мос бўлиши кераклигига риоя қилинган. Тақволи сўзлар кўшиқ қилиб айтилиб, тиловатлар қилинганидан сўнг:

... покланади уй ҳам,
поқдир олов, сув, хаво,
поқдир сигир ва дарахт,
имонли ва имонсиз ҳам поқдир,
юлдузлар, ой, қуёш ва абадий ёруғлик ила,
поқдир барча макбул жонзотлар¹³³.

Шунинг учун фикрлар, сўзлар ва амаллар поклиги инсонни нафақат моддий дунёдаги кўрки бўлиб хизмат қилади, балки нариги дунёда саодатли бўлишининг гаровидир:

... Имонли одамга мурожаат қилсинлар, О Спитама Заратустра!

Сўзни чин айтгувчига, сўзни билиб айтгувчи, муқаддас дуоларни билгувчига, эътиқоди бутунга, покланиш (таҳорат) қоида-

¹³² Авеста. «Закон против дэвов». Видевдат. – СПб, 2008. – С. 153.

¹³³ Ўша манба. – С. 190.

ларини билгувчига. Мазда буюргандек пок, имонли одамга му-
рожаат этмоғи лозим. Тоқим, уни Нас – ўлим деви нопоклигидан
тозаласин¹³⁴.

(Тўққизинчи фарғард, 3)

Ушбу ғоя, тамойил Авестонинг бутун матнида мифологик,
диний-фалсафий ва ахлоқий-эстетик кўринишлар (вариация-
лар)да такрорланади. Покланиш ғояси – моддий дунё покли-
гининг ғамини ейишдан иборат, моддий дунёнинг поклиги
охир-оқибатда маънавий дунёнинг поклигига олиб келади.
Ушбу фикр «Видевдод»нинг 14-фарғардида ёрқин ифодалан-
ган

Авестода тана ва руҳнинг поклиги тўғрисида ғамхўрлик қи-
лиш ахлоқий маъно касб этади. Масалан, 18-фарғардда бир-би-
рига қарши кураш олиб борувчи илоҳлар ўртасидаги сўзла-
шув келтирилган, унда Ёлғончилик вакилларининг бадахлоқ
жиҳатлари кўрсатилган. Бойлик орттириш билан боғлиқ ха-
сислик ахлоқий нуқтаи назардан инсоннинг салбий фазилати
сифатида қораланади. Зардуштийликда ушбу фазилат ўғирлик
каби жиноят билан тенглаштирилади, инсонни тақводорлар
муҳитидан узоқлаштиради, одамларни чўчитади ва безовта
қилиб кўяди.

Гуноҳ билан боғлиқ бўлган иккинчи ножўя хатти-ҳаракат
тик туриб бовул қилиш ҳисобланган, чунки бунда ернинг де-
ярли катта майдони ифлосланади ва ҳаром бўлади. Ўтирган
ҳолда бовул қилиш ахлоқий ҳамда эстетик жиҳатдан тўғри хи-
собланган. Бунда ерга ҳам, одамнинг уст-бошига ҳам пешоб
сачрамайди ва улар ҳаром бўлмайди. Сувга бовул қилиш ҳам
огир жиноят ҳисобланган.

Тақводорликнинг бундай ахлоқий меъёрлари ҳозирги вақт-
да, асосан, кекса (айникса, диндор) кишилар онгида сақланган.
Урбанизация (жамият ривожланишида шаҳарлар ролининг
ошиши жараёни) ҳозирги замон инсонлари онгига катта ўзга-

¹³⁴ Исҳоқов М. Авесто: «Видевдот» китоби. – Т., 2007. – 64-б.

ришлар киритишига қарамасдан, одамлар онгостида қадимдан сақланиб келаётган ахлоқий негизлар уларнинг тасаввурларига таъсир қилиб, хатти-ҳаракати, хулқ-атворини бошқариб бормокда.

Эркак ва аёлларнинг ўзаро муносабати ҳам ахлоқий меъёрлар ёрдамида тартибга солинган. Эркакларнинг аёллар билан алоқасидан сўнг, уйкуда булғаниши ва х.к.лардан сўнг покланиши зарур бўлган. Эркак ва аёлларнинг жинсий алоқадан сўнг ювиниши, покланиши зардуштийларнинг муқаддас ахлоқий мажбурияти бўлган.

Авестода суяқ оёқ аёл хулқи қораланади, чунки у Ахура Маздани «оғир қайғуга солади, дилига озор беради». Чунки у «покдамон гўшасини имонли ва имонсиз, Мазда такводори ва Девлар раҳнамолари, жиноятчи ва жиноятсиз уруғлари билан аралаштириб юборади»¹³⁵. Бунда ахлоқсиз қилмиш учун нафақат аёл, балки эркак ҳам жавоб беради.

Хоҳ табиий, хоҳ ғайритабиий ҳолатда бўлсин, ҳайз кўрган аёл билан алоқа қилишга кришган кишининг гуноҳи ўзининг жигар қонидан яралган ва «найза» туфайли ҳалок бўлган фарзандини куйдириб, кукунини оловга сочган билан баробардир¹³⁶.

(Ўн олтинчи фарғард, 17)

«Видевдод»да аёлга, айниқса, унинг жисмоний ва маънавий покланишига катта эътибор берилган. Агар ҳомиладор аёл ўлик чакалоқ туғса, уни катъий равишда поклаш талаб қилинади. Уни «ерлари энг тоза ва энг қуруқ» бўлган маздапараст уйдан олиб чиқиб, олов, сув, барсман, ашаван халқидан (маздапарастлардан) ўттиз қадам олисда жойлаштиришган. Аёл овқатланишдан аввал «бачадонининг ичи тозаланиши учун уч ё олти, ё тўққиз жом (яъни кўнгли тортгунча) кул аралаштирилган кумиз ичмоғи лозим». Сўнг ҳайвонларнинг (бия, сигир,

¹³⁵ Авеста. «Закон против дэвов». Видевдат. – СПб, 2008. – С. 248.

¹³⁶ Авеста.// Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 159-б.

кўй, эчки) иссиқ сутини, пиширилган гўшт, нон, узум шароби ичмоғи ва емоғи мумкин. Аммо сув ичмоғи ва унга сувда таом тайёрлаб бериш мумкин эмас:

– Уч кеча шу аҳволда яшайди. Уч кеча гўшт, нон ва шароб истеъмол қилади, бироқ сувга лаб тегизмайди. Уч кеча ўтгач, тана ва энгил-бошини кумиз ва сув билан тўққиз чуқурлик ёнида ювмоғи лозим. Шундай қилиб, аёл покланади¹³⁷.

(Бешинчи фарғард, 54)

Бундай тарзда овқатланиш ҳамда кумиз ва сув билан покланиш яна тўққиз кун давом этади. Авесто қонунларига кўра, ўша аёлга тегишли ювиб, покланган парсалардан на қоҳинлар, на аскарлар, на деҳқонлар фойдаланиши мумкин эмас¹³⁸.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турганидек, бундай оғир аҳволдаги аёлга ҳам сув берилмагани зардуштийликда ушбу муқаддас унсур қанчалик олий даражада эъзозланганидан далолат беради. Агар ўлик чақалоқ туккан аёлни безгак ёки икки даҳшатли азоб – очлик ва ташналик қийнаб турганда, сув ичиши мумкинми? Ахура Мазда жавоб беради:

Мумкин, чунки унинг ҳаётини сақлаб қолмоқ даркор. Азобдаги аёл имонли кишининг хўққачасидан сув ичса бўлади. Бу сув унга қувват бағишлайди. Лекин бу иши учун сув берган жазо олмағи лозим. Жазони эса муъбад-хакам тайин этади. Ижросини даррачи муъбад адо этади¹³⁹.

(Еттинчи фарғард, VIII, 71)

Демак, сув тўғрисидаги муқаддас қонун бузилган тақдирда ҳам, инсон ҳаётини сақлаб қолиш биринчи ўринда туради.

¹³⁷ Авесто.// Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 126-б.

¹³⁸ Ўша манба. – 127-б.

¹³⁹ Исҳоқов М. Авесто: «Видевдот» китоби. – Т., 2007. – 50-б.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, зардуштийликда инсон ҳаёти барча нарсдан юқори турган ва баҳоланган.

... бир аёл хоҳ табиий, хоҳ ғайритабиий ҳолатда ҳайз кўрса... Унинг йўли ҳар нечук гул ва буталардан пок қилинади. Ва у яшайдиган ерга қуруқ тупроқ сепилади. Унинг учун алоҳида бино тикланади. Бино одатдаги бинолардан баланд бўлади, зеро, ҳайз кўрган аёлнинг назари оловга тушмаслиги керак.

(Ўн олтинчи фарғард, 2)

Оловдан ўн беш одим олисда. Сувдан ўн беш одим олисда. Барсам дастларидан ўн беш одим олисда. Ашаван эрдан уч одим олисда.

(Ўн олтинчи фарғард, 4)

Бундай аёлга уч кадам нарида туриб, икки динор миқдорида нон ва қалай ёки кўрғошиқ, ёки бошқа камбаҳо идишларда бир динор миқдорида таом бериш мумкин¹⁴⁰.

Аёллар соғлиги ва поклиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш биринчи ўринда туради, чунки, биринчидан, бундай ғамхўрлик у «кучсизланиб қолмаслиги» мақсадида; иккинчидан, «Агар аёла аёл билан бирор гўдак учрашган бўлса, дастлаб унинг кўлтанини, сўнгра бутун танасини ювиш жоиз бўлади».

Ҳайз кўрган аёл покланиши, шунингдек, ҳаром бўлмаслиги учун одамларга, атрофдаги нарсаларга тегмаслиги лозим. Ҳайз кўрган аёлнинг қони тўққиз кун бўлса ҳам давом этиб, тўхтагандан сўнг, маздапарастлар унинг йўлини гул ва ниҳоллардан поклаши керак, уни кумиз ва сув билан ювинтириб, поклашлари керак.

Шундай қилиб, инсон бутун ҳаёти давомида, турли вазиятларда ахлоқий ва маънавий поклик идеали сифатида тасаввур қилинган Аҳура Мазда кўрсатмаларига риоя қилиши керак бўлган.

¹⁴⁰ Авесто.// Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарк, 2001. – 157-б.

5. Зардушт деди:
Ул номни дегил,
Эй бегубор, Ахура Мазда,
Ким бузургдир,
Гўзалдир, хушдир,
Музаффардир,
Энг нажотбахшдир,
Инс-жинлар душманлигини
Даф этгувчи ҳаммадан зиёд
Ва таъсирчан барча нарсадан¹⁴¹.

Бу идеал илоҳий куч атрофидаги фраваш-руҳлар томонидап сийланган, уларнинг ҳар бири алоҳида ва биргаликда оламни Анхра Майньюнинг ёвуз девлари яратган ёмон нарса ва ҳодисалардан поклаш ишига хизмат қилади.

Ахлоқий ва эстетик гўзаллик бирлиги Чинвот кўприги олдида ўзида эзгу ишларни мужассамлантирувчи гўзал қизни учратган инсон образида жуда уйғунлик билан манзарали тасвирланган.

«Такводор Вираф ҳақидаги асарда, – деб ёзадилар Э.В. Ртвеладзе, А.Х. Саидов, Е.В. Абдуллаевлар, – бу кизнинг пайдо бўлиши батафсил баён этилган: «Жон бераётган одам олдида унинг эътиқоди ва ишлари гўзал, сарви қомат, эзгуликда катта бўлган қиз қиёфасида пайдо бўлади: унинг кўкраги баланд, бармоқлари узун, танасидан нур таралиб туради, қарашлари мулойим ва ёқимли, жозибалидир. Такводор руҳи: «Ким сен, кимники сен? Ер юзидаги одамлар ичида сенчалик жозибали ва сарви қомат қизни учратмаганман?» – деб унга савол беради. Руҳнинг эътиқоди ва амалларини ўзида мужассамлантирган қиз: «Ахир мен сенинг амалларингман, ё эзгу ахлоқли, эзгу сўзли, эзгу эътиқодли йигит! Сенинг хоҳиш-истакларинг ва амалларинг туфайли мен сен куриб турганингдек бундай

¹⁴¹ Авесто.// Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарк, 2001. – 167-б.

буюк, кутлуғ, муаттар, музаффар, бенуксон бўлдим. Чунки ердаги ҳаётинг давомида диний дуоларни кироат қилдинг, сувни покладинг, оловни эҳтиёт қилдинг, узоқ ва яқин жойлардан келганларга хонадонингдан жой бердинг. Мен серҳашам эдим – сен мени янада серҳашам қилдинг, мен гўзал эдим – сен мени янада гўзал қилдинг, мен кадрли эдим – сен мени янада кадрлирок қилдинг»¹⁴².

Ушбу парча Эзгулик ва Ҳақиқат, ахлоқийлик ва гўзаллик, поклик ва ёруғликнинг бирлигини ёрқин ифодалайди.

Авестода покланиш субъекти ва объекти нафақат инсондир, балки сигир ҳам, ит ҳам, хўроз ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. «Хўрозни ёвуз кучга қарши курашчи сифатида тасаввур қилиш барча ҳинд-европа халқлари учун хос бўлган, – деб ёздилар Э.В. Ртвеладзе, А.Х. Саидов, Е.В. Абдуллаевлар. – Зардуштий матнларда ушбу тасаввур илоҳиёт нуқтаи назаридан талқин қилинган.

Хўроз ёвуз одамлар ва сеҳргарларга қарши курашиш учун яратилган... у худди ит сингари, у итоат қилиш йўлида девларга қарши курашда ёрдамчидир¹⁴³.

(Бундахиш XIX)

«Видевдод»да покланиш қондалари мажмуаси ишлаб чиқилган. Унда ахлоқий, ҳуқуқий, диний меъёрлар дуолар афсунлар билан чатишиб кетган ва уларни бир-биридан ажратиш қийин. Покланиш қондалари мажмуаси Эзгулик ва Ёвузликнинг бир-бири билан кураши тўғрисидаги дуалистик тасаввур билан боғлиқ. Бу курашда кўп жиҳатдан Покланишнинг афзалликлари туфайли Эзгулик галаба қозонади.

Ҳар қандай булғанишни, ҳаромни поклаш учун «уч қарра ўқилгувчи гоҳлар баланд овозда зикр» қилиниши лозим. Бу

¹⁴² Авеста. «Закон против дэвов». Видевдат. – СПб, 2008. – С. 267–268.

¹⁴³ Ўша манба. – С. 242.

дуолар Ахура Мазда яратган барча эзгу нарсалар учун покловчи малхамдек хизмат қилади.

Покланиш нафақат жисмоний, моддий тозаланишни, балки инсоннинг руҳи, ахлоқий қиёфасининг покланишини ҳам кўзда тутати. Ер шунинг учун покланадики, чунки «Бизни ва бокира аёлларимизни ўз устида кўтариб юргани учун ерга сажда қиламиз», у муқаддасдир. Такводор бўлмоқ инсон маънавий дунёсини поклаш демакдир.

Хулоса қилиб, қуйидагиларни таъкидлаш мумкинки, ижтимоий-ахлоқий ҳамда диний маросим ва анъаналар моҳиятини белгилаб берган «покланиш» тушунчаси зардуштийликнинг асосий ахлоқий категориясини ташкил этган. Покланишнинг мақсади – ёвуз Анхра Майньюни моддий ва маънавий дунёдан ҳайдаб чиқариш, адолатли, пок ва такводор ҳаётни яратиш мақсадида инсоннинг ёвуз куч билан курашига монелик қилувчи ҳафсаласизлик ва дангасаликни йўқ қилишга қаратилган. Авестода «покланиш» нафақат нарса ва ҳодисаларга диний-фалсафий муносабат билдиришни, балки зардуштийларнинг инсонпарварлигини ифода этувчи ахлоқий категория сифатида талқин қилинади. Бир томондан, покланиш маросимининг изчил тартиби, покланишнинг махсус формуллари, покланиш учун олов, сув, уй-жойлар, ер, дарахт, ситир ва ҳ.к.ларни нотўғри поклаганлигига жазо чоралари ишлаб чиқилган бўлса, иккинчи томондан, покланиш инсоннинг жисмоний ва маънавий баркамоллигини белгиловчи инсонпарварлик нишонаси сифатида талқин қилинади. Қадим замонлардаёқ зардуштийлар томонидан халқимиз онгига сингдирилган покланиш тушунчаси ҳозирги кунда ҳам ёшларимизни юксак маънавият руҳида тарбиялашда катта фалсафий, ахлоқий-эстетик аҳамият касб этади.

Назорат саволлари:

- 1. Авестода покланиш деганда нимани тушунасиз?*
- 2. Покланиш тушунчаси ахлоқий категория бўла оладими?*

3. *Моддий ва маънавий олам поклиги нимани англатади?*
4. *Авесто қадриятларидаги покланишнинг қайси қоидалари замонавий тус олган?*
5. *Покланиш ахлоқий императив деганда нимани туюнаси?*
6. *Авестодаги покланиш тушунчаси ва ҳозирги замон экология муаммолари ўртасида қандай ўхшашлик бор?*
7. *Авестода маънавий покланиш ақидаларини тушунтиринг.*

Мустақил иш (реферат) мавзулари:

1. *Авесто қадриятларида оила мавзусининг ворисийлиги.*
2. *Ўзбек халқи этномаданиятида зардуштийлик қадриятлари.*
3. *Замонавийлик ва Авесто маънавияти.*
4. *Авестода жамият ва табиат муносиблигининг тиринмуи.*
5. *Зардуштийлик ибодатлари ва уларнинг ахлоқий моҳияти.*
6. *Зардуштийлик антропологияси ва ҳозирги замон.*
7. *Зардуштийлик таълимотида инсоннинг танлаш ва эркинлик масалалари.*

ЗАРДУШТИЙЛИК ТАЪЛИМОТИ ВА АВЕСТОДА ГЎЗАЛЛИК МУАММОСИ

Зардуштийлар дунёкараши мифологик, диний ва фольклорга оид тасаввурларнинг мураккаб тарзда чатишиб кетганлигини намоён қилади, пировард оқибага синкретик оғ била характерланади.

Авестодаги космогоник афсоналарда Эзгулик ва Ёвузлик, Гўзаллик ва Хунукликни намоён қилувчи икки бир-бирига қарама-қарши тасаввурнинг яратилиши тўғрисида сўз юритилади. Аҳура Мазда томонидан яратилган барча нарсалар гўзал ва эзгу, барча хунук ва ёвуз нарсалар Анхра Майнью томонидан битилган. Анъанавий равишда географик дoston ҳисобланувчи «Видевдод»да Аҳура Мазда бупёд этган ўн олти мамалакат ва Анхра Майньюнинг буларга қарши нарса ва ҳодисалари ҳақида гап кетади.

Ушбу мамалакатларнинг тавсифи уларни гўзал, эзгу ёки хунук ва ёвузларга ажратиш учун эстетик моҳиятти аниқлаш имконини беради.

Энг аввал мен, Ахура Мазда, одамлар учун илк (муқаддас) макон этиб Даитийа (дарёси) бўйида ўрин топган (сўлим ўлка), гўзал ўлка Арйанам – Ваэжўни)ни ўзидан пайдо қилди. Шундан сўнг (бу эзгу хилқатимга қарши) Ахриман (Анхра Манью) Даитиста сувларининг тубида Ажи-Дахақа (Аждаҳо)ни ўзидан пайдо қилди. Унинг (Ахриманнинг) қабих ҳимояти остида зимистон – қиш совугининг девлари борлиққа ҳукмрон бўлдилар¹⁴⁴.

(Биринчи фрагмент, 3)

Турли мамлакатлар ва табиий ҳодисалар гўзаллиги ахлоқий ва эстетик тамойиллар бирлигидан келиб чиққан ҳолда баҳоланади. Гўзаллик – эзгулик ҳукмронлик қилган жойда одамлар осойишта ҳаёт кечирадилар. Анхра Майнью хунук ва ёвуз нарсалар яратган жойларда бадбурушлик тарқалган, тинчлик йўқ, бахт йўқ. Анхра Майнью эгаллигидаги жойларда ерлар ёвуз, жонсиз ва жизғанаги чиққан қизғишдир, «у ерда ўн ой қиш ва икки ой ёз фасли ҳукмрон бўлади. Бироқ шу икки ойда ҳам ҳаво, сув, туپроқ ва дарахтлар учун совуқдир».

Ахура Мазда Айрианам Важни Даитё (ҳозирги Амударё) дарёси соҳилида хушманзара, гўзал мамлакат қилиб яратди. У ерда одамлар ҳаёти 300 йил, сигир ва қўйларники эса 150 йил давом этади. Одамлар кам касал бўлади, бир-бирини алдамайдилар, йиғламайдилар ва нола қилмайдилар, ҳар қирқ йилда эр ва хотин болали бўладилар. Қонуллари «Эзгулик» ва «Гўзаллик»ка асосланган¹⁴⁵.

Ахура Мазда яратган деярли барча мамлакатлар ва жойлар эстетик нуқтаи назардан баҳоланади ва Авестода «гўзаллик» табиат ҳодисаси ва одамлар яшайдиган жойлар сифатида ифо-

¹⁴⁴ Исҳоқов М. Авесто: «Видевдот» китоби. – Т., 2007. – 10-б.

¹⁴⁵ Авеста в русских переводах. (1861–1996). – СПб, 1998. – С. 71.

даланади. Улар «роҳатбахш», «буюк», «серҳашам» ва «ярқираган», «кўзни қамаштирадиган» деб тасвирланган. Авестонинг ҳар бир қисмида зардуштийлар эстетикасининг дуалистик жўшқинлиги акс этади. Инсондаги, табиатдаги, ўсимликлардаги, хатти-ҳаракатлардаги, жамиятдаги гўзаллик Аҳура Мазда эзгулигининг номоён бўлиши ва ғалабаси сифатида ифода этилади. Эзгулик қонуни чекланган ёки бузилган жойларда гўзалликни, эзгуликни, ҳаёт учун зарурийни ҳис этиш заифлашади.

Аҳура Мазда яратган моддий дунёнинг кўриниши эстетик жиҳатдан «жуда мураккаб, гўзал, ранг-баранг, фойда келтирувчи ва нурафшондир».

II. Жон ато этди
Жонсиз хилқатга.
Кексаймас, ўлмас,
Қарилик билмас,
Абад барҳаёт,
Абад ўсгувчи
(Этди дунёни).
(У дунёсидан)
Келар бир куни
Амэрэтот Саошйанг
Масихвор бўлиб,
Барча бандани
Қутгаргувчи зот.
Бихишт эшигин
Очгувчи абад¹⁴⁶.

Аҳура Мазда яратган барча гўзаллик романтизм руҳида тасвирланган ва завқ ҳиссини туғдиради. Зардуштийларнинг романтизмга асосланган оламга муносабати қуйидагиларни тақозо қилади: биринчидан, Аҳура Мазданинг яратувчилик куч-қудрати априор равишда тан олиншини; иккинчидан,

¹⁴⁶ Исҳоқов М. Авесто Яшт китоби. – Т.: Шарқ, 2001. – 112-б.

муқаддас руҳ томонидан яратилган барча нарса ва ҳодисалар ҳурмат, меҳр-муҳаббат ва муҳофазага лойиқ эканлигини; учинчидан, улар Ясна ва Гоҳлар шаклида маънавий-эмоционал равишда мадҳ этилишининг шартлигини; тўртинчидан, гўзалликни ҳис-туйғу (сезги аъзолари) ёрдамида идрок қилиш натижаси сифатида эмас, балки Аҳура Мазданинг эзгу ва гўзал мақсадлари намоён бўлиши деб тушунилишини. Иккинчи томондан, «гўзаллик» котиб қолган тушунча бўлмаган, у хунуқлик, ёвузлик ва бадбашараликка қарши муросасиз кураш давомида ўрнатилади. Зардуштийлик эстетикасидаги гўзалликнинг оптимистик ва инсонпарвар мазмунининг моҳияти айнан шуларда намоён бўлади.

Авестода Гўзаллик, Ҳикмат ва Эзгулик тимсоли, аввало, Аҳура Мазданинг ўзи бўлган:

Эй Зардушт! Эй солиҳ амалши!

Мендан сўра! Мендан иста!

Мен барча яралмишлардан яхшироқ бўлган яратгувчиман. Мен ҳаммадан ҳам донишмандроқман. Ҳар нечук муаммо ва жумбоқларни ҳал қилишга қодир зотман!

Мендан сўра. Мендан иста – Сенга шу яхшироқдир. Сенга бу шодлик бағишлагувчидир¹⁴⁷.

(Ўн саккизинчи фарғард, 7)

Зардушт ва фравашилар ҳам Эзгулик ва Гўзаллик тимсолларидир.

Заратуштра, менинг фравашимга – Аҳура Мазданинг фравашига, ул буюк эзгуликка, ул мустаҳкам, ул доно, ул гўзал келбатга сиғин, ул имонда тенгсизга сиғин, қалби Спэнта Мангра – муқаддас дуодан (иборат)га сиғин. Чин қалбингдан ибодат қил, Эй Заратуштра, ўшал Аҳура Мазда яратганга сиғин!¹⁴⁸

(Ўн тўққизинчи фарғард, 14)

¹⁴⁷ Авесто.// Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 161-б.

¹⁴⁸ Исҳоқов М. Авесто Видевдоди китоби. – Т.: Шарқ, 2001. – 88-б.

Булар жонлангирилган Ахура Мазда ва илоҳ-амешаспента-
нар тавсифи бўлибгина қолмасдан, балки инсон қиёфасидаги
Гўзаллик тоясини ифодаловчи асосий хусусиятлардир. Ушбу
гўзал маънавий фазилатлар инсоннинг фикрлари, сўзлари ва
амалларида ифодаланади ҳамда муқаддас руҳ мақсадлари ва
амалларининг тақволи ва адолатли эканлигидан далолат бера-
ди. Шунинг учун ҳаётида саодатга, давлатга ва роҳатга, яъни
эстетик завқ, маънавий мамнуниятга эришмоқчи бўлган инсон
Тоҳ ва Яштларда ақс этган Ахура Мазда ваҳийларига самими-
ят билан ишониши ва ўғит, кўрсатмаларига риоя қилиши ло-
ним эди.

Зардуштийлик эстетикасини ҳозирги замон эстетикаси ка-
тегориялари орқали ўрганиш мумкин эмас, лекин эстетик онг-
нинг ва воқеликка баҳо беришнинг умумфалсафий, маънавий
моҳиятини ҳисобга олган ҳолда, зардуштийлар эстетик муно-
сабати оламни ҳаётини зарурият, фойда келтириши ва гўзаллик
сифатида идрок қилинишига асосланганлигини қайд этиш
мумкин. Ўзининг эзгу фикрлари, эзгу сўзлари, эзгу амалларига
муносиб бўлган инсон гўзал ҳисобланган.

Меҳнат, ғамхўрлик, тақводорлик, содиқлик, моддий дунёга
нисбатан меҳр-муҳаббат ва ҳурмат ҳақида сўз юритилган бар-
ча ҳолларда инсон гўзаллик тимсоли сифатида тасвирланади.
Шартномаларни бузиш, одамлар, ҳайвонлар, моддий дунё ҳо-
дисалари олдидаги, шунингдек, эркак ва аёл ўртасидаги му-
носабатларда тегишли мажбуриятларни бажармаслик Эзгулик
ва Гўзаллик қонунларини бузиш ҳисобланган. Авестода кел-
тирилган қуйидаги ҳоллар бундай қонунобузарлик мисоллари
бўлиб хизмат қилиши мумкин: кўра била туриб, мазданараст-
ни бошқа дин ва эътиқодга ўргатиш; итга қаттиқ суяк ва ис-
сиқ овқат бериш; ҳомиладор итни уриш; ҳар қандай эркакнинг
қорнида боласи бор хотин билан алоқа қилиши. Шунингдек,
балоғатга етган киз эркак билан алоқа қилиб, ҳомиладор бўл-
гач, одамлардан номус қилиб, сув ва гиёҳлар билан ҳомиласи-
ни нобуд қилиши; агар бу ишга уни эри мажбур қилган бўл-
са, эр ҳам гуноҳкор бўлади; ҳомилани йўқ қилишга доя ёрдам

берса, бу ишда доя ҳам гуноҳкор ҳисобланади ва уччови – эр, хотин ва доя қасддан одам ўлдиришда айбланади. Кимда-ким тунларда мурдадек ухласа, Ясна ва Гоҳларни куйламаса, уларни ўрганмаса ва ўргатмаса, лекин абадий ҳаётни орзу қилиб: «Мен – отурбон – дин ҳомийсиман!» – деса, ёлгон гапиради; бидъатчиларга ҳомийлик қилиш; туриб сийиш, ерни булғаш, ҳаром қилиш гуноҳдир; шунингдек, хоҳ эр, хоҳ аёл бўлсин – ўн беш ёшдан сўнг, белбоғ боғламаган ва судра киймаганлар ичига Дуруж ва Насв кириб олади ва тирноқларининг орасига-ча булғаб ташлайди, шундан сўнг улар нопок бўлади ва нопок-лигича қолади; маздапараст ва маздапараст бўлмаган эркаклар билан алоқа қилувчи суюқ оёк хотин ва ҳ.к.лар – буларнинг барчаси хунук инсон қиёфасини тавсифлайди, одамларда нафрат уйғотади.

Дуолардан таркиб топган ва «Яштлар» деб номланувчи Авесто қисмида зардуштийликнинг эстетик маслағи ёрқин ифодаланган. «Яштлар» бошидан охиригача Ахура Мазадага бағишланган дуолар ва Анхра Майньюга қарши қаратилган лаънатлар руҳи билан суғорилган: «Эзгу фикрни, эзгу сўзни, эзгу амални эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал билан мадҳ этаман. Содик бўлиб эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амалга, ёвуз фикр, ёвуз сўз ва ёвуз амалдан воз кечаман»¹⁴⁹.

Адабий-эстетик хусусиятлари (фазилатлари) нуқтаи назардан, масалан, «Ормазд Яшт», бадий-эстетик жонлилиги билан кўзга ташланмайди, лекин унда келтирилган дуоларда олий илоҳ – Ахура Мазданинг 72 исми тилга олинганлиги билан қадрлидир. Ибодатлар учун мўлжалланган дуоларда олий ҳудого самимий меҳр-муҳаббат ва садокат изҳори ифодаланган. Ёрқин, баракатли Ахура Маздага бағишланган дуолар сатрлари шодиёна ва соз қуйилади.

Олий илоҳ исмлари санаб ўтилишининг ўзи Ахура Мазданинг ташқи – жисмоний ва ички – маънавий гўзаллигини таъ-

¹⁴⁹ Авеста в русских переводах (1861–1996). – СПб., 1998. – С. 160.

кидловчи зардуштийлик эстетик идеалини очик-ойдин ифода-лайди. У қуйидаги эпитетларда ифодалангани: «сўровчидир», «Вафодор», «Матлуб», «Қудрат», «Ҳақиқатдир», «Барча Эзгулик», «Ҳақиқатлар», «Ақл эрур», «Ақллидирман», «Таълимот», «Муаллим», «Авлиё», «Муқаддас», «Ахура», «Қудратли», «Ёвуз эмас», «Толибдир», «Ҳисобчиси барча нарсанинг», «Кўргувчи», «Асрагувчи», «Яратгувчи», «Мазда», «Баракатли», «Кузатгувчи», «Сакловчи», «Ҳимоячи», «Ҳуқуқдор», «Эзгу ҳуқуқли», «Юмшоқ табиатли», «Алдаб бўлмайдиган», «Яксон қилувчи», «Барчани яратувчи», «Эзгуликни яратувчи», «Фойда келтирувчи», «Ҳар нарсага қодир», «Олий» «Доно», «Узоқни кўра биладиган» ва х.к. Муқаддас руҳнинг ўзида «гўзаллик» тушунчасини мужассамлантирувчи ушбу фазилатлари, Ахура Мазданинг ўз сўзига кўра, эзгу фикрни, ҳақиқатни, диёнатни яратинга, дунёни яхшилашга йўналтирилган¹⁵⁰.

Агар «Ормазд Яшт» бадий жихатдан муқаддас руҳни мадҳ этишга қаратилган бўлса, «Ардвисур» ёки «Атан Яшт» юкори бадий-эстетик жўшқинлиги билан ажралиб туради. Бунинг сабаби Амударё илоҳи билан айнан ўхшаш бўлган сувлар ва ҳосилдорлик илоҳаси Ардвига («намлик», «сув») унинг сифатдоши Сура («қудратли») ва Анахитага («покиза») нисбатан табиий равишда билдирилган эстетик муносабат бўлган¹⁵¹.

Моддий дунёнинг бахт-саодатини таъминловчи сув Ахура Мазда «яратган гўзал нарсалардан» бири бўлганлиги учун, унга бағишланган дуолар ҳам катта шавқ-завқ билан ва бежамдор бадий тилда изҳор қилинган:

6. Бунёд этдим мен Мазда
Уйнинг барори учун,
Қишлоқ ва юрт барори,
Улар химояти-чун

¹⁵⁰ Авеста.// Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 167-б; Авеста в русских переводах. – С.163–169.

¹⁵¹ Авеста в русских переводах (1861–1996). – СПб.,1998. – С. 173.

Ёр айладим мен уни –
Ардви Сурани, о Зардушт.

7. Шундай оқар, о Зардушт
Оқар мукаддас Ардви,
Парвардигор оқида
Оқ билакли ул гўзал,
Билакки, отдан кучли.
Қўллари ирмоқ бўлиб,
Ороланиб оқар у,
Шуурида шундай ўй:

8. Ким мени шарафларкин,
Ким намоз йўллар менга,
Ким эҳсон йўллар менга,
Мукаддас эҳсон қилар.
Ҳаомаю-ю сут билан
Йўқлар мени ким бугун,
Сидку вафоси учун
Кимнидур шод қиларман,
Куч-қудрат бағишларман¹⁵².

Зардуштийлик эстетикасининг дуализми қуйида келтирилган сув илоҳаси гўзал киз сифатида тасвирланган дуоларда ёрқин ифодаланган:

78. Ардви Сура намоён
Бўлди гўзал киз мисол.
Қурб-қудратли, улуғвор
Сарвақад бўйчан ниҳол.
Гўё қўркам зодагон,
Сиймосидир нурафшон.

¹⁵² Исҳоқов М. Авесто Яшт китоби. – Т.: Шарк, 2001. – 17–18-бетлар.

127. Барсман хипчин кўлида
Кўз-кўз қилар сирғасин.
Тўрт кирра қуйма олгин
Ахурадан пок хиқат.
Ардви гўзал бўйнига
Таққан маржон шодаси.
Тортиб боғлаган белин
Кўкраклари чўққайиб,
Бўлик, таранг турсин деб¹⁵³.

Ардви Сура Анахитага бағишланган дуолардан кўриниб турганидек, сув ва ҳосилдорлик илоҳаси ишонарли антропоморф (одамга ўхшаш) равишда, жонли ва бадий жихатдан ифодали қилиб тасвирланган. Авестонинг бошқа қисмларида антропоморф образларнинг бундай олий жўшқинлиги ва бадий-эстетик жихатдан ишонарлилигини учратмаймиз. М. Дрезден ёзганидек: «Авестонинг адабий усуллари нуқтаи назардан бундай ғайриоддий батафсил, ёркин ва ранг-баранг тавсифи муаллифнинг кўз олдида илоҳанинг ҳайкали турган ёки у уни ҳаёлан тасаввур қилган деган фикрни туғдиради»¹⁵⁴.

Бадий-эстетик онгнинг спецификасидан келиб чиққан ҳолда, Ардви Сура Анахита тўғрисидаги гимн муаллифи гўзал киз қиёфасидаги илоҳа образини ҳайкалсиз ҳам мадҳ этиши ва ижод қилиши мумкин эди деб тахмин қилса бўлади. Авестонинг айнан бир хил қисмлари юз йил давомида турли рус олимлари томонидан таржима қилинган. Барча таржималарнинг охирги нашри ушбу қисмларни нафақат таққослаш, балки Авесто матнининг маъноси ва мазмунини бадий жихатдан энг жонли қилиб ифодалаб берганларини таглаб олиш имконини беради. Шунинг учун ҳар бир алоҳида ҳолда таржима муаллифини кўрсатмасдан, баъзи матнларни рус тилидан таржи-

¹⁵³ Исҳоқов М. Авесто Япп китоби. – Т.: Шарқ, 2001. – 26–33-бетлар.

¹⁵⁴ Дрезден М. Мифология Древнего Ирана // Пер. с англ. И.М. Стеблин-Каменского; Мифология Древнего мира. Под ред. В.А. Яковсона. – М., 1977. – С. 355.

ма қилган ҳолда 1998 йилги нашридаги бетни кўрсатиш билан чекланамиз. Чунки И.М. Стеблин-Каменский, И.С. Брагинский, Е.Э. Бертельс ва бошқалар томонидан амалга оширилган илоҳанинг зеб-зийнатлари ва либослари, ташқи кўринишининг таржималари, умуман олганда, бир-бирига жуда ўхшаш, фақат тафсилотлари фарқ қилади. Ҳаттоки бир муаллиф томонидан XX асрнинг 20-, 60-, 90-йилларида амалга оширилган матн таржималарида ўзгаришлар мавжудлигини кўрамиз. Шу боис баъзи манбаларни қўллашда биз ўзбек олимлари М. Исҳоқов ва Асқар Маҳкам таржималарига мурожаат этиб, уларни қиёс қилган ҳолда келгирдик.

Мазкур таржималарнинг бир-биридан аҳамиятли, муҳим фарқи бўлмаса ҳам, баъзилари таржиманинг ўзига сайқал берилганлиги ва бадий жихатдан жонлилиги билан ажралиб туради. Шунинг учун биз айнан адабий пардози тугалланган таржималардан фойдаландик.

Бу билан боғлиқ равишда таъкидлаш жоизки, Авесто, айниқса, шоирона баён қилинган «Яштлар» тузувчилари Ахура Мазда сўзининг кучи ва аҳамиятини яхши тушунганлар. Муқаддас рухнинг сўзлари «такводорлар» учун кўрсатма, панд-насихат ва қонун бўлиши билан бирга, уларнинг руҳини покловчи юқори бадий-эстетик таъсир кучига эга. Дуоларни қайта-қайта такрорлаш одамларнинг руҳи ва онгига эмоционал таъсир кўрсатади. Шунинг учун Ахура Мазда сўзлари диёнатга эришиш йўлида одамларни бирлаштирувчи юксак санъат ифодасидир.

6. Хилқат ичра энг кучли
Алп Митрага намозим...
Митрага топинурмиз –
Адоқсиз яйловдорга.
Сутли хаома билан,
Барсман хипчинлар билан,

Тилда гўзал лутф ила,
Қутлуг сўзу нутқ ила,
Сўзу амал бирлиги,
Чинлиги ва ҳақлиги
Бирла келтириб эҳсон.
(Митрага топинурмиз)
«Ахура Mazda савоб
Тан олган хилқатга
Йўллаймиз намозимиз»¹⁵⁵.

Йима (Жамшид) образида гўзал, ҳаттоки баркамол инсонни учратамиз. Зардуштийлик ривоятларига кўра, у Хоразмда илк бор муқаддас оловни ёққан ва одамларнинг фаровонлигини таъминлаш ҳамда чорва учун ерни кенгайтирган. «Бундахишн»-да келтирилган космогоник афсоналарга кўра, Жамшид ерни уч давр давомида кенгайтирган. Биринчи ва иккинчи даврда гўзал пиятдан олам яратилади (маънавий моҳиятлар яратилиши даври, гўзал моддий жисмлар яратилиши даври), учинчи давр «Хунук» ёвузлик билан боғлиқ, у Ахура Mazda яратган Гўзал моддий жисмни ҳаром қилиш, бадбашара қилишга интилади. Ахура Mazda Жамшидга оламнинг ҳимоячиси, асровчиси ва устози бўлишни буюради. Бунга жавобан гўзал Йима: «Мен оламни кенгайтираман, ўстираман, унинг ҳимоячиси, кўриқловчиси ва устози бўламан. Менинг ҳукмронлигим даврида на совук ва на жазирама шамол, на дард, на ўлим бўлади», – дейди¹⁵⁶.

Гўзал ният ва гўзал мақсадга эга «гўзал инсон» ана шундай тасаввур қилинган. Ушбу афсоналар Авестонинг мифологик қатламини ташкил қилишига қарамасдан, биз учун зардуштийлар тасаввурида гўзал бўлган ҳодисаларга улар берган маънавий-ахлоқий ва эстетик баҳо муҳим аҳамият касб этади. Авестода «гўзаллик» тушунчасининг маъноси қуйидаги эпитетлар

¹⁵⁵ Исҳоқов М. Авесто Яшт китоби. – Т.: Шарк, 2001. – 48-б.

¹⁵⁶ Авеста в русских переводах (1861–1996). – СПб, 1998. – С. 77.

оркали очилади: «энг буюк», «энг меҳрибон», «энг қатъий», «энг доно», «энг кўркам», «энг олий», «диёнатли», «шорлоқ» ва ҳ.к. Худди шундай «хунук» тушунчаси «тубан», «ҳалокатли», «жиркапч», «ёвуз», «зарар келтирувчи», «ҳаром», «кўрқинчли», «ёмон амалли», «шафқатсиз», «маккор», «қабих», «ёлгонли», «ғамгин» каби сўзлар билан тавсифланади.

«Гўзаллик» ва «хунуклик» эстетик категориялар сифатида Муқаддас Рух билан боғлиқ ҳар бир нарса ва ҳодисага бўлган муносабатни, шунингдек, инсоннинг ахлоқий-эстетик идеали ҳамда унинг Ахура Мазда яратган моддий дунёга муносабатини ифодалайди.

Эзгу ёки ёвуз ишлари, ниятлари ва фикрлари эвазига инсонлар ё тақдирланганлар, ёки жазоланганлар. Ўз ҳаёти давомида Ахура Мазда кўрсатмалари ва панд-насихатларига риоя қилган инсонлар ҳаётини Жаннатда давом эттириши билан тақдирланадилар, Анхра Майнью девлари эса Жаҳаннамга ағдариб ташланади. Моддий дунёда ҳам, нариги дунёда ҳам инсонни, Гўзаллик ва Хунуклик рамзини ифода этувчи икки паноҳ кутади. Масалан, келажакда ҳар бир киши ўз ажрини кўради: «Қизил олов ва эриган металл билан синовлардан ўтиб, дуружлар зулмат салтанатига, Арта тарафдорлари ёруғлик салтанатига кириб борадилар»¹⁵⁷.

Қабих ва разил ҳаёт кечирган, девлар тарафдори бўлган инсон руhini Визарша исми дев эгаллайди. Ёвузликка эргашган инсон ҳам, Ҳақиқат (Аша) билан бошқарилган инсон ҳам замон яратган ўз йўллариغا чиқадиладар. «Соф Чинвот» – Ахура Мазда томонидан яратилган кўприк – ўлганлар рухларини сўроққа тутадиган жой. У ерда инсоннинг бу дунёдаги ҳаёти қандай бўлганлиги, унинг руҳи ва виждони қандай бўлганлиги текширилади.

«Гўзаллик» категорияси Авестода моддий дунё ва инсон диёнатининг тақводорлигини эстетик жиҳатдан баҳолаш ме-

¹⁵⁷ Авеста в русских переводах (1861–1996). – СПб, 1998. – С. 143.

зони бўлиб хизмат қилади. Арианам Вайэджа – гўзал, Вахви дарёси – Даитъя – гўзал, Йима – гўзал, Ахура Мазда яратган ўтлюклар, чорва ва яйловлар – гўзал, улар «қизил ёниб турган олов»ларга тўлган, Ахура Мазда кўрсатмасига кўра, Йима дунёда гўзалликни яратиши ва кўпайтириши керак.

Зардуштийлик эстетик идеали ахлокий ва эстетик дунёқараш бирлигини ифодалайди. Зардуштийлар инсон яшаши учун керак бўлган барча жонли, фойдали ва зарурий нарса ва ҳодисаларга «гўзал» эпитетини ишлатганлар, нормадан оғиш бўлган, масалан, жисмоний ва ахлокий камчиликларни Хунукликнинг намоён бўлиши сифатида баҳолаганлар.

Авесто эстетикаси ҳаётий, оптимистик ва инсонпарвар характерга эга, у моддий ва маънавий дунёни англаб етиш, ҳаётни ва инсоннинг ўзини ўзгартиришга йўналтирилган. Зардуштийлик эстетикасига кўра, Ҳақиқат – бу Гўзалликдир, Гўзаллик эса – энг яхши ва энг олий неъмат, яъни Эзгуликдир, улар ажралмасдир, бир-биридан алоҳида, бир-биридан мустақил ҳолда мавжуд бўла олмайди. Табиат дунёси ҳам, инсон дунёси ҳам ана шу Гўзаллик ва Эзгуликнинг бир бутунлик қонуни асосида қурилган, улар доим ўзгариб туради.

Гўзаллик ва Эзгулик бир бутунлиги қонуни бузилган жойда, вайроналик, ёвузлик ва хунуклик дунёси бошланади. Шундай қилиб, ерда Эзгулик ва Гўзалликни мустаҳкамловчи, Ахура Мазда яратган моддий дунё ҳамда Ёвузлик ва Хунукликни ўзида мужассамлаштирган Анхра Майнью яратган нарсалар ўртасидаги кураш ғояси охир-оқибатда яратувчилик ёки бузгунчиликни тавсифлайди ва Авестонинг барча матнларида яққол кўзга ташланади. Шу билан бирга, зардуштийлик фалсафаси, этикаси ва эстетикасининг дуалистик ғояси бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш зарурки, зардуштийлик фалсафасида «ер», «олов», «сув», «осмон» каби тушунчалардан кенг фойдаланилган бўлса, эстетик категориялар дунёқараш ва онгнинг умумий синкретизмидан ҳали ажратиб олинмаган эди. Синкретик онг-

нинг умумий оқимида эстетик муносабат ва баҳолаш Ахура Мазда моддий дунёсининг тақводорлиги, ҳақиқийлиги ва ҳаёт-ийлигини мустаҳкамлашда кўшимча роль ўйнаган. Шунинг учун биз зардуштийлик эстетикасини ўша давр мантиғи ва тафаккурдан, қадимги одамларнинг эстетик муносабатининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқиш ва ёритиш имконини берадиган йўлдан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

Моддий дунё Ахура Мазда томонидан уни харом қилиш учун эмас, балки уни кўнайтириш, сақлаш ва ундан роҳатланиш мақсадида яратилган. Ушбу фикрни Ардвисура Анаҳита илоҳаси оғзидан эшитамиз:

91. Марҳамат килди Ардвн:

Ҳақ учун, аё Зардушт,
Кун чиқардан ботгунча,
Шафақ кўкни тутгунча,
Намозга бўл бакувват.
Эҳсон-ла йўкла бот-бот.
Дилга туг эзгу ният,
Дилда тартиб берилган.
Доно маъни, мазмунлар
Қатор-қатор терилган.
Муқаддас сўзнинг барча
Саволу жавобларин
Билгувчи қоҳинлардек
Намоз бағишла менга¹⁵⁸.

Шундай қилиб, завкланиш моддий ва маънавий дунёларни эстетик идрок этишнинг юқори даражада ифодаланиши бўлиб, тақводор ва диёнатли инсоннинг моддий дунё билан бирлашиш воситаси ва усули сифатида англанади. Фақат тақводор,

¹⁵⁸ Исҳоқов М. Авесто Ялт китоби. – Т.: Шарк. 2001. – 28-б.

соғлом инсон завқланиш ҳисига эга бўлиши мумкин. «Безгак, дабба бўлган, Гаталарни куйламайдиган, мохов, кўр, кар, пака-на, ақли заиф, ақлдан озган, олдидан букур, оркасида букур, тишлари кийшиқ кишилар бундай бахтдан маҳрум бўладилар»¹⁵⁹.

Зардуштийлик эстетикасига хос бўлган яна бир хусусият шундан иборатки, Авестода ахлоқий ва эстетик гоялар моҳиятини очиб берувчи категориялар ҳар доим бир бутунликда бўлади. Бу гоя Ахура Мазда ва Анхра Майньюлар эгизак бўлганлиги, лекин бошқа-бошқа йўл танлаганлари ва оламини ҳар хил ниятлар асосида яратганликлари тўғрисидаги тасаввурдан келиб чиқади, дуалистик дунёкарашни ифодалайди, буни Авестода баён қилинган барча ҳодисаларда кузатиш мумкин. Эзгулик ва Ёвузлик гояси, Гўзаллик ва Хунуклик, Яратиш ва Бузишлар Авестода Муқаддас Рухнинг Анхра Майнью яратган махлуқлари билан кураши орқали ёритилади.

Авестони ўрганиш Ўрта Осиё халқлари маънавий маданиятининг мазкур ноёб ёдгорлиги турли даврларда ва ҳар хил даражадаги истеъдод соҳиблари томонидан яратилган деган фикрни тасдиқлайди. Шунингдек, буни нафақат Авесто матнларининг кўпқатламлиги, балки Яштларлаги баъзи бобларнинг бадиий-эстетик даражаси ҳам тасдиқлайди. Масалан, И.М. Стеблин-Каменский таъкидлаганидек, қуёшга бағишланган «Хурмед Яшт», эҳтимол, қоҳинлар томонидан сунъийлиги кўзга ташланиб турган ўлик тилда кейинги даврларда тузилган бўлгани учун алоҳида шоирона жозибаликка эга эмас.

Ахура Мазданинг барча амалларида Гўзаллик, Шодлик ва Тинчлик-Хотиржамлик ҳис-туйғусининг мустақкамланиши зардуштийлик эстетикасига хос бўлган хусусиятдир. Бу ҳис-туйғулар, ҳақиқатан, эстетик онгни тавсифлайди ва уни ижтимоий онгнинг бошқа шакллари – амалий, ҳуқуқий, сиёсий ва ҳ.к. онглардан ажратиб туради.

¹⁵⁹ Авеста в русских переводах (1861–1996). – СПб. 1998. – С. 237.

«Видевдод»да «жисмоний дунё»нинг боскичма-боскич яратилиши баён этилган. Унда бешта «бахтиёр», «кувонч» туғдирувчи жойлар тилга олинади. Нима учун бу ерлар одамларда қувонч туғдиради? Чунки яйловлар, итлар, хотинлар, фарзандлар, олов, ноц ҳаммадан кўра мўл-кўл ерлардир, йирик ва майда қорамоллар ҳаммадан кўра кўп туғиладиган ерлардир, йирик ва майда қорамоллар ҳаммадан кўп бўшанадиган ерлардир¹⁶⁰.

Буларга қарши бешта «энг ғамгин», «аччиқ гуссага гирифтор бўлган» жойлар яратилади. Бундай жойларда девлар жам бўладилар, одамлар ва итларнинг кўплаб мурдалари калаштириб ерга кўмиладиган жойлардир, «курук ва губорли кўчада ўлдирилган Ашаван оргидан унинг хотин ва фарзандлари оху фиғон чекиб бораётган»¹⁶¹ ва ҳ.к. жойлардир. Демак, табиат ҳодисалари, одамлар ҳаёти ва фаолияти эстетик онг доирасига кириши учун эмоционал жиҳатдан, аниқроғи, ижобий эмоционал жиҳатдан баҳоланиши керак бўлган. Ҳодисалар, нарсалар ва одамлар фаолиятининг фақат ижобий, қувончли идрок қилиниши худога ёқадиган савобли ҳисобланган ва зардуштийларнинг ҳаётга нисбатан эстетик муносабати асосини ташкил қилган. Иккинчи томондан, эстетик муносабатнинг бундай тарзда англанишида XX асрнинг 60–80-йилларида бўлиб ўтган торгишувлар предметини ташкил қилган эстетиканинг мунозарали масаласи ётади. Бу «гўзаллик» тушунчасининг «фойдали» тушунчаси билан алоқаси тўғрисидаги масаладир.

Совет эстетикларининг ушбу масала бўйича баҳс-мунозарасига чуқурлашиб ўтирмасдан, шуни қайд этишимиз мумкинки, зардуштийлик эстетикасидаёқ, яъни ижтимоий онгнинг турли шакллари шаклланиши ва ривожланишининг тонгидаёқ, «гўзал» ва «фойдали» тушунчалари ажралмас бирликда идрок этилган. Агар нарса ёки ҳодисалар одамларга фойда келтирмаса, зардуштийлар учун улар гўзал бўлмаган, барча фойда

¹⁶⁰ Авеста в русских переводах (1861–1996). – СПб, 2008. – С. 87.

¹⁶¹ Авесто.// Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 113-б.

келтирувчи нарса ва ходиса эса гўзал, одамларга қувонч, хурсандчилик бахш этади деб ҳисобланган.

Зардуштийлар томонидан эстетик онгнинг шаклланиши жараёнида «гўзаллик» тушунчасининг қувонч ҳиси билан боғланиши алоқасининг интуитив англаниши инсоният маданияти тарихига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Ушбу муаммо Қадимги Юнон файласуфлари ҳамда Уйғоғиш даври эстетиклари ва санъаткорлари томонидан ҳам англаingan, лекин фақат Кант эстетикасида, унинг «эстетик мулоҳазанинг бегаразлиги ва холислиги» таълимотида назарий асослаб берилди.

Зардуштийликда Гўзаллик ва Фойдалилик бирлиги инсоннинг ҳаётга эстетик муносабатининг асосий тамойили даражасига кўтарилган. Агар Аҳура Мазда томонидан яратилган ернинг ўзи «энг гўзал», «энг қувончли» бўлса, унда ким уни «барака билан тўла таъминлайди»? Ерга ишлов берувчи! Шундан сўнг ер одамларга хурсандчилик, роҳат бахш этиши мумкин, агар бунинг акси амалга оingan тақдирда, инсон ҳар кимдан садақа сўровчи гадойга ўхшаб қолади.

Зардуштийлик эстетикасининг навбатдаги ўзига хос хусусияти инсон қувончи, гўзаллик ҳис-туйғусининг ҳаётий эҳтиёжлар билан бевосита боғлиқлигидан иборат. Замини ҳаммадан кўра энг бахтлироқ бўлган дунёдаги жой қаер деган саволга Аҳура Мазда қуйидагича жавоб беради: «Бундай жой қўлда покиза ўтин, барсам, ҳована ва янги соғилган сут тутган, ўз амал-эътиқодига дилда ишончи собит, ўктам овоз, кенг яйловлар ишқи билан масрур ва бу яйловларни қўшиққа солган бир Ашаван оёқ босган заминдир... Бир Ашаван уй тиклаган макондир. Ўша уйда мўбад рўзгор тебратади. Сигирлар галаси ва уй бекаси, фарзандлар ва сурувлар яшайди бу уйда. Сигирлар галаси яхши парвариш қилинади... Уй бекаси бахтиёр, фарзандлар шодмон. Ҳамиша олов гуриллаб туради... Бундай жой бир Ашаван ҳаммадан кўпроқ бугдой, ёғ ва мевали дарахтлар эккан, одамлар қуруқ ерларга сув чиқарган, сувли ерларни шудгор қилган заминдир... Бундай жой қўйлар суруви ва тевалар

уюри энг кўн парвариш қилинадиган заминдир... Бундай жой сернасл кўйлар ва тевалар яшайдиган заминдир»¹⁶². Буларга тескари ҳодисалар, хатти-ҳаракатлар ва қилмишлар кўнгилсизлик, салбий ҳис-туйғулар манбаидир. Зардуштийликнинг барча фалсафий, диний, ахлокий ва эстетик ғоялари меҳнатни инсоннинг барча моддий ва маънавий бойликларининг бош манбаси сифатида англаниши жараёнида тугилади.

29. Эй дунёни яратган Ҳаққи таоло! Маздаясна динининг мағзи (моҳияти) нима?

Ахура Мазда жавоб берди:

– Ерда ихлос билан дон етиштиришдир.

30. Ким дон экиб парвариш қилса, у имон уругини эккан бўлади. Бу одам Мазда динига ривож берган бўлади. У Мазда Ясна динини юзлаб қишлоқларга, минглаб кўрғонларга ёйган бўлади. У етиштирган доннинг доналари сон-саноксиз дуоларга айланади»¹⁶³.

«Такводорлик» ва «диёнат» тушунчаси орқали баҳоланаётган нарса, ҳодиса ёки инсон хатти-ҳаракатларини англатади. «Видевдод»да қайд этилганидек, ер беш ҳолатда бахтли, хурсанд бўлади, «гўзал» ҳодиса сифатида намоён бўлади. Такводорлик ушбу беш ҳолатда намоён бўлмаганда, ер бахтсиз, мажруҳ, яъни хунук бўлиб қолади: унда «дўзах моғорларидан чикқан девлар жам бўладилар», у «одамлар ва итларнинг кўшлаб мурдорлари тупрокқа кўмилгучи жой»га айланади, «сон-саноксиз дахмалар тикланиб, унинг ичига одамларнинг мурдорлари қалаштириб кўмиладиган жой»га айланади, «Ахримаш яратган махлуқлар кўшлаб ин қурган макон»га айланади, «қуруқ ва губорли кўчада ўлдирилган Ашаван ортидан

¹⁶² Авесто.// Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 112–113-бетлар.

¹⁶³ Исҳоқов М. Авесто: «Видевдот» китоби. – Т., 2007. – 23-б.

унинг хотин ва фарзандлари оху фиғон чекиб бораётган жой»-га айланади¹⁶⁴.

Ахура Мазда томонидан яратилган тўрт унсур: Ер, Олов, Ҳаво ва Сув – Гўзалликнинг асосий таркибий қисмлари ва ажралмас хусусиятидир. Ушбу унсурларга тегишли бўлган ҳамда уларнинг гуллаб-яшнаши ва пок бўлишига ёрдам берувчи барча нарса «гўзал» деб баҳоланади. Уларнинг биттасига бўлса ҳам зарар етказиб, ишдан чиқарган барча нарса Хунукликнинг намоён бўлиши ҳисобланади. Зардуштийлик эстетикасининг бутун моҳияти айнан шулардан иборат.

Ахура Мазда, Муқаддас Рухлар, Зардушт ахлоқий-эстетик идеални ифодаловчи Эзгулик ва Гўзалликнинг тимсолидир. Улар Ёвузлик, Анхра Майнью ва у яратган хунук махлуқларга қарши кураш билан боғлиқ ҳақиқатни ҳимоя қиладилар.

Гўзаллик моҳияти руҳ ва тана бирлиги, Эзгу фикр, Эзгу сўз ва Эзгу амалнинг ажралмас бирлиги сифатида англонади; тана ва руҳ бир бутун бўлмаган жойда Хунуклик ва тубанлик, Ёвуз фикрлар, Ёвуз сўзлар ва Ёвуз амаллар қутуради.

Моддий ва маънавий дунёларда Гўзаллик ҳаётнинг гуллаб-яшнашига, чорва ва фарзандларнинг мўл бўлишига, тақводорлик ва адолатнинг амал қилишига ёрдам беради, Хунуклик пайдо бўлган жойда эса вайроналик, қоронгилик ва бадномлик вужудга келади.

Гўзаллик ва Хунуклик, Ёруғлик ва Қоронгилик, Юксаклик ва Тубанлик, Пок ва Чиркин, Тақволи ва Гуноҳли, Жаннат ва Жаҳаннам ва ҳ.к. эстетик категориялар мамлакат учун бахтли, диёнатли ва адолатли ҳаётни яратиш каби Ахура Мазданинг олижаноб мақсадини ифодалайди.

Назорат саволлари:

- 1. Зардуштийлар дунёқараши синкретик оғ маҳсулидир деганда нимани тушунаси?*

¹⁶⁴ Авесто.// Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарк, 2001. – 113-б.

2. Нима учун Ахура Мазда томонидан яратилган тўрт унсур: Ер, Олов, Ҳаво ва Сув Гўзалликнинг асосий таркибий қисмлари ҳисобланади?
3. «Тақводорлик» ва «диёнат» тушунчаси деганда нимани тушунасиз?
4. Зардуштийлик эстетикасининг ўзига хос хусусияти нимадан иборат?
5. Зардуштийлик эстетикасининг асосий категорияларини тушунтиринг.
6. «Гўзаллик» категорияси Авестода қандай баҳолаш мезонига эга?
7. Авестода завқланишнинг моҳияти нимадан иборат?

Мустақил иш (реферат) мавзулари:

1. Зардуштийлар томонидан эстетик онгинг интуитив англалишининг назарий асослари.
2. Авесто эстетикасининг ҳаётий, оптимистик таълимотлари.
3. «Ормазд Яит»нинг бадиий-эстетик аҳамияти.
4. Зардуштийлик таълимотида эстетик онгинг шаклланиш масалалари.
5. Зардуштийлик эстетикасининг воқеликка баҳо беришнинг умумфалсафий моҳияти.
6. «Ардвисур» ёки «Атан Яит» алқовларининг бадиий-эстетик таҳлили.
7. Авесто космогониясида гўзаллик категорияси.

ЗАРДУШТИЙЛИКНИНГ ЭСТЕТИК ДУАЛИЗМИ

Зардуштийликда инсонлар заминни беш ҳолатда бахтиёр қилади дейилади. Бахтиёрлик, қувонч ҳиси инсоннинг ҳаётга нисбатан эстетик муносабатининг ўзагини ташкил қилишини ҳисобга олсак, юқорида эътироф этилган ҳолатлар Ёвузлик ва Хунуклик билан ахлоқий-эстетик кураш олиб бораётган зардуштийлар учун муҳим аҳамият касб этганлигини тушунамиз. Шундай қилиб, қандай кимсалар заминни бахтиёр қилар экан:

– У одамлар ва итлар жасадини тупроқдан энг кўп чиқариб ташлаган зотдир;

– У мурдалар қалашиб ётган дахмаларни бузиб ташлаган зотдир;

– Ахриман бино қилган инларни энг кўп вайрон қилган зотдир;

– У ҳаммадан кўп бугдой, гиёҳ ва мевали дарахтлар эккан зотдир. У қуруқ ерларга сув чиқарган ва сувли ерларни шудгор қилган зотдир;

– заминни яхшилаб шудгор қилган ва уни бир Ашаванга топширган Зот!¹⁶⁵

Юқорида келтирилганларда зардуштийларнинг дуалистик дунёқараши қанчалик ижобий ҳис-туйғуларга, инсоннинг яратувчилик, бунёдкор фаолиятига йўналганлиги яққол кўриниб турибди. Зардуштийлар томонидан табиат ҳодисаларининг жошлантирилган (персонификация қилинган) ҳолда англанишида улар ахлоқий-эстетик қарашларини тавсифловчи инсоний эҳтиёжлар ва ҳаётий ҳис-туйғулар намоён бўлади. Мазкур нуқтаи назардан келиб чиққанда, зардуштийлар топинишлари (культи)да моддий дунёнинг Гўзаллиги ва Эзгулигини қайд этиш ҳамда уларга баҳо беришда бир вақтнинг ўзида ҳам ахлоқий, ҳам эстетик тамойилдан фойдаланилган. Ахура Мазда ерни инсонларга энг катта бахт келтириши керак бўлган «гўзал» ҳодиса сифатида яратгани сабабли, уни ҳаром қилиш, булғаш, ифлослантириш нафакат катта гуноҳ, балки эстетик нуқтаи назардан хунук иш сифатида баҳоланган.

Бу билан боғлиқ равишда Авестода покланишнинг қатор меъёрлари ва қоидалари, ерни ҳаром қилганлик учун жазо чоралари ишлаб чиқилган. Покланиш, жазолаш ва авф этишнинг ушбу меъёрлари ва қоидаларида зардуштийликнинг оптимистик характери сезилади. Худони мадҳ этиш ва унинг гайритабиий гўзаллигига сажда қилиш, ушбу хаёлий гўзаллик моҳиятига етишиш мақсадида зоҳидлик тарғиб қилинган бош-

¹⁶⁵ Авесто.// Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 113–115-бетлар.

ка эътиқод ва динлар эстетикасига қараганда, зардуштийлик эстетикаси дуалистик тарзда инсоннинг фаровонлиги, бахтсаодати ва хурсандчилиги учун яратилган моддий дунёнинг гўзаллиги ва улуғворлигини тасдиқлашга қаратилган. Шунинг учун Эзгу фикр, Эзгу сўз ва Эзгу амал бирлиги зардуштийликнинг ҳам этикаси, ҳам эстетикасининг асосий тамойилидир.

Ахура Mazda томонидан яратилган моддий дунёга абадий ва ўзгармас гўзаллик хосдир, шунинг учун унга нисбатан қилинган ҳар қандай тажовуз Хунукликнинг намоён бўлиши ҳисобланган. Инсон ҳаётининг абадий эмаслиги ва Ёвуз Рухнинг турли зарар келтирувчи ҳаракатлари туфайли узилиши мумкинлиги сингари фожиали вазият ҳам ўзига хос талқинга эга.

«Гўзал» ерни ҳаром қилмаслик мақсадида қадимги зардуштийлар ёввойи ҳайвон ва қушлар жасадлар гўштини еб кетиши мақсадида уларни тоғу тошларга олиб чиқиб қўйишган. Бу ҳақида нафақат Геродот, Страбон, Помпей Трог каби Қадимги Юнон ва Рим муаррихлари, балки археологик қазинишлари асосида худди шундай хулосага келган собиқ шўро тадқиқотчилари ҳам ёзганлар.

«Дадестан-и-Деник» каби пахлавий тилидаги асарда маздапараст «жасадни тоғ чўққисига ёки... итлар ва қушлар гўштини ейиши мумкин бўлган жойга олиб чиқиб қўйиши керак», дейилган» (X, 5). Шайастда жасадлар гўштини ейдиган уч хил қушлар номи келтирилган: тоғ калхати, қора қарға ва қорақуш (гриф) (2-боб). Далварзин тепадаги узданада ҳам жасадлар суяги гўшздан ёввойи қушлар томонидан тозаланган (Ўзбекистон, Ртвеладзе, 1978)»¹⁶⁶.

Булар шундан дарак берадики, зардуштийлар учун ўлган одам жасади буюк изза-ҳурматга сазовор эмас, аксинча, у барча тирик мавжудотларга, Ерга, гўзалликка зарар келтириши мумкин бўлганлиги сабабли хавфли ҳисобланган. Шунинг учун ундан қутулиш мақсадида зардуштийлар поклаш

¹⁶⁶ Авеста. Закон против дэвов. (Видевдат). – СПб, 2008. – С. 137.

чора-тадбирлари ва остадонлардан фойдаланганлар. Бу билан боғлиқ равишда сув ва олов, ўтин ва ғаллани ҳаром қилиш ҳам оғир гуноҳ ҳисобланган ҳамда у Аҳура Мазда яратган гўзал нарса ва ҳодисалар тўғрисидаги тасаввурга зид бўлган.

Ириб ётган жасадни сув ёки оловга ташлаган инсон тақводор, диёнатли инсон ҳисобланмаган. Чунки у ўзининг ушбу қилимиши орқали ўргимчак ва чигирткалар кўлайишига сабабчи бўлади, оқибатда қурғоқчилик бошланади, ўтлар нобуд бўлади. Ўтин ва ғаллани пок ва гўзал ҳолатга келтириш учун, уларга сув сепиш зарур, шунда улар покланади. Ҳозир ҳам бу удум мурданинг ёндирилган, кул жасади дарёга ташланиши Ҳиндистонда сақланиб қолган.

Шундай қилиб, покланиш маросимлари ва қонунлари ҳам инсоннинг моддий дунёга нисбатан эстетик муносабатини ифода этган. Ернинг ўзи гўзал бўлганлиги учун уни эстетик жиҳатдан пок, ҳаром бўлмаган ҳолда сақлаш зарур. Масалан, сув ҳам ер сингари Аҳура Мазда яратган гўзал нарса бўлганлиги учун ҳар доим пок, ҳаром бўлмаган, булганмаган ҳолда бўлиши керак. Агар сув оқимида, кудукда, ҳовузда ёки сардобада одам жасади топилгудек бўлса, уни шу заҳотиёқ олиб чиқиб, курук ерга ётқизиш зарур. Чунки жасад сувда ётган вақтда сув ҳаром бўлади, уни истеъмол қилиб бўлмайди. Мурда Деви жасад орқали зарарли, юқумли касалликлар ва ярамас нарсаларни таркатади.

Шундай қилиб, агар зардуштийлар эстетик идеали тақводор инсон, Аҳура Мазда тарафдори хатти-ҳаракатларида намоён бўлса, барча тубан, ғайринсоний ва ҳаётга қарши қаратилган нарса ва ҳодисалар Девлар, Анхра Майнью ёвуз кучлари образлари орқали ифода этилади.

Олов ер сингари нафақат муқаддасдир, балки Гўзал, алоҳида муносабат ва иззат-ҳурмат талаб этувчи унсур ҳисобланган. Бошқа диний эътиқодлардан, шу жумладан, буддавийликдан фарқли ўлароқ, моддий олам ҳодисаларига сизгиниш зар-

душгийликка ёт бўлган. Ахура Мазданинг Гўзалликка бағишланган эзгу фикрининг тимсоли бўлган моддий олам сажда қилиш объекти эмас, балки иззат-хурмат объектидир. Чунки «сажда қилиш, сиғиниш, атаманинг ҳақиқий маъносига кўра, фақат Яратувчи, Коинот тақдирини бошқарувчисидан бошқа ҳеч қимга лойиқ эмас. Олов яратилган, у макон ва замонда бошланишга эга, моддийдир, вақт ўтиб сўнади, демак, у ташқи бир нарса билан шартланган, лекин ўзи яратувчи эмас. Шунинг учун оловни илоҳий имкониятлар ва субстанциялар рамзи сифатида ҳурмат қилиш даркор»¹⁶⁷.

Зардуштийликда сув ва олов «гўзал унсурлар сифатида» шундай ҳурматга сазоворки, агарда одам сувга чўкиб ёки оловда куйиб ўлган бўлганда ҳам, бунга сув ҳам, олов ҳам сабабчи эмас, балки:

– сув ҳеч кимни ўлдирмайди. У тан заволи, ўлим деви Астуваязутудирки, кимсани ўз домига тортади ва оёқ-қўлларини маҳкам боғлаб ташлайди. Шунда селоб ўз қаърига тортиб, сув кенгликларига иткитиб юборади;

– олов ҳеч кимни ўлдирмайди. У тан заволи, ўлим деви Астуваязутудирки, кимсани ўз домига тортади ва оёқ-қўлларини қаттиқ боғлаб ташлайди... Олов унинг тану жониши куйдириб юборади¹⁶⁸.

Эзгулик ва Гўзалликни тасдиқловчи барча ҳодисаларга уларнинг муҳолифлари бўлган Ёвузлик ва Хунуклик қарши туради. Олов ва Сув каби гўзал ҳодисаларни англаш билан бир вақтда олов ва сув ёрдамида инсон ўлимига кўмаклашувчи Дев, ўлим, ёвуз шамол каби Хунук ҳодисалар тилга олинади. Сув ва оловнинг инсон ўлимига дахли йўқ, чунки улар фаровон ва гўзал ҳаётни яратиш учун мўлжалланган.

Зардуштийларнинг моддий олам ходисаларига бўлган муносабатида тараққий этиш, фаровонлик ва хурсандчиликка кў-

¹⁶⁷ Лелеков Л.А. Зороастризм: явления и проблемы // Локальные и синкретические культы. – М., 1991. – С. 34.

¹⁶⁸ Авесто.// Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 123-б.

маклашувчи ижобий бошланғич асос устунилик қилгани ҳолда, эзгу амалларда эзгу фикрнинг эстетик жихатдан тасдиқланишини кўрамиз; салбий, бузгунчи кучлар амал қилган жойда Хунукликнинг намоён бўлиши, яъни Эзгу фикр, Эзгу сўз ва Эзгу амалдан чекинишни кузатамиз.

Бундан зардуштийлар эстетик идеали қандай бўлганлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Қандай инсонни Гўзал, Эзгу ва Такводор деб ҳисоблаш мумкин?

«... Ашаван Аҳура Мазда ушбу сўзлар билан Зардушт жонига поклик асрорини бағишлади. Зардушт одамлар ўз ёзуғларидан эзгу амал, эзгу фикр ва эзгу калом билан халос бўлиши мумкинлигини англагач шод бўлди»¹⁶⁹.

Булар нафақат Аҳура Мазда талаблари бўлган, балки эзгулик ва адолатга асосланган ҳаёт қонуни эди, у зардуштийлар ахлоқий-эстетик идеалини, инсоннинг моддий дунёдаги гўзал амалларининг намоён бўлиши ва тасдиқланишини белгилаб берган. Бу қонун воситасида Гўзаллик ва Эзгулик Ёлғон ва Хунукликнинг вайронкор кучидан ажратилади. «Гўзал инсон» муҳолифи қуйидаги хусусиятларга эга:

37. Кимда-ким тириклиги чоғида сувни булғаса, оловни сўндирса, тевалярни ўғирлаб, сўйиб юборса.

У тириклиги чоғида ўлдиргувчи мушт билан бир ашаванни уриб, жонини танидан жудо қилса...

У ўлимдан сўнг бундай қила олмайди.

38. ... Ҳақиқатда, у тубанкор, икки оёқли махлуқ ё йўлдан оздиргувчи дев Ашмуг ўз тириклигида ашаваннинг ризқидан, энгил-бошидан, ўлан-тўшагидан жудо қилмоқни тарк этмайди.

У ўлимидан сўнг бундай қила олмайди¹⁷⁰.

Инсонга ўлимидан сўнг ё Жаннатдан, ё Жаҳаннамдан жой ато этилиши унинг амалларининг фойдалилиги ёки зарар келтирганлиги, гўзалликни яратганлиги ва кўпайтирганлиги, у келтирган вайронлик ва зарар даражасига боғлиқ.

¹⁶⁹ Авесто.// Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 124-б.

¹⁷⁰ Ўша маъна. – 125-б.

Зардуштийликда Гўзаллик ва Хунуклик – Жаннат ва Жаҳаннам рамзларидир. Жаннат – барча ёвузлик ва хунукликдан ажратилган боғдир, у абадийдир ва унда такводор инсонлар рухлари роҳат-фароғат ва осойишталикда яшайдилар. Жаҳаннам эса – девлар, қора ва ёвуз кучлар маконидир, у ерда рухнинг нобуд бўлиши муқаррар.

Жаннат ва Жаҳаннамнинг қиёфаси ва моҳиятида ҳам, шунингдек, ёвуз кучлар билан кураш содир бўлаётган, лекин охир-оқибатда ҳаёт, гўзаллик, бунёдкорлик ғалаба қозониши муқаррар бўлган, моддий дунё тавсифида ҳам зардуштийлик эстетикасининг келажакка бўлган ишончи ва ҳаётийлиги намоен бўлади. Чунки моддий олам яратувчиси, эзгу нарса ва ходисалар яратувчиси Ахура Мазда «Жаннат биносини гўзал, порлок ва узоқдан кўринувчи қилиб яратган». Диёнатли инсон интилиши керак бўлган гўзаллик рамзи ва эстетик идсал сифатидаги жаннат қуйидагича тавсифланган:

52–54. Икки олам унинг руҳини қўлга киритмоқ учун жанг қилмайди ва абадий саодат манзилига оёқ кўйганида юлдузлар, ой ва куёш унинг дийдорини кўриб шодмон бўладилар. Мен – Ахура Мазда – уни кўриб шодликдан шундай хитоб қиламан:

Эй мен халқ қилган зот, сенга саломлар бўлсин! Сен ёзуг ва хатоликлар заминидан абадий саодат манзилига ташриф буюрмоқдасен»¹⁷¹.

Жаннатнинг акси бўлган Жаҳаннамнинг Хунук қиёфаси тўқ қора тусларда тасвирланган: ер юзини дахмалар босган, уларда жасадлар қалашиб ётибди,

55. ...Девпарастрларнинг макони қаерда?

Девлар гуруҳи мудом изғиб юрадиган макон қаерда?

Девлар гуруҳи учиб келадиган манзил қаерда?

¹⁷¹ Авесто.// Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарк, 2001. – 135-б.

Қаерда ўша маконки, девлар гуруҳи элликлаб, юзлаб, минглаб, ўн минглаб, ўн минглаб, ўн минглаб кишиларни ўлдирмоқ учун шитоб қиладилар?¹⁷²

58. Токи ўша дахмаларда чирк ва палидликлар мавжуддир, девларнинг шодиёнаси бардавом бўлади. Энг ёмон касалликлар – иситма, мадалаш, нотавонлик, суякнинг ириши, эрта соч оқаришлар ўша дахмалардан содир бўлади¹⁷³.

Дахмалар, девлар – хунуклик, вайроналик, кассалликлар ва ўлим рамзидир. Агар Эзгулик ва Ёвузлик, Тақводорлик ва Покланиш зардуштийлик этикасининг категориялари бўлса, Гўзаллик ва Хунуклик, Ҳақиқат ва Ҳаром қилиш эса зардуштийлик эстетикасининг асосий тушунчаларидир.

Аша – Ҳақиқат, Гўзаллик «Артавахишта – Энг Олий Тақводорлик илоҳаси сифатида жонлантирилган. У Кушонлар сулоласи тангаларида худди Қадимги Юнон илоҳаси Тюхе ёки Қадимги Рим илоҳаси Фортуна каби руҳоний, қоҳин аёл либосларида, баъзида кўлида мўл-кўлчилик берувчи хайвон шохини ушлаб турган ҳолда тасвирлаган (Смирнова, 1974, 134-бет).

Эрта зардуштийликда мавҳум тушунча сифатида ифодаланган Дуруж ҳам «Видевдод»да (ХУШ, 30–58) аёл жинсли, инсон кифоли антропоморф жиҳатларга эга дев сифатида жонлантирилган»¹⁷⁴.

Авестода дев нафақат вайроналик, ҳаром қилиш рамзи, балки тақводор бўлмаган махлуқ кифоасидаги Хунукликнинг жонлантирилиши, яъни персонафикациясидир.

Моддий олам нарса ва ҳодисаларини ҳаром қилиш, Авестога мувофиқ, Гўзалликни ҳаром қилиш билан тенглаштирилган.

¹⁷² Авесто.// Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 135-б.

¹⁷³ Ўша манба. – 136-б.

¹⁷⁴ Авеста. Закон против дэвов. (Видевдат). – СПб, 2008. – С. 156.

Гўзалликни ҳаром қилиш – «Хунукликнинг» намоён бўлиши, яъни нарса ва ҳодисаларнинг илк қиёфаси – гўзаллигидан маҳрум қилиш ҳисобланган. «Гўзаллик» ва «Хунуклик» эстетик тушуинчаларининг моҳияти айнан шулардан иборат эди.

Моддий дунё ҳодисалари ёрқин, қувончли, осойишталик ва фаровонлик манбаи сифатида ифодаланганда, шунингдек, уларга қарши турган қора кучларга нисбатан тегишли муносабат билдирилган ва баҳоланганда, биз зардуштийликда ахлоқий-эстетик баҳо бериш масаласи билан тўқнашамиз. Ижобий, бунёдкор ва ҳаётбахш фикрлар, сўзлар ва амаллар Гўзалликнинг буюклигини мустаҳкамлайди ва тасдиқлайди. Аксинча, бузғунчи, ҳаром қилувчи, таҳқирловчи, ерга урувчи фикрлар, сўзлар ва амаллар Хунукликнинг тубанлигини ифодалайди. «Тиштр-Яштда» Тиштра юлдузи ҳақидаги ривоят келтирилган:

26. Порлок гўзал Тиштрия,
Оқ от бўлиб шамолдек
Олтин кулоқ ва олтин
Тизгину олтин сувлуқ.

Гўзал Тиштра акси сифатида Апаоша деви Хунуклик қиёфасида тасвирланган:

27. Унга қарши қора дев
Қирчанғи от мисоли.
Апаоша борар шошиб,
Туллаб тушган жунлари,
Кулоқларидир чиноқ,
Қўрқинчли, ёллари йўқ,
Ортида думи ҳам йўқ¹⁷⁵.

¹⁷⁵ Исҳоқов М. Авесто Яшт китоби. – Т.: Шарқ, 2001. – 76-б.

Ахура Мазда томонидан яратилган мукаддас илоҳлар пантеонида эстетик жозибадорлиги нуктаи назардан Аши – Ахура Мазда кизи, Митра илоҳининг синглиси – алоҳида ўрин эгаллайди.

«Арл-Яштда» эзгу тақдир ва саодат илоҳаси Аши образи шунчалик нафис ва шоирона тасвирланганки, унинг ердан туриб мадҳ этилиши, илоҳий ваҳий гўзаллиги олдида бош эгилиши, унга сажда қилиниши, ҳақиқатан, бадий-эстетик завқ хиссини туғдиради:

6. О, кўркам юзли Аши,
Ёлкини порлоқ Аши –
Элу юрт узра нурин
Сочиб роҳат улаша,
Бергувчи шону шараф!
Йўлинг тушса қай уйга,
Унда муаттарликдир.
Эзгу Аши қай уйга
Қадам ранжида қилса,
Унда авлод томири
Узилмаслиги тайин¹⁷⁶.

Аши одамларга бой ҳудудлар тортиқ қилади, у ерда озиқ-овқат сероб ва турли бойликлар мўл, одамларнинг уй-жойлари қулай, ўринлари чиройли солинган, хушбўй, ёстиқларга тўла:

9. Сен кимгаки издошсан,
Эзгу Аши, уларнинг
Олтин оёқлари узра,
Уйқу тахтидир файзнок,
Юмшоқ ёстиқлар тўла,
Муаттару йиғинчок

¹⁷⁶ *Исҳоқов М.* Авесто Яшт китоби. – Т.: Шарқ, 2001. – 39-б.

«Фаровону алп Аши
Менга ҳам бўлгил ҳамроҳ».
Хобгоҳ узра ўлтирар
Суюкли хотинлари,
Юмшоқ пар ёстикларда
Нафис зийнатлар ичра,
Олтин ичра зебланиб,
Билакузук, мунчоқлар,
Сирғалари тўрт кирра.
Сўзлашишар ўзаро:
«Хожамиз келар қачон?
Суюкбадан роҳатин
Тотармиз бизлар қачон?
Фаровон, полвон Аши,
Бўлгил издош, жонажон!»»

11. Уйларида ўлтирар
Билакузукли қизлар.
Белда чилвир белбоғи
Қадди адл барнолар –
Кўрсанг, ҳавасинг кўзгар
(Аши қилса муносиб)
... Менга бўл издош, Аши,
Сен маъмур, қудратбоши¹⁷⁷.

Шоирона тил шунчалик жозибалики, худди мадҳиялар
илоҳлар гўзаллигини эмас, балки жонли мавжудотлар чиройи-
ни тасвирлагандек бўлади. Ёруглик ва Қоронғилик, Гўзаллик
ва Хунуқлик, Ҳаёт ва Ўлимнинг ана шундай қарши қўйили-
ши зардуштийлар эстетик онги асосини ташкил қилган. Лекин
ушбу ҳаммаёқда ва ҳамма нарса ва ҳодисаларда содир бўлаёт-
ган муросасиз курашда Эзгулик, Гўзаллик ва Диёнатнинг тас-
диқланишига қаратилган эстетик идеал галаба қозонади.

¹⁷⁷ Исҳоқов М. Авесто Яшт китоби. – Т.: Шарқ, 2001. – 39-б.

Зардуштийларнинг эстетик идеали фақатгина инсоннинг диёнати ва хулқ-атвори билан чекланиб қолмайди. Бу идеал такводор инсоннинг моддий дунёни бутунлай қамраб олувчи қарабини ифодалаган. Зардуштийликда инсоннинг гўзаллиги нафақат Ахура Мазда «яратган гўзал нарса» сифатида англанади, балки яхши кайфият ҳамда юмшоқ феъл-атвор, мулойимликни ҳам ўз ичига олган.

42. Эй Сипийтмон Зардушт!

Кимки покловчини шод айласа, у оловни хушҳол қилган бўлади. Сувни хушнуд қилган бўлади. Тупрокни хушнуд қилган бўлади. Дарахтларни хушнуд қилган бўлади. Ашаван эрлар ва ашаван аёлларни хушнуд қилган бўлади¹⁷⁸.

Бундай инсонга нариги дунёдаги ажр сифатида Жаннат фароғатини ваъда қилишинг мумкин.

44. Уқбо ҳаётида биҳиштнинг осойишта ва хушҳол ҳаёти унга насиб этажагидан мужда бер, эй Зардушт!¹⁷⁹

Бунинг учун инсон ўз тана ва руҳини поклаши лозим: «Покланиш инсон ҳаётидан кейинги буюк неъматдир. Инсон учун Мазда дини, О Зардушт, унинг яхши фикр, сўз ва амаллар билан покланишидир»¹⁸⁰.

Зардуштийлик эстетикасида «Гўзал», «Фойдали», «Эзгулик» тушунчалари синоним (маънодош сўзлар) сифатида ишлатилади, шу билан бирга, инсон ҳаёти ва фаолияти, осойишталиги ва саодатига кўмаклашувчи барча нарсаларнинг ажралмас хусусиятини ташкил қилади. Шунинг учун ер гўзал, у инсонни саклайди ва кўмади. Олов – гўзал, у инсонлар-

¹⁷⁸ Авесто.// Аскар Махкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 149-б.

¹⁷⁹ Ўша жойда.

¹⁸⁰ Авеста. Закон против дэвов. (Видевдат). – СПб, 2008. – С. 189.

га ёруғлик ва иссиқлик бахш этади; сув – гўзал, у ҳаёт учун фойдали; ҳаво – гўзал, чунки инсонга эрк беради ва ҳ.к. Шунингдек, ит – гўзал, чунки у ёвуз девлардан муҳофаза қилади; сигир – гўзал, у одамлар учун ҳаётбахш ва шифобахшдир; хўроз – гўзал, чунки у Ёвуз Рух томонидан келаётган таҳдид ҳақида хабар беради ва ҳ.к.

Ўз фикри, ўз сўзи ва ўз амалини абадийлаштирамоқчи бўлган яратувчи ва вайрон қилувчи икки Рухнинг абадий курашига моддий дунёда Гўзалликнинг Хунукликка қарши кураши мутаносиб (тўғри) келади. Бу шафқатсиз курашда моддий олам нарса ва ҳодисалари эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амалда бирлашиб, Муқаддас Рух яратган «гўзал нарсаларни» ҳимоя қилиши ва кўпайтириши керак. Моддий оламда ҳайвонлар, ўсимликлар, олов, ер, ҳаво ва инсон ўртасида фарқ йўқ. Улар Муқаддас Рух яратган «гўзал нарсалар»ни ҳимоя қилиш учун бирлашадилар.

Зардуштийликдаги дуалистик дунёқараш К.Г. Залеман томонидан амалга оширилган таржимадаги «Ўлимдан сўнг рухнинг тақдири» деб номланган Яштда (22) бадий-эстетик тарзда ифодаланган. Зардушт Ахура Маздадан: «Диёнатли инсон вафот этгандан сўнг биринчи, иккинчи, учинчи тунда унинг руҳи каерда бўлади?» – деб сўрайди. Ахура Мазда: «Тақводор инсон руҳи унинг вафотидан сўнг биринчи, иккинчи ва учинчи тунда унинг бош томонида ўтириб, бутун дунё ҳис этадиган ҳузур-ҳаловат, хурсандчиликни ҳис қилади», – деб жавоб беради.

Учинчи тун тугагандан сўнг, тонг ёришган пайтда тақводор инсон руҳи ўсимликлар ва хушбўй нарсалар устида учиб юради. Унинг қаршисига жанубдан, жанубий мамлакатлардан эсувчи хушбўй шамол бошқа ороллар, водийлар муаттар исларини олиб келади.

Ушбу шамол билан бирга «гўзал, ёрқин, ок-малла сочли, хушбичим, кўкраклари баланд, қад-қомади келишган, салобат-

ли (улуғвор), юзлари порлок, ўн беш ёшар, гўзал баданли қиз қиёфасида унинг имони (эътиқоди)» пайдо бўлади.

Такводор инсон руҳи ундан «Ким сен, хой, қизлар ичра энг гўзали?» – деб сўрайди. Унга ўз Имони шундай жавоб беради: «Мен, эй эзгу фикрли, эзгу сўзли, эзгу амалли, эзгу имонли йигит, сенинг ҳақиқий кўринишдаги Имонингман. Сени ушбу улуғворлигинг, эзгулигинг, гўзаллигинг, эзгу сўзлигинг, девларга қарши зафарли куч-қудратинг учун барча одамлар яхши кўрган, буларнинг ҳаммасини менда кўрмоқдасан. Эй, эзгу фикрли, эзгу сўзли, эзгу амалли, эзгу имонли йигит, мени ушбу улуғворлик, эзгулик, хушбўйлик, девларга қарши зафарли куч-қудрат учун яхши кўрдинг, уларни мен сенда кўрмоқдаман»¹⁸¹.

Такводор инсон руҳининг шамол билан, яъни гўзал қиз қиёфасида жонлантирилган Ахура Мазда Имони билан учрашувидан сўнг такводор руҳи янада ёқимли, янада гўзал, янада исталган бўлиб, мукамалликнинг юқори поғонасига кўтарилади.

«Такводор руҳи биринчи қадам босганда Хумата (эзгу фикрлар)га чиқади; такводор руҳи иккинчи қадам босганда Хухта (эзгу сўзлар)га чиқади; такводор руҳи учинчи қадам босганда Хваршта (эзгу амаллар)га чиқади; такводор руҳи гўртинчи қадам босганда абадий ёритқичларга чиқади»¹⁸².

Гуноҳкор банда вафот этгандан сўнг унинг руҳи биринчи, иккинчи, учинчи тунларда қаерда бўлади, деган саволга Ахура Мазда шундай жавоб қилади: «Бу тунларда гуноҳкор инсон руҳи бутун тирик оламдаги нохушликларни бошидан кечиради. Шамол бадбўй хидларни таркатади. Шундан сўнг руҳнинг рўпарасидан хунук қиз чиқади. Гуноҳкор банда руҳи: «Ким сен, сендан хунук ва жирканч қизни оламда учратмаганман?» – дейди. Хунук қиз жавоб беради: «Мен қиз эмасман, мен сенинг

¹⁸¹ Авеста в русских переводах (1861–1996). – СПб. 1998. – С. 409.

¹⁸² Ўшманба. – С. 410.

ёвуз амалларингман, эй, гуноҳкор, ёвуз фикрли, ёвуз сўзли, ёвуз амалли ва ёвуз имонли... Мен сенинг ёвуз фикрларинг, ёвуз нутқларинг ва ёвуз амалларингман, сен уларни фикрлагансан, сўзлагансан ва қилгансан. Мен обрўсиз эдим, сен орқали янада обрўсизландим; мен жирканч эдим, сен орқали янада жирканч ва разил бўлдим; мен иснодга қолган эдим, сен орқали янада кўпроқ лаънат эшитдим».

Шундай қилиб, гуноҳкор инсон руҳи биринчи қадам босганда, ёвуз фикрларга айланади (Душмат), иккинчи қадам босганда ёвуз нутқларга айланади (Дужухт), учинчи қадам босгандан сўнг ёвуз амалларга айланади (Дужварешт), тўртинчи қадами эса чексиз қоронгиликка олиб келади. Булар тана ва руҳнинг фарқи оқибатидаги натижадир¹⁸³.

Шундай қилиб, Авесто матнларининг таҳлили зардуштийлик эстетикаси бўйича қуйида келтирилган хулосалар чиқаришга имкон яратди:

– ўзининг моҳияти ва мақсадига кўра, моддий олам Муқаддас Рух томонидан маздапарастларнинг фаровон ва бахтли ҳаёт кечирishi учун яратилган;

– гўзаллик – бу ҳаёт рамзи, Хунуклик эса ўлим ифодасидир;

– зардуштийлик эстетикаси моддий олам ва инсон ҳаёти гўзаллиги дуалистик фалсафий англианишининг яққол намунасидир;

– зардуштийлик эстетикаси – зардуштийлар дунёқарашининг оптимистик ва инсонпарвар характерга эгаллигининг ёрқин далилидир;

– Авесто – ноёб бадий-маънавий кадриятдир, унинг таркибидаги тарихий-мифологик, диний-фалсафий ва ахлоқий-эстетик қатламлар янада чуқур ва ҳар томонлама ўрганилиши лозим.

Умуман олганда, зардуштийлик эстетикаси қадимги одамлар маданий-тарихий ривожланиши жараёнида романтик

¹⁸³ Авеста в русских переводах (1861–1996). – СПб. 1998. – С. 411.

дунёқарашнинг шаклланганлиги ва ривожланганлигидан да-
долат беради. Унга ҳаёлнинг боқий парвози афсонавийлик хос
бўлган ҳамда у ўзида реал ва ирреал, исталган ва мавжуд бўл-
ган нарса ва ҳодисаларни бирлаштирган.

Зардуштийликнинг эстетик дуализми Инсон, Табиат ва
Илохий руҳ ўртасидаги мураккаб ва гўзал муносабатлардан
хабар берувчи, инсонни эстетик кечинмалар, бунёдкор дунёқа-
рашга чорловчи, табиат ва инсоннинг мураккаб, айни чоғда,
бир-биридан ажралмас рухий-романтик қисматларидан хабар
берувчи илк, аммо чуқур фалсафий маъноларга бой буюк таъ-
лимотдир.

Назорат саволлари:

- 1. Зардуштийларнинг эстетик дуализми деганда нимани тушунасиз?*
- 2. Ахура Мазда яратган, инсонларга энг катта бахт келтириши мум-
кин бўлган «гўзал» ҳодиса нима?*
- 3. Зардуштийлар романтик дунёқарашининг асосий мотивлари нима-
ларда ифодаланган.*
- 4. «Гўзаллик – бу ҳаёт рамзи» деганда нимани тушунасиз?*
- 5. Зардуштийлик эстетикасидаги «Гўзал», «Фойдали», «Эзгулик» ту-
шунчаларини изоҳлаб беришг.*
- 6. Зардуштийларнинг эстетик идеали деганда нимани тушунасиз?*
- 7. Покланиш маросимлари ва қонунларининг моддий дунёга нисбатан
эстетик муносабатининг ифодаланиши қандай тарзда кечган?*

Мустиқил иш (реферат) мавзулари:

- 1. Башарият эстетик тафаккур тараққиётида Авестонинг ўрни ва
аҳамияти.*
- 2. Эстетик таълимот ва Авесто қадриятлари.*
- 3. Ахлоқий ва эстетик муштараклик – Авестонинг фундаментал таъ-
лимоти сифатида.*
- 4. Авесто шохидети ва эстетик тамойиллар.*
- 5. «Обон Яшт» қасидасининг бадийий-эстетик моҳияти.*
- 6. Наврўз – миллий қадриятимизнинг сарчашмаси.*
- 7. Зардуштийлик таълимотида гўзаллик категорияси.*

ФАНГА ОИД ҚИСКАЧА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ

Авесто (Апастаг) – муқаддас китоб. Яратилган вақти уч минг йилдан олдинги даврга тақалади. Оғзаки тарзда авлоддан-авлодга узатилиб келинган ва VII аср чамаси йиғилиб, бир тизим ҳолида китоб қилинган, маздаясна (зардуштийлик) динининг муқаддас китоби. Бу китобнинг номи авесточа «вис» («вид») сўзидан ясалган бўлиб, «билим», «таълимот», «кўрсатма» деган маъноларни англатади. Зардуштийлик таълимотига кўра, Авесто Ахура Мазда томонидан нозил қилинган илохий кўрсатмалар тўпламидир (Шаяст ла шаяст. XVII: 8). А.нинг тили бошқа тиллардан жиддий фарқ қилувчи Авесто тилидир (Сад Дар. LXXXI: 10). А. Яратилган вақтда 21 наск (қисм)дан иборат эди (O225 – Оуселей қўлёзмалар коллекцияси, Бодлиен кутубхонаси, Б.Британия; MN10 – Ольшаусен ва Моҳл қўлёзмаси, Мюнхен давлат кутубхонаси, Германия). Александр Македонский ва араблар босқини туфайли А.нинг катта қисми йўқолган. Бизгача унинг Ясна (Заратуштра Ғаталари билан биргаликда), Видевдрд, Яшт, Виспарад, Хорда Авесто қисмларигина етиб келган. Авесто китоби – энг қадимги ва биринчи жаҳон дини зардуштийликнинг муқаддас китоби. У исломга қадар Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган. У худодан ваҳий келиши орқали одамларга пайғамбар Зардушт (Заратуштра исмининг ўрта форс тилидаги шакли) билдирган дин сифатида талқин қилинади. Ҳозир фанда Авестонинг Ясна, Видевдод, Виспрад, Яшт каби китоблари мавжуд. Кўп қисмлари йўқолиб кетганига қарамай, сақланган қисмларнинг ўзиёқ Авестонинг энциклопедик улуғворлигини, тарихий манба сифатидаги юксак қимматини, умумбашарий маънавий хусусиятларини тўла намоён этиб олади.

Амератат (авесточада «ўлимсизлик») – Ахура Мазданинг сифатларидан бири бўлиб, унинг азалий ва абадий эканлигини кўрсатади.

Аша (форс тилидаги манбаларда «Ашаҳ» тарзида учраб туради) – тўғрилиқ маъносини англатиб, «Ашаҳ» гоҳларнинг хиндий.

оврупача ва форсий нусхаларида ростлик, ҳақ, ҳақиқат, ҳакам, олам тартиби, яратилишнинг абадий қонуни, мукаммал назм ва тартиб, муқаррар маздача қоида каби маъноларни муҷассам этган.

Ахриман (Ангра Майнью) – Авестода «Ангар Майнью». Форс ва турк тилларида – «Ахриман» – душман, ёвузлик олами. Қадимги Шарқ халқлари қарашларига мувофиқ икки асл хилқатнинг бири. Ахриман ҳамма давру замонлар адабиёт ва фалсафасида ёвузлик тимсоли бўлиб келган. Ахриман барча девларнинг саркарда ва солоридир. У дунёдаги жамийки нопокликлар, разилликлар ва зулм-ситамнинг мойси. Ахура Маздага қарама-қарши барча ифлослик ва касаллик, чанг ва занг, хиёнат ва исқиртлик, чирк ва чурук, сўлиган ва куриган нарсаларнинг моҳиятини ва хатги ҳаракатини ифодаловчи, абадий эзгулик билан курашувчи тимсол.

Армаитий – «Гох»ларда, асосан, Армаитий жузъи ишлатилган. Спента Армаитий Ахура Мазданинг намоён бўлиш тарзларидан бири, яъни эманация. «Кенжа Авесто»да Спента Армаитий она маъбудалардан бири... ва у моддий олам узра Ерни қўриқловчи хомийдир. У руҳий оламда, маънавий майдон ичра инсоннинг руҳий осойишталиги, оқиллиги, пок тийнатлиги, эзгуликка дўстона хайрихоҳлиги каби хислатлар қўриқчисидир. Спента Армаитий Ер-заминга кут-барака, серҳосил унумдорлик бахшида этади.

Ардвисура Анахита – сувлар илоҳаси. Зардуштийликда аёл жинсига оид маъбудалар пантеонидаги энг нуфузли образ. «Обон яшт» касидаси «Авесто»нинг энг мукаммал қисматларидан биридир.

Амешаспендлар – (авесточада ўлимсиз муқаддасиётлар) – Авестода «Амеша Спента», пахлавийда «Амиус-панд» ё «Амхараспанд». «Барҳаёт зотлар» маъносини англатади. Маздапарстлар динида Бахман, Ардабиҳишт, Шахриёр, Сипандормаз, Хурдод ва Амурдод каби илоҳлар гуруҳи Амешаспендлардир. Бу мўътабар зотлар Ахура Мазданинг эзгу ва масъулиятли вазифаларини ўз зиммаларига олганлар. Ахура Мазданинг олтита исм-сифатлари. Улар: Аша Ваҳишта, Воҳу Мана, Спента Армаитий, Хшатра Ваирья, Ҳаурватат, Амератан.

Аша Ваҳишта (авесточада «энг аъло адолат») – адолат рим Авестода тасвирланишича, А.В. бутун борлиқнинг қонунидир

Ахура Mazda (авесточада «Доно ҳукмдор») – маздаясна эътиқоди бўйича, бутун борликни яратган ягона илоҳ. Язад (илоҳ деб қаралади)лар эса унинг сифатларидир. Ашах ва яҳшпилик – оламининг бунёдкори. Бутун эзгулик ва поклик – оламини яратган қудрат. Маздапарастлик (зардуштийлик) динининг Олий Илоҳи.

Бундаҳишн (борлиқнинг яралиши) – қадимги динлар ва диний эътиқодлар ҳақидаги асотир ва ривоятлардан иборат бу буюк китобнинг муаллифи аниқ эмас. Бундаҳишн 46 бўлимдан иборат. Унинг икки қўлёзмаси: «Ҳиндий Бундаҳишн» ва «Буюк Бундаҳишн» мавжуд.

Барсам – Авестода «барис ман» – «силамок», «серпимок» маъноларини ифода этади. Зардуштийлар ҳамд-сано лаҳзаларида бу даҳхат шохларни қўлда тутганлар.

Ясна – бугунги Авестонинг муҳим қисми бўлиб, 72 хотдан иборат. 72 ҳа (ҳаити Авесто тилида «кесим», «қирқим», «бўлак») маъноларини билдиради)дан иборат Авестонинг наски. Яснанинг маъноси Авесто тилида «мадҳ», «ибодат», «дуо»дир. Я.нинг таркибида Зардуштранинг Гаталари мавжуд.

Яштлар – Ахура Маздадан бошлаб у яратган турли маъбудлар шаънига айтилган, ўқилиши кўп савобли ҳисобланган алқов (гимн)лар тўплами.

Вендидод – Ахура Мазданинг душманлари бўлган девларни маҳв этишга мўлжалланган дуолар тўплами. Девларга қарши қонун китоби. 22 фаргард (қисм)дан иборат.

Виспарад – зардуштийлик диний ибодатлари, яъни намоз ва зикру сано матнлари. 24 қарде (қисм)дан иборат ибодат ва дуолар тўплами.

Воҳу Мана (авесточада «Эзгу фикр») – Ахура Мазданинг аслий сифатларидандир. Зеро, «Mazda» сўзи ҳам Авесто тилида «ўга донолик», «барча нарсани билмок» каби маъноларни англатади.

Гносеология (юнонча *gnosis* – «билиш» ва *logos* – «таълимот») – фалсафанинг билиш моҳияти ва ҳақиқатни англашнинг асосий тамойилларини ўргатувчи соҳа.

Гохлар (Гаталар) – Авестонинг энг қадимий бўлимларидан бири ёхуд Зардуштнинг бешлик қўшиқлари. Маъноси – қўшиқ. Зардуштнинг жамийки бешлик қўшиқлари шу унвон билан аталган.

Дуализм (лотинча *dualis* – «фалсафий таълимот») – олам ва инсон борлигининг асосини белгиловчи икки тенг ҳуқуқли ибтидо моҳиятини англатади. Зардуштийликнинг дунёқарашга оид фалсафий моҳиятини ёруғлик ва қоронғилик, эзгулик ва ёвузлик, гўзаллик ва хунуқлик, ҳаёт ва ўлимни ўзида мужассам қилган икки дуалистик кучларнинг ўзаро қарама-қаршилиги ва курашининг муайян концепцияси ташкил этади. Улар ҳам табиат доирасида, ҳам инсон ва бутун жамият ҳаётида абадий қарши курашиш ҳолатида бўлиб, пировард натижада эзгулик ёвузлик устидан ғалаба қозонади.

Зардуштийликда дуалистик тафаккур ривожининг олий даражага эришиши, ёруғлик ва зулмат, эзгулик ва ёвузлик, гўзаллик ва хунуқлик, адолат ва адолатсизлик, ҳаёт ва ўлим ва ҳ.к.ларнинг ҳам табиатда, ҳам инсон, ҳам жамият ҳаётида содир бўладиган ўзаро қарама-қаршилиқ курашида ифодаланган. Оламда бир-бирига қарши кураш олиб боровчи бошланғич асослар мавжудлигининг зарурияти тўғрисидаги зардуштийлик ақидаси Авестода Ахура Мазда ва Анхра Майнью бошчилигидаги икки бир-бирига қарши кучларнинг қонуний тизими сифатида ифодаланади.

Моддий ва маънавий ҳаётнинг барча даражаларида намоён бўлувчи зардуштийлик дуализми, шунингдек, инсоннинг эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалаба қозонишининг муҳим омили сифатида илоҳий куч томонидан яратилган мавжудотлар ичида алоҳида устувор ўрин эгаллаган ҳамда ўзида юксак маънавий-ахлоқий бошланғич асосни мужассамлаштирган тушунча.

Дуруж – (Авестода «друж» ёки «друг»; паҳлавий тилида «друз»). Маъноси – «ёлгон»). Каззоб, аҳдсиз урғочи девнинг номи.

Ийрон Виж – Авестода «Айрйана Вайжа» ёки «Айрйана Ванжангоҳ». Қадимги Шарқ халқлари истиколат қилган манзилнинг номи. Кўплаб авестошуносларнинг яқинлик билан қилган эътирофига кўра бу юрт ҳозирги Хиванинг ўрнида бўлган. «Вандидод» китобининг фарғарди 3-бандига кўра, «Ийрон Виж» Ахура Мазда яратган

Ўн олти сарзаминнинг энг бирламчиси ва энг гўзалидир. Бунга қарши ўлароқ ёвузлик Худоси Ахриман Аждаҳо, Қиш ва Девни ярагади.

Зардушт (Заратуштра) – Авестода «Сариқ туя соҳиби» маъносини билдиради. Бошқа таъбирга мувофиқ «Заррин ёруғлик эгаси» маъносини ифодалайди. Зардуштийлик (маздапарастлик) динининг асосчиси Зардушт, аслида, қадимда Даитийа – Амударё бўйларида яшаган Спитама уругидан бўлиб, унинг уругдошлари бошқа худолар қатори Ахура Маздага ҳам эътиқод қилишган. Биргина Зардушт улар орасида бошқа худоларга ишончсизлик муносабатида бўлган. Ахура Маздани эса ўзи учун чин худо деб билган. – маздаясна динининг асосчиси ҳисобланади. Унинг қачон яшаганини тўғрисида фанда яқдил фикр йўқ. Лекин кўпгина олимларнинг фикрича, З. мил. авв. VIII–VII асрларда яшаб ўтган. Авестонинг Гаталари З.га нисбат берилади. У Гаталарни ажойиб шеърӣ усулда баён қилган. Янги диний ғоялар билан келган З. ўз жамоаси томонидан илиқ кутиб олинмади (Ясна, 46) ва шох Виштасп хузурига кетишга мажбур бўлади (Ясна, 28:7). Кейинчалик Виштасп маздаясна динини қабул қилади. З. 77 ёшида дин душманлари томонидан шаҳид қилинади (Дж. V–III–2; VII–VI–12). З. исми Зороастр (қадимги грек тилида «мунажжим»), Зардушт (пахлавӣ ва форс тилидаги талафузи) шаклларида ҳам учрайди.

Зардуштийлик – инсоният тарихида биринчи илоҳӣ ваҳӣй орқали келган жаҳон динларидан бири. Зардуштийлик тарихининг ёзма манбаларида айтилишича, худо Ахура Мазда ўзининг ярагувчи, холик, яккаю ягона худо эканини имонли зот Зардуштга билдириб, уни пайғамбар этиб одамлар орасидан танлаган. «Зардуштийлик» деган ном динга нисбатан шартли равишда ўрта асрлардан бошлаб ишлатилади. Бу ҳол динни унинг пайғамбари номи билан аташдир. Аслида, Зардушт дини Мазда Ясна деб аталган, яъни Маздага – «Мутлак оқил» зотга сиғиниш демақдир.

Зардуштийлик этикаси – эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал – зардуштийлик ахлоқининг асосий училиги. Зардуштий бутун ҳаёти давомида ушбу учликни ўзида мужассам этмоғи керак. Ўлимдан сўнг марҳум руҳи устидан ўтказилувчи ҳисоб-китоб жараёнида Ҳақиқат

илоҳи Раши уларни тарозида салмоқлаб кўради. Тарозининг бир палласига эзгу фикр, сўз ва амаллар, бошқасига эса ёвуз фикр, сўз ва амаллар қўйилади. Борди-ю, эзгу фикр, сўз ва амаллар салмоғи ёвуз фикр, сўз ва амаллар салмоғидан зиёдалик килса, марҳум руҳи юқорига – жаннатга, Ахура Маздаининг ёруғ масканига парвоз қилади, акс ҳолда, тубанликка – Ахриман ва девлар жамиятининг машаққатли домига тушиб кетади.

Ноосфера (грекчада «ақл соҳаси») – жамият ҳаётининг кейинги босқичларида инсоннинг ақли етакчи ўринга чиқишини асослашга уринувчи фалсафий таълимот.

Маздаясна (авесточада «Маздага сифинувчилар») – Заратуштра ғояларини қабул қилиб, Авесто кўрсатмалари бўйича ҳаёт кечиришга тарғиб қилувчи диний-фалсафий таълимот.

Маънавий-маърифий тарбия – илғор миллат ва ривожланган давлат бўлишнинг зарурий шартларидан бири – бой, илғор маънавияга эга бўлишдир. Фақат моддий жиҳатдан бой ҳамда илғор бўлиш жамият норасолигининг муҳим кўрсаткичидир. Шу сабабли Президентимиз Ислоҳ Каримов маънавият ва маърифатни кўтариш, тарғиб қилиш, бойитиш, аҳолининг кенг доирасига ёйиб, ҳар бир фуқаронинг юксак маънавий даражасини таъмин этиш энг долзарб масалалардан бири эканлигини қайта-қайта уқтирмақда. Ўзбекистон халқи ҳам ўзбек миллатининг маънавияти нимадан иборат, унинг тарихи нимадан ва қачон бошланган, маънавиятнинг қайси соҳалари ҳозирги даврда ва нима учун катта аҳамиятга эга, маънавиятимиз қандай қилиб бойимокда ва халқаро миқёсда салмоғини орттирмоқ учун ҳар биримиз нима қилмоғимиз керак – ана шу каби саволларга жамиятшунос олимларимиз жавоб беришлари умуммиллий долзарб вазифалардан биридир.

Монотеизм – яккаҳудолик ғояси. Барча дунёвий динларнинг асоси. Олам ва одам ибтидосини ягона Олий тангри билан асослаш.

Мустақиллик ва ёшлар – давлатимиздаги энг муҳим ва жиддий масалалардан бири. Мустақил Ўзбекистоннинг ёшлар сиёсати қуйидаги асосий йўналишлардан иборат бўлиши керак: 1) ёшларнинг жисмонан ва ақлан соғлом бўлиб ўсишини таъминлаш; 2) улар-

да тадбиркорлик, нишчанлик, мустақил фикр юритиш қобилиятини ҳаётдаги биринчи қадамлариданок сингдириш; 3) ҳар бир ёшни ўз Ватанига муҳаббат ва меҳр, садоқат ва фидокорлик руҳида тарбиялаш; 4) бу меҳр-муҳаббат ва садоқатнинг илдизи чуқур бўлиши учун ёшлар ўз миллати, ўз юрти тарихини, урф-одатлари ва расм-русумларини, унинг жаҳон цивилизацияси майдонидаги ўрнини ҳар томонлама билишини таъминлаш; 5) спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантириш, спортдан мамлакат ва миллатни улуғловчи ҳолис восита сифатида фойдаланиш.

Онтология (юнон. *ontos* – «мавжудлик» ва *logos* – «таълимот») – фалсафанинг муҳим таркибий қисми. У борлиқнинг туб асослари, шакллари, ўзгариши сабаблари, боғланишлари, ҳаракатлантирувчи кучлари ҳамда энг умумий ғоялари ва категорияларидан ташкил топади.

Полиитеизм – кўпхудоликка асосланган ғоялар тизими. Моҳиятан асотирий афсоналар негизида шаклланган. Ибтидонинг турли ақидалар ва унсурлар кўпчилиги билан ифодалаган.

Ригведа – Ведаларнинг бир қисми бўлиб, веда тилидаги қадимги ҳинд адабиёти ёдгорликлари. Милoddан аввалги II минг йилликнинг охири–I минг йилликнинг бошида яратилган. Мутаассиб диндор киши учун В. олий муқаддас билим, башоратдир. В.да қадимги ҳиндларнинг тарих, иқтисод, дин, фалсафа, ахлоқ-одоб каби турли соҳаларга тааллуқли дастлабки фикрлари ўз ифодасини топган.

Синергетика (юнон. *sinergeia* – «ҳамкорлик», «ҳамжихатлик») – ҳозирги замон ўз-ўзидан ташкил бўлиш назарияси, ўз-ўзини бошқариш, ночизикли ходисаларни ўрганишга, дунёни янгича изоҳлашга, мураккабликни ўрганадиган, табиий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг табиатини билишга қаратилган, илмий йўналиш, тафаккур услуби.

Спента Арманги (авесточада «Муқаддас садоқат») – Ахура Мазданинг сифатларидан бири.

Теология (юнонча *theos* – «худо», *logos* – «таълимот») – диний таълимот ёки илоҳиёт. Илоҳиёт қатор соҳалардан иборат бўлиб, уларда диний таълимотнинг турли томонлари баён этилади ва асос-

лаб берилади. Илоҳиётнинг ўзи муқаддас китоблар матнларига асосланади, шу билан бирга, уларни талкин қилиш қоидаларини ишлаб чиқади.

Толерантлик (бағри кенглик) – бошқа диний қарашларга бағри кенглик билан муносабатда бўлиш, ўз диний қарашларини ягона тўғри гоё деб билмаслик.

Фравашилар – борлик муҳит ўтган имонлиларнинг руҳи билан тўла, деб тушунилган. Фравашилар одамларга эзгу ишларда ёрдам бериб туради, улар доимо ўтганларнинг авлодларини ҳимоя қилади, деб ҳисоблаганлар. Халқимизда ўтган аجدодлар руҳи (арвоҳларига) нисбаган алоҳида ҳурмат ва эҳтиёткор ҳамда умидли қараш анъанаси шу билан боғлиқ: «Арвоҳлар ёр, пирлар мададкор бўлсин».

Хорда Авесто (Кичик Авесто) – Авестонинг турли қисмларидан саралаб олинган ибодат вақтида ўқиладиган дуолар. Авестонинг мавжуд қўлёзмаларида учрамайдиган матнлар бўлганлиги учун уни ҳам Авестонинг бир мустақил қисми сифатида қабул қилиш мумкин.

Хшатра Ваирья (авесточада «Эзгулик салтанати») – Ахура Мазданинг сифатларидан бири. Бу сўз ҳам Ер юзидаги эзгулик салтанатини, ҳам охиратдаги Худо шоҳлигини англатади.

Ҳаурватат (авесточада «бутунлик», «яхлитлик») – Ахура Мазданинг исм-сифатларидан бири бўлиб, оламдаги барча нарсаларнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлигини уқтирувчи тушунча.

Чиста (шахлавийда «фарзанг», маъноси – «билим», «дониш», «огоҳлик», «фарзоналик») – илму дониш илоҳаси. Сифатлари – энг тўғри, Мазда яратган ёхуд Маздазода, Ашаван. Ойнинг йигирма тўртинчи куни – «дин кун» («дин рўз») «Чиста куни»ни англатади.

Эпистемология – фалсафа бўлими бўлиб, билиш жараёнининг моҳияти, билимнинг воқеликка бўлган муносабати, билиш жараёнининг умумий асослари. Унинг ҳақиқатлиги, шарт-шароитлари каби масалаларни тадқиқ этади.

Яштлар – Ахура Маздадан бошлаб у яратган турли маъбудлар шаънига айтилган, ўқилиши кўп савобли ҳисобланган алқов (гимн) лар тўплами.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- Каримов И.А.* Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
- Каримов И.А.* Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
- Абдуллаев Е.В.* Очерки культуры доисламской Центральной Азии: религия, философия, право. – Т.: Мир экономики и права, 1998.
- Абу Бакр Мухаммад ибн Жабфар ан-Наршахий.* Бухоро тарихи. – Т.: Камалак, 1991.
- Абу Райхон Беруний.* Таъланган асарлар. 1-т. – Т.: Фан, 1968.
- Авеста. Избранные гимны.*// Пер. с авестийского И.М. Стеблин – Каменского. – Душанбе: Адиб, 1990.
- Авеста. Избранные гимны.* Из Вендидада. – М.: Дружба народов, 1992.
- Авесто.*// Жалил Дўстхоҳ тахрири остида. – Техрон: Марварид, 1991.
- Авесто: Тарихий-адабий ёдгорлик.*// Тарж. А. Маҳкам. – Т.: Шарқ, 2001.
- Авесто. Яшг китоби.* – Т.: Шарқ, 2001.
- Авеста. «Закон против дэвов» (Видевдат).* СПб.: Изд-во Политех. ун-та, 2008.
- Авеста в русских переводах (1861–1996).* – СПб.: «Журнал «Нева»», «Летний Сад», 1998.
- Авесто: «Видевдат» китоби.*// М. Исҳоков таржимаси. – Т.: ГДШИ нашриёти, 2007.
- «Авесто кадриятлари: замонавийлик, дин ва фалсафа» мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2013.
- Аширов А.* «Авесто»дан мерос маросимлар: Ўзбек халқи турмуш тарзида зардуштийлик диний маросимлар аънъанаси. – Т.: Мерос, 2001.
- Аширов А.* Ўзбек халқининг қадимий этикод ва маросимлари. – Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.
- Бартольд В.В.* Сочинения: В 9-ти т. Т.2, ч.1. – М.: Вост. лит., 1963.
- Бируни Абу Рейхан.* Избр. Произведения. Т.1. – Т.: АН СССР, 1957.
- Бируни Абу Рейхан.* Избр. Произведения. Т.2. – Т.: АН СССР, 1963.
- Бобоев Х., Ҳасанов С.* «Авесто» – маънавиятимиз сарчашмаси. – Т.: Адолат, 2001.
- Бойс М.* Зороастрийцы. Верования и обычаи. – М.: Наука, 1987.
- Вольф М.Н.* Онтологические аспекты иранских влияний на раннюю греческую философию. – Диссертация на соискание ученой степени канд. фи-

лос.наук. – Новосибирск, 2003. -<http://www.nsu.ru/classics/Wolf/Kand-diss.htm#ch3>

Васильев Л.С. История религий Востока. – М.: Книж. дом. Университет, 1999.

Виноградов А.В. Неолитические памятники Хорезма. – М.: Наука, 1968.

Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. – Т.: Фан, 1959.

Горан В.П. О социально-исторической обусловленности генезиса греческой философии. // Гуманитарные науки в Сибири. – 1996. – № 1.

Джаббаров И. Духи, святые, боги Средней Азии: Очерки по истории религии. – Т.: Узбекистан, 1993.

Джаббаров И. Узбеки. – Т.: Шарк, 2007.

Жумабаев Ю.Д. Из истории этической мысли в Средней Азии (с древнейших времен до XIV в.). – Т.: Фан, 1975.

Дорошенко Е.А. Зороастрийцы в Иране: Ист.-этно. Очерк. – М.: Наука, 1982.

Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии. – М.: Наука, 1986.

Дусимов З.Д. Хоразм ономастикасининг шаклланиши ва «Авесто». – Т.: Фан, 2010.

Дьяконов И.М. Архаические мифы Востока и Запада. – М.: Наука, 1990.

Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 2002.

Жабборов И. Антик маданият ва маънавият хазинаси. – Т.: Ўзбекистон, 2000.

Жўраев У., Саиджонов Ў. Дунё динлари тарихи. – Т.: Шарк, 1998.

Зокиров М.Д. Религия народов мира: Энциклопедия по богословию. Т.1. – Самарканд: Б.и., 1999.

Изведать дороги и пути праведных. Пехлевийские назидательные тексты. / Введ., транскрипция текстов, пер., комментариев и глоссарий О.М. Чунаковой. – М.: Наука, 1991.

Искусство стран Востока. – М.: Просвещение, 1986.

История материальной культуры Узбекистана. Вып. 23. – Т.: Фан, 1990.

История религии. В поисках Пути, истины и жизни. По книгам протоиерея Александра Меня. – М.: Московск. Ун-т., 1999.

История таджикского народа: В 3-х т. Т.1 / Под ред.: Б.Г. Гафурова, Б.А. Литвинского. – М.: Наука, 1964.

Исхаков М. «Авеста» и ее место в истории развития человечества. – Ташкент-Ургенч: Фан, 2001.

Йулдошев Ж., Хасанов С. Авестода ахлокий таълим қарашлар. – Т.: Ўқитувчи, 1992.

Йулдошев К. «Авесто»да тарбия масалалари: илмий-оммабоп рисола. – Андижон: Нашриётсиз, 2007.

Карим Тоҳир. Муқаддас «Авесто» изидан. – Т.: Чўлпон, 2000.

Карим Т. По следам «Авесты» = TRACES of the AVESTA. Ardakhixe ledend: Легенда об Ардахиве. – Т., 2007.

Кароматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий этнокодлар тарихи. – Т.: ЖИДУ, 2008.

Кимелев Ю.А. Философия религии. – М.: Nota bene, 1998.

Крывелев И.А. История религий. Т.2. – М.: Мысль, 1976.

Кулаков А.Е. Религии мира. – М.: Мос.Ун-т, 1996.

Лелеков Л.А. Авеста и современная наука. – М.: Наука, 1992.

Лелеков Л.А. Зороастризм: явления и проблемы.// Локальные синкретичные культуры. – М.: Наука, 1991.

Лукин В.Г. Культура Сасанидского Ирана. Иран в III–IV вв. Очерки по истории культуры. – М.: Наука, 1969.

Леви-Брюль Л. Первобытное мышление. – М., 1930.

Леви-Строс К. Структурная антропология. – М.: Изд-во ЭКСМО-Пресс, 2001

Маковельский А.О. Авеста. – Баку: АН Азерб.ССР, 1980.

Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т., 1963.

Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. – М.-Л.: АН СССР, 1951.

Массон В.М. Средняя Азия и древний Восток. – М. – Л.: Наука, 1964.

Маҳмудов Т. «Авесто» ҳақида. – Т.: Шарқ, 2000.

Маҳмудова Г.Т. «Философская сущность Авесты». – Т.: Изд-во журнала «Санъат», 2010.

Мень А. История религии. – М.: Слово, 1994.

Мифологии древнего мира / Пер. с англ. И.М. Дьяконова. – М.: Наука, 1977.

Мифология и литературы Востока. – М.: Наследие, 1995.

Мифы народов мира. Т.2. – М.: Сов. энцикл., 1992.

Муминов И.М. Избр. произведения: в 4-х т. Т.2. – Т.: Фан, 1976.

Муминов А.К. Диншунослик асосларини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1995.

Мчедлов М.П. Политика и религия. – М.: Сов. Россия, 1987.

Основы религиоведения / Ю. Ф. Борунков, И. Н. Яблоков, М. П. Новиков, и др.; Под ред. И. Н. Яблокова. – М.: Высш. шк., 1994.

- Перихаян А.Г.* Общество и право Ирана в парфянский и Сасанидский периоды. – М.: Наука, 1983.
- Потанин Г.Н.* Восточные мотивы в средневековом европейском эпосе. – М.: Геогр. отд. имп. о-ва, 1899.
- Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В.* Северная Бактрия – Тохаристан. Очерки истории и культуры: древность и раннее средневековье. – Т.: Фан, 1990.
- Радугин А.А.* Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. – М.: Центр, 2000.
- Рак И.В.* Мифы древнего и раннесредневекового Ирана. – СПб.: Нева, 1998.
- Рапопорт Ю.А.* Из истории религии древнего Хорезма (Оссуарии). – М.: Наука, 1971.
- Рапопорт Ю.А.* Некоторые вопросы сложения зороастрийской погребальной обрядности. – М.: Восточ. Лит. 1960.
- Религия и права человека: На пути к свободе. – Т.: Наука, 1996.
- Рикер П.* Конфликт интерпретаций. Очерки о герменевтике. – М.: Медиум, 1995.
- Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С.* Современные мифы о далеком прошлом народов Центральной Азии. – Т.: Чулпан, 2006.
- Ртвеладзе Э.В.* Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Т.: Ун-т мировой эконом. и дипломатии, 2008.
- Рахимов С.Х.* Эстетика зороастризма. – Душанбе: Дониш, 2006.
- Сагдуллаев А.* Қадимги ўзбек илк ёзма манбаларда. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
- Снесарев Г.П.* Реликты до мусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969.
- Снесарев Г.П.* Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. – М.: Наука, 1983.
- Ставиский Б.Я.* Кушанская Бактрия. Проблемы истории и культуры. – М.: Наука, 1977.
- Стеблин-Каменский М.И.* Миф. – Л.: Наука, 1976.
- Струве В.В.* Этюды по истории Северного Причерноморья Кавказа и Средней Азии. – М.: Наука, 1968.
- Сулаймонова Ф.* Шарқ ва Ғарб. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
- Тэйлор Э.Б.* Первобытная культура. – М.: Политиздат, 1989.
- Тихомиров Л.А.* Религиозно – философские основы истории. – М.: Москва, 2000.
- Токарев С.А.* Ранние формы религии и их развитие. – М.: Наука, 1964.
- Токарев С.А.* Ранние формы религии. – М.: Политиздат, 1990.
- Толстов С.П.* Древний Хорезм. – М.: МГУ, 1948.

Толстов С.П. Общественный строй древней Средней Азии по Авесте. – М.: Полиграфкнига, 1939.

Толстов С.П. По следам древнехорезмийской цивилизации. – М.: Наука, 1948.

Удам Х.К. Иранская философия / Иран. Х. Просвещение. 2. Общественные науки. Философия // Большая Советская Энциклопедия. Гл. ред. А.М. Прохоров. – Т. 10. – 3- изд. – М.: Изд-во «Советская энциклопедия», 1972.

Фирдавсий А. Шохнома. К.1./ Форс тилидан Ш.Шомухамедов тарж. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1975.

Фрезер Д.Ж. Золотая ветвь. – М.: Политиздат, 1986.

Харузин Н. Этнография. Вып.4. Верования. – СПб.: Б.и., 1905.

Хук С.Г. Мифология ближнего Востока. – М.: Наука, 1991.

Чичерин Б.Н. Наука и религия. – М.: Республика, 1999.

Шарипов А.Ш. Великий мыслитель Абу Райхан Беруний. – Т.: Узбекистан, 1972.

Шаймухамбетова Г.Б. О методологических аспектах темы соотношения философии и религии на Востоке.// Методологические проблемы изучения истории философии зарубежного Востока. – М., 1987.

Элиаде М. История веры и религиозных идей. Т.1: От каменного века до элевсинских мистерий. – М.: Критерион, 2002. – Глава XIII: Заратустра и религии иранцев.

Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. – Т.: Ўзбекистон, 1995.

Ўзбекистон тарихи. 1-жилд. – Т.: Университет, 1996.

Ўзбекистон фалсафаси тарихи. 1-жилд. – Т.: Ношир, 2013.

Ҳомидов Ҳ. «Авесто» файзлари. – Т.: Халқ мероси, 2001.

Ҳомидов Ҳ. «Авесто»дан «Шохнома»га. – Т.: Шарқ, 2007.

Ҳомидий Ҳ., Дўсқонов Б. «Авесто» ва тиббиёт. – Т.: Ибн Сино, 2001.


Қаюмов А., Исҳоқов М., Отахўжаев А., Содиқов К. Қадимги ёзма ёдгорликлар: «Авесто», «Занд» китоблари Суғд фалсафий-ахлокий ёзма ёдгорликлари туркий матннавислик тарихи. – Т.: Ёзувчи, 2000.

Irani D. Kaikhosrov. The Philosophy of the Ancient Iranian Tradition// Journal of the K.R. Cama Oriental Inst. – 1986. – № 2.

Weber Max. Jesammelte Aufsätze zur Religionssoziologie. – Tubingen, 1920.

МУНДАРИЖА

Зардуштийликни тадқиқ этишининг назарий-методологик масалалари (<i>Арифханова С.М.</i>)	3
Зардуштийлик диний тизим сифатида (<i>Арифханова С.М.</i>)	15
Зардуштийликда борлиқ ҳақидаги таълимот (<i>Арифханова С.М.</i>)	38
Зардуштийликнинг диний-ахлоқий ғоялари (<i>Маҳмудова Г.Т.</i>)	56
«Покланиш» зардуштийликнинг ахлоқий императиви сифатида (<i>Маҳмудова Г.Т.</i>)	83
Зардуштийлик таълимоти ва Авестода ғўзаллик муаммоси (<i>Маҳмудова Г.Т.</i>)	99
Зардуштийликнинг эстетик дуализми (<i>Маҳмудова Г.Т.</i>)	118
Фанга оид қисқача изоҳли лугат	134
Фойдаланилган адабиётлар	142



Г.Т. Маҳмудова
С.М. Арифханова

ЗАРДУШТИЙЛИК
ФАЛСАФАСИ

Илмий-методик қўлланма

«NOSHIR»—ТОШКЕНТ—2014

Мухаррир *Ж. Қўнишев*
Техник муҳаррир *Д. Мамадалиева*
Бадний муҳаррир *Ш. Одилов*
Мусаххих *С. Сафаева*
Саҳифаловчи *А. Қўнишев*

Нашриёт лицензияси АИ № 200, 28. 08. 2011 й.
Босишга руҳсат этилди 26. 12. 2014. Бичими 60 × 84 ¹/₁₆.
«Times New Roman» гарнитураси. Офсет қоғози.
Офсет босма усулида чоп этилди. Шартли б. т. 9,25.
Адади 100 нусха. Буюртма № 33.

«NOSHIR» Ўзбекистон–Германия қўшма
корхонаси нашриёти.
100020, Тошкент ш., Лангар кўчаси, 78.

«NOSHIR» Ўзбекистон–Германия қўшма
корхонаси босмахонасида чоп этилди.
100020, Тошкент ш., Лангар кўчаси, 78.



ISBN 978-9943-4200-9-0



9 789943 420090